

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети

Қўлёзма ҳуқуқи
УДК 9:33(4)

Сафаров Юнусжон Жўлмаматович

1975-1991 йилларда Европада халқаро муносабатлар

5A120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
т.ф.н., доцент А.Г.Холлиев

Тошкент - 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3-7
1 БОБ. 1970 – ЙИЛЛАРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ВА 1980 – ЙИЛЛАРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ЕВРОПАДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР.....	8-44
1.1. 1970 – йилларнинг иккинчи ярми ва 1980 – йилларнинг биринчи ярмида Европада халқаро муносабатларнинг омиллари.....	8-22
1.2. 1970 – йилларнинг иккинчи ярми ва 1980 – йилларнинг биринчи ярмида Европада инқирозни юмшатишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	22-35
1.3. 1970 - йилларнинг иккинчи ярми ва 1980 - йилларнинг биринчи ярмида Европада интеграцион жараёнлар.....	35-43
1 боб хулосаси.....	43-44
2 БОБ. 1985-1991 ЙИЛЛАРДА ЕВРОПАДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР.....	45-61
2.1. “УмумЕвропа уйи” совет лойиҳаси.....	46-53
2.2. 1984-1989 йилларда Хельсинки жараёнлари.....	54-60
2 боб хулосаси.....	60-61
3 БОБ. ЕВРОПА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ ГЕОСИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР.....	62-89
3.1. 1980-йиллар ва 1990-йиллар оралиғида Европада сиёсий ўзгаришлар.....	62-75
3.2. “Совуқ урушнинг” тугаши ва Европа халқаро муносабатлар тизимида биполяр тартиботининг поёнига етиши.....	77-87
3 боб хулосаси.....	88-89
ХУЛОСА.....	90-94
Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати.....	95-98

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Халқаро муносабатлар тарихи жаҳон тарихининг энг муҳим бўлимларидан бири ҳисобланади. Халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихи тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши жараёнида энг аввало, халқаро муносабатларнинг объектлари, турли мамлакатларнинг ривожланишига, шунингдек, истиқомат қилаётган халқлар тақдирига катта таъсирини кўрсатган кўпгина воқеаларнинг асл туб моҳияти очилади.

Шак-шубҳасизки, XX асрнинг 70 – йиллари ўрталарида ва 90 – йилларнинг бошида Европа халқлари ўзаро муносабатлари билан боғлиқ ҳодисалар халқаро муносабатлар тарихида энг муҳим ва айрим лаҳзаларнинг ажримини берувчи воқеалардан ҳисобланади. Айнан ўша даврда Совет Иттифоқиға қарата ориентацияни ушлаб турувчи “ижтимоий блок” деб номланган мамлакатлар ва АҚШға йўналтирилган Европа мамлакатлари ўртасида “темир парда”нинг аста-секинлик билан заифлашув жараёни бошланди.

Европа мамлакатлари ўртасида дипломатик ҳамкорлик ва халқаро ривожланиш жараёнида аста-секинлик билан ҳозирги Европа уюшмаси пайдо бўлди. Айнан ўша даврда демократлаштириш жараёнлари бошланди.

Мазкур воқеаларни ўрганиш Ўзбекистон учун муҳим. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганларидек, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”¹. Маълумки, мамлакатимиз СССР таркибида бўлиб, таъкидланган демократлаштириш жараёнларининг натижаларидан бири Совет Иттифоқининг кулаши ва Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритилиши бўлди. Айнан шунинг учун кўрсатиб ўтилган даврдаги Европадаги халқаро муносабатларни ўрганиш мамлакатимиз тарихи учун муҳим аҳамият касб этади. Мазкур муаммоларни ўрганар эканмиз, мамлакатимизнинг мустақилликдан кейинги тарихини тушуниб етишимиз учун ўта муҳим бўлган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг қўлга киритилиши жараёнларини яхши тушуниб ва англаб етишимиз мумкин.

¹ Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Каримов И. А. Асарлар. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Т. VII. – С. 140.

Ишининг мақсади ва вазифалари. Европа мамлакатлари ўртасидаги халқаро муносабатни, айниқса жаҳонда “Шарқий” ва “Ғарбий” деб номланувчи блок ўртасидаги курашни тадқиқ қилиш ишининг асосий мақсади ҳисобланади.

Қўйилган мақсадларни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- 1970 йилларнинг иккинчи ярми – 1980 йилларнинг биринчи ярмида Европада мавжуд халқаро муносабатлар омилларини кўриб чиқиш;

- 1970 йилларнинг иккинчи ярми – 1980 йилларнинг биринчи ярмида Европада инқирозни юмшатишнинг хусусиятларини кўрсатиб бериш;

- 1970 йилларнинг иккинчи ярми – 1980 йилларнинг биринчи ярмида Европада интеграцион жараёнларни тадқиқ қилиш;

- Совет Иттифоқи томонидан ваикл бўлган “умумЕвропа уйи” лойиҳасини кўриб чиқиш;

- 1984-1989 йилларда Хельсин жараёнлари деб номланган воқеалар билан боғлиқ Европадаги ўзгаришларни кўрсатиб бериш;

- 1980 - ва 1990 йиллар оралиғида Европада қандай сиёсий ўзгаришлар содир бўлганини ўрганиш;

- “Совуқ урушнинг” тугатилиши ва Европа халқаро муносабатлар жаарёнида биполяр тизими тугаши қандай содир бўлганини ёритиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. 1970 – йилларнинг ўрталаридан то 1990 йилларнинг бошигача Европада халқаро муносабатлар тарихи тадқиқотнинг объекти ҳисобланади. Дунё миқёсида иккала “блоклар” курашида Европа мамлакатлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнида рўй берган ўзгаришлар ва бу содир бўлганлар халқаро жараёнларга қай тарзда таъсир кўрсатганлиги мазкур ишнинг предмети бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Мазкур тадқиқот ишини ёзиш жараёнида, мақсад қилиб қўйилган барча вазифаларни тўлиқ бажариш учун, талаб қилинган барча жараёнларни кўриб чиқиш ҳамда тарихий воқеаларнинг сабаб-оқибатларининг боғлиқлиги ва асосий ривожланиш босқичлари аниқланганидан кейин, тарихийлик, объективлик, тизимлилик каби асосий услубий тамойилларидан фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарларида қамраб олган ижтимоий шароитлар ва ҳулосалар ўрганилди ҳамда улардан фойдаланилди. Тарихий маълумотларни, далилларни, воқеа ҳамда ҳодисаларни ёритишда мантикий умумлаштириш ва тарихий таққослаш тамойилига асосий эътибор қаратилди.

Тадқиқотда тарихий давр оралиғидаги мазкур муаммоларни комплекс тарзда кўриб чиқишга ҳаракат қилинди. Бундан ташқари, мазкур мавзунини ўрганиш жараёнида воқеа ва ҳодисаларни далиллар, ёритилган тарихий маълумотларни мантикий умумлаштириш ва тарихий таққослаш, муаммоли этнологик ва маданий таҳлил услубларидан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси. Олинган ҳулосалар СССРнинг қулаши натижасида қатор мустақил давлатларнинг шу жумладан, Ўзбекистоннинг ташкил топиши ва ундан олдин “ижтимоий блок”нинг инқирозга юз тутиши воқеалари тўғрисидаги тассавурлармизни бойитади. Тадқиқот якунида 90-йиллар арафасида Европа мамлакатлари ўртасида ўзаро муносабатлар ва халқаро вазият тўғрисида бир мунча аниқ тассавурларга эга бўлишимиз мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи. Олинган ҳулосалар СССРнинг қулаши натижасида қатор мустақил давлатларнинг шу жумладан, Ўзбекистоннинг ташкил топиши ва ундан олдин “ижтимоий блок”нинг инқирозга юз тутиши воқеалари тўғрисидаги тассавурлармизни бойитади. Тадқиқот якунида 90-йиллар арафасида Европа мамлакатлари ўртасида ўзаро муносабатлар ва халқаро вазият тўғрисида бир мунча аниқ тассавурларга эга бўлишимиз мумкин.

Тадқиқотнинг даврий ва географик чегараси. Ишнинг даврий санаси XX асрнинг 70 йиллари ўрталаридан то 1991 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг географик чегараси эса Европанинг шарқий, марказий ва ғарбий ҳудудларини ўз ичига олади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Халқаро муносабатлар тарихи ва дипломатиясининг турли жиҳатлари бир қатор тадқиқотчиларнинг ишида ўз аксини

топган. Шулардан В. Л. Адамишин, А. А. Ахтамзян, В. Дашинов, А. Добрынин, Ю. В. Дубинин, А. В. Загорский, Ю. Б. Кашлев, Г. М. Корниенко, Ф. И. Новик, Тьерри де Монбриаль ва бошқа муаллифларнинг ишларини санаб ўтиш мумкин². Бу барча тадқиқот ишларида кўриб ўтилатган давр Европа халқаро муносабатларида юз бераётган жараёнлар ва воқеаларнинг турли тафсилотлари берилган. Шуни қайд этиш лозимки, мазкур давр бўйича тадқиқотларнинг кўпчилиги 1991 йилдан кейин нашр қилинган. Буларнинг кўпчилиги ўзининг илмий объективлиги ва нейтрал ҳолатлари билан фарқ қилади.

Жаҳонда икки “блок” кураши ва бу ерда содир бўлган халқаро жараёнларга қандай таъсир қилгани, Европа мамлакатлари ўртасида ўзаро муносабатлар жаарёнида содир бўлган ўзгаришлар тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Турли Европа мамлакатлари ўртасида имзоланган актлар ва битимлар, халқаро шартномалар **манбавий база** сифатида хизмат қилди³. Бундан ташқари, давлат арбобларининг чиқишлари ва турли нутқларидан ҳамда бошқа нуфузли

² Адамишин В. Л. Мадридская встреча // Мир и разоружение. Научные исследования. – М., 1984; Ахтамзян А. А. Объединение Германии, или аншлюс ГДР к ФРГ. – М., 1994. – Ч. II; Дашинов В. От тоталитарной к демократической политике в германском вопросе // Россия и Германия после войны и мира (1946-1995). – М., 1995; Добрынин А. Сугубо доверительно. Посол в Вашингтоне при шести президентах США (1962-1986 гг.). – М., 1996; Дубинин Ю. В. Дипломатическая жизнь. Записки посла во Франции. – М., 1997; Кашлев Ю. Б. Общеввропейский процесс вчера, сегодня, завтра. – М., 1990; Корниенко Г. М. Холодная война. Свидетельство ее участника. – М., 1994; Новик Ф. И. СССР и проблемы безопасности и сотрудничества в Европе // Советская внешняя политика в годы холодной войны. 1945-1995 гг. – М., 1995; Тьерри де Монбриаль. Память настоящего времени. – М., 1997 ва бошқ.

³ Совместное заявление о принципах и основных направлениях последующих переговоров об ограничении стратегических вооружений. 18 июня 1979 г. // Борьба СССР против ядерной опасности, гонки вооружений, за разоружение». Документы и материалы. – М., 1987; Договор между Союзом Советских Социалистических Республик и Соединенными Штатами Америки о ликвидации их ракет средней дальности и меньшей дальности. 8 декабря 1987 г. // Действующее международное право. – М., 1997. – Т. 2; Договор между Союзом Советских Социалистических Республик и Соединенными Штатами Америки о сокращении и ограничении стратегических наступательных вооружений. 31 июля 1991 г. // Ўша жойда; Итоговый документ Венской встречи 1986 года представителей государств-участников СБСЕ. Вена, 15 января 1989 г. // От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. В 3 т. – М., 1996 Т. 1; Парижская хартия для новой Европы. Париж, 21 ноября 1990 г. // Ўша жойда. – М., 1996. – Т. 2; Заключительный акт Совещания по безопасности и сотрудничеству в Европе // Ўша жойда. – М., 1996. – Т. 1; Итоговый документ Мадридской встречи 1980 года, представленный государствами-участниками СБСЕ. – Мадрид, 6 сентября 1983 г. // Ўша жойда. – М., 1996. – Т. 1; Договор об обычных вооруженных силах в Европе. Париж, 19 ноября 1990 г. Ўша жойда. Т. 2. – М., 1996; Документ Копенгагенского Совещания Конференции по человеческому измерению СБСЕ. Копенгаген, 29 июня 1990 г. Ўша жойда. Т. 2. – М., 1996; Документ Московского Совещания Конференции по человеческому измерению СБСЕ. Москва, 4 октября 1990 г. // Ўша жойда – М., 1996. Т. 2; Договор об окончательном урегулировании в отношении Германии от 12 сентября 1990 г. // Вестник МИД СССР. – № 19. – 15 октября 1990 г.; Договор о добрососедстве, партнерстве и сотрудничестве между СССР и ФРГ от 9 ноября 1990 г. // Вестник МИД СССР. – № 23. – 15 декабря 1990 г.; Единый европейский акт // Европейский союз. Прошлое. Настоящее. Будущее. Единый европейский акт. Договор о Европейском союзе. – М., 1994; Соглашение между СССР и Европейским экономическим сообществом и Европейским сообществом по атомной энергии о торговле и торговом и коммерческом и экономическом сотрудничестве. 1989 г. // Европейский союз. Прошлое. Настоящее. Будущее. Документы, касающиеся сотрудничества между Европейским союзом и Россией. – М., 1994.

ташкilotлар томонидан қабул қилинган қарорлардан фойдаланилди⁴. Тадқиқ этилаётган давр сиёсий ҳаёт иштирокчилари – Р. Рейган, М. С. Горбачёв, Э. А. Шеварнадзе ва бошқа сиёсий арбобларнинг хотираномалари муҳим манба ҳисобланади⁵.

Иш тузилиши ва таркиби. Мазкур татқиқот иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхатидан ташкил топган.

⁴ Съезд КПСС. Документы и материалы. – М., 1976; Съезд КПСС. Документы и материалы. – М., 1981; Политический доклад Центрального комитета КПСС XXVII съезду Коммунистической партии Советского Союза. 25 февраля 1986 г.; Выступление М. С. Горбачева в Организации Объединенных Наций. 7 декабря 1988 г.

⁵ Рейган Р. Жизнь по-американски. – М., 1992; Горбачев М. С. Перестройка и новое политическое мышление для нашей страны и для всего мира. – М., 1988; Ўша. Жизнь и реформы. – М., 1995. – Т. 2.; Ўша Размышления о прошлом и будущем. Изд. 2-е. – СПб., 2002; Шеварнадзе Э. А. Мой выбор. – М., 1992.

1 БОБ. 1970 – ЙИЛЛАРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ВА 1980 – ЙИЛЛАРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ЕВРОПАДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

1.1. 1970 – йилларнинг иккинчи ярми ва 1980 – йилларнинг биринчи ярмида Европада халқаро муносабатларнинг омиллари

1970 – йилларнинг иккинчи ярми ва 1980 – йилларнинг биринчи ярмида ҳамма жойда хусусан, Европада бошқа минтакаларга қараганда бир мунча халқаро муносабатларга аниқ таъсир дражасининг ўсиши, “совуқ уруш” тугаганидан кейингина тўла маънода ошкор бўлган узоқ муддатли энергетика, иқтисодий ва технологик талабларда намоён бўла бошлади. Европадаги блокка оид келишмовчиликлар шароитига қарамасдан минтақавий вазиятдаги ҳаракатланувчи кучларнинг ўсиши айнан блокларнинг қарама-қарши туриши билан боғлиқ бўлди.

Европадаги 1970 йилларнинг ўрталаридан бошланган энергетика, иқтисодий ва технологик талаблар, Европанинг бўлинган иккала қисмида ҳам энергетик, иқтисодий ва технологик омилларга ўзининг таъсир даражасининг ўсишида намоён қила бошлади⁶.

Ғарбий Европа учун 1973 йилдаги энергетикага оид инқироз 1973/74 йилларда бўлиб ўтган тўғридан-тўғри маъно касб этган совуқ қиш шок ҳолатини чулғаб олди. Мазкур шароитда ғарбий Европа давлатлари ҳукумати энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш тўғрисида ўйлашга мажбур бўлдилар. Тегишли дастур бўйича энергетика ташиш импорт манбаини диверсификация қилишга асосий эътибор қаратилди. Ғарбий Европанинг ўзи нефть ва газ ресурсларига бой эмаслиги сабабли ва 1973 йилга қадар энергетика маҳсулотларининг (нефть ва газ) истеъмолининг учдан икки қисмини импорт қилишга мажбур бўлди. Араб дунёсидан энергетика маҳсулотлари импорти қарамлигини камайтириш фақатгина бу соҳа бўйича СССР билан ҳамкорликни кенгайтириш орқалигина амалга ошириш мумкин эди.

⁶ Кашлев Ю.Б. Общеввропейский процесс вчера, сегодня завтра. – М., 1990. – С. 27.

АҚШга қараганда Ғарбий Европага анча кучли таъсир қилган ўзининг ҳалокатли кучи бўйича 1920 йилларнинг охирида “буюк депрессия” билан таққослаш мумкин бўлган кейинги иқтисодий инқироз 1974/75 йилларда бўлиб ўтди. Кетидан стагнация (умумий стагнация иқтисодий жараёнлари билан боғлиқлиги ва инфляцияга барҳам бермаганлиги туфайли “стагфляция” деб аталган) 1970 йилларнинг иккинчи ярми 1980 йилларда янги иқтисодий инқирознинг ўсиши бошланди.

АҚШ томонидан илмий-техник ва технологик тарққиётнинг янги босқичи натижаси билан иқтисодий қайта қуришни талаб қилаётган бу маълум бир давр ичида такрорланиб турадиган инқирозлар қатор структурали инқирозлар билан бирга содир бўлди. 1980 йилларда АҚШнинг фақатгина Ғарбий Европадангина эмас, балки бутун дунёдан кескин узоқлашиши энг аввало, ҳарбий-техника доирасида ўзини намоён қилди. 1983 йил март ойида Р. Рейган томонидан эълон қилинган Стратегик мудофаа ташаббуси (СМТ), ҳарбий-техника инқилоби янги босқичининг бошланишидан далолат берди⁷. Янги информацион технологияларнинг қай даражада ўзлаштирганлиги давлатларнинг техник жиҳатдан қуролланганлик даражасининг кўрсаткичи бўлди. Мазкур кўрсаткичлар бўйича Ғарбий Европа давлатлари техник жиҳатдан шунингдек, молиявий имкониятлари жиҳатидан ҳам ўзининг тўла маънода тайёр эмаслигини намоён қилди.

Ғарбий Европа иқтисодиётининг фаровонлиги кўп жиҳатдан экспортга қарамлиги боис, ғарбий Европа иқтисодиётининг ривожланиши инқироз шароитида янги бозорларни қидириб топиш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлди. Шарқий Европа давлатлари билан яна иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланиши, ғарбий Европа иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш воситаларидан бири бўлди⁸.

Жаҳон ҳўжалигига кам куч сифатида қўшилган Совет Иттифоқи ва Европанинг бошқа социалистик мамлакатлари 1970 йилларнинг иккинчи ярми ва 1980 йилларнинг биринчи ярмида жаҳон иқтисодий тўнтаришига тўғридан-тўғри таъсир доирасидан ташқарида бўлдилар. Бироқ мазкур давр мобайнида Европанинг

⁷ СМТ ҳақида батафсил қаранг.: Шмыгин А. И. СОВИ глазами русского полковника. – М.: Мегатрон, 2000.

⁸ Новик Ф. И. СССР и проблемы безопасности и сотрудничества в Европе // Советская внешняя политика в годы холодной войны. 1945-1995 гг. – М., 1995. – С. 48.

социалистик мамлакатлари ўзларининг иқтисодий ва ижтимоий ички тизим муаммоларининг кучайишини намоён қилди.

1970 йилларнинг охирида иқтисодий ривожланиш суръатларининг секинлашиши, 1980 йилларнинг бошида фуқароларнинг яшаш даражаси юқори бўлмаган иқтисодий турғунликнинг кучайиши билан алмашди. Бу эса хўжаликни бошқаришнинг социалистик тизими экстенсив ривожланиш имкониятларининг батамом охирига етганлиги билан изоҳланади. Шиддатли ўсишга ўтиш учун тизимнинг ўзини ўзгартириш лозим эди. СССР эса бунга тайёр эмасди. Бундан ташқари, ҳарбий ва космик соҳадан ташқари Совет Иттифоқи илмий-техник тараққиёт суръати бўйича Ғарбдан орқада қолиб кетган эди. Стратегик мудофаа ташаббуси Америка лойиҳаси СССР хавфсизлиги учун шунчаки хавфни туғдирмади. СССРнинг юқори технологиянинг ривожланиши соҳасида ортда қолганлиги анча жиддий аҳамият касб этди⁹.

Бир томондан юзага келган қийин иқтисодий вазият совет бошлиқлари ўзини тийиб тура олмаган энерго маҳсулотларининг (“нефтедоллар” деб аталган) экспорти кими ҳисобидан “муаммоларни енгил ҳал қилиш” васвасини кучайтирди. Иккинчи томондан эса, мазкур шароитда СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ғарб давлатлари билан илмий-техник ва иқтисодий ҳамкорлигининг ривожланиши манфаатдорлиги ўсди.

Шундай қилиб, 1970 ва 1980 йиллар оралиғида том маънода энергетик, технологик ва иқтисодий омиллар Европанинг бўлинган Шарқ ва Ғарб иқтисодий прагматик алоқаларининг аҳамияти учун шароит яратди. Шунинг учун Европада Шарқ ва Ғарб ўртасидаги бир мунча кескин муносабатларга АҚШнинг социалистик мамлакатларга қарши санкция чақирғи ҳар доим ҳам ғарбий Европа ҳукумати томонидан сўзсиз қўллаб-қувватлашга дуч келмади¹⁰.

1970 йилларнинг иккинчи ярми ва 1980 йилларнинг биринчи ярмида Ғарб ва Шарқ ўртасидаги глобал рақобатчилиги, “учинчи олам”да СССР ва АҚШ рақобатчилигининг бир оз юмшашига қарамасдан, иккала тизим давлатлари

⁹ Монбриаль Тьерри де. Память настоящего времени. – М., 1997. – С. 79.

¹⁰ Корниенко Г.М. Холодная война. Свидетельство ее участника. – М., 1994.

ўртасидаги муносабатларнинг кучайиши Европада ўзини намоён қила олмади. Бироқ ўша даврда Европада кескинликнинг юмшаши ҳолати СССР ва АҚШ ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳолатини аниқ ифодалаб бермади.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка оид йиғилиш асосида шакллланган, ўзининг йўналиши бўйича ягона кўп томонлама музокара механизми бўлган Хельсинки (умумЕвропа) жараёни¹¹ Европада кескинликни юмшатишга қаршига жиддий қарама-қарши бўлди. Иккала ўта кучли давлатлар катта ёки кичик даражадаги кўп томонлама дипломатия соҳасида ўзларининг миллий манфаатларини Европа иттифоқчилари манфаатлари билан мослаштириши зарур эди. Бундан ташқари, бетараф ва қўшилмаган давлатларнинг (“Н+Н” гуруҳи деб аталган) сиёсий ролининг ўсиши Хельсинки жараёни соҳасида амалга ошира олди. Бу давлатлар блок қарама-қаршилиги пайтида ўзларига маъқул бўлган битимларини таклиф қилишга муваффақ бўлдилар¹².

Европанинг икки қисмга бўлиниши шароитида иккала қарши курашувчи томонлар блок ички вазият ривожланишига йўналтирилган ички рақобатлашаётган блокда ўзлари учун фойдали томонга кучайишини тўхтатмадилар.

1970 йилларнинг иккинчи ярмида Ғарб СССР иқтисодини ҳолдан тойдирувчи қимматбаҳо қуролланиш пойгасига катта миқдорда пул тикди. Бундан ташқари, Европада “Хельсинки жараёни қайта таъсири”га катта умид боғланди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши (ЕХХК)нинг “учинчи сават” бўйича мажбуриятлари Европа социалистик мамлакатларининг тартиботларини либераллаштиришга ундайди деб ҳисобланди. Шу сабабдан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва инсонларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш, Европа қитъаси бўйича маълумот ва ғоя муаммоларига Ғарб таянч вазифасини ўтади. Бошқаларнинг сўзи билан айтганда – халқаро муносабатларда “деидеологизация”га курс бўлди¹³.

¹¹ Рус илмий адабиётларда “хельсинки жараёнлари” ва “умумЕвропа жараёнлари” - бу иккала атамалар синоним сўзлар сифатида ишлатилади. Хориж адабиётларида эса одатда фақат битта атама – “хельсинки жараёнлари” атамаси учрайди.

¹² Загорский А.В. Хельсинкский процесс: Переговоры в рамках Совещания по безопасности и сотрудничеству в Европе 1972–1991 гг. – М., 2005. С. 153.

¹³ Корниенко Г. М. Холодная война. Свидетельство ее участника. – М., 1994. – С. 167-169.

1970 йилларнинг ўрталарида Совет ҳукумати ўз томонида, Европа капиталистик мамлакатларида “антимонополистик фронт бирлиги” деб номланувчи ҳаракат муваффақиятларига маълум умидларини боғлади. Дарҳақиқат, бу вақтда Италияда, Францияда, демократлаштириш жараёнлари бошлангандан кейин Португалияда ва Испанияда коммунистларнинг иштироки билан сўл кучларнинг ҳокимиятга келиши ҳолати тўла маънода асосли бўлди¹⁴. Италияда мазкур даврда коммунистлар учун сайловчиларнинг учдан бир қисми Францияда эса тўртдан бир қисми овоз бердилар. Бунинг натижасида 1976 йил Пуэрто-Рикода бўлиб ўтган “етти гуруҳ” учрашувида бу мамлакат коммунистлари ҳукуматга кирган такдирда Италиянинг ёрдамини рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу сабабдан 1978 йил 12 январда АҚШ давлат департаменти нотаси Ғарбий Европада катта шов-шувга сабаб бўлди. Нотада таъкидланганидек, америкаликлар ўзининг суверен мамлакатларига Ғарбий Европа иттифоқчилари биринчи навбатда ўзларининг Италия ҳукуматида коммунистларни кўришни ҳохламасликларини, иккинчидан, Ғарбий Европанинг барча минтақасида коммунистларнинг таъсирини қисқартириш талабини етказдилар¹⁵.

Совет ҳукумати бошлиқлари учун Ғарбий Европа ҳукуматига коммунистларнинг кириши истикболи фақатгина фойдали томони бўлибгина қолмасдан, салбий томонларига ҳам эга эди. Масаланинг моҳияти шундаки, 1970 йилларнинг ўрталариданок, Италиянинг (ИКП), Франциянинг (ФКП) ва Испаниянинг (КПИ) каби Ғарбий Европанинг учта нуфузли компартиялари КПССнинг расмий концепциясидан фарқли ўларок, бир қатор доктрина масалалари бўйича ўзига хос позицияни эгаллади. Бу ҳодиса “еврокоммунизм” номини олди¹⁶.

Социализм ва демократия ўртасидаги нисбатлар бўйича қарама-қаршиликнинг моҳиятини, ИКП, ФКП, КПИ ва айрим бошқа Ғарбий Европа компартияларининг

¹⁴ 1969 йила коммунистлар Финляндия ҳукумати тепасига келдилар. 1975-1976 йилларда эса коммунистлар Португалия ҳукуматига келдилар.

¹⁵ Добрынин А. Сугубо доверительно. Посол в Вашингтоне при шести президентах США (1962-1986 гг.). – М., 1996. – С. 206-207.

¹⁶ “Еврокоммуниз” атамаси 1975 йилда италия коммунистик рухига мос бўлмаган матбуотда пайдо бўлди. 1977 йилнинг апрел ойида ИКП Бош котиби С. Карриль томонидан КПСС ва ИКП ўртасида очиқчасига омавий мунозарани чақирган “Еврокоммунизм ва давлат” деб номланган китоби нашрдан чиқди. ИКП ва ФКП бошлиқлари “еврокоммунизм” атамасининг ҳаққонийлиги тўғрисида қўшимча тушунтиришларини баён қилган ўзларининг раҳнамолари етакчилигида (Э. Берлингүэр ва Ж. Марш) социализмни фундаментал демократик тамойиллар билан бирлаштириш зарурияти тўғрисидаги бош ғоялари билан ҳамфикр эдилар.

бошлиқлари, социализм шароитида ошкора сиёсий фаолиятга оппозиция ҳуқуқи, эркин демократик сайловлар жараёнида ҳокимиятга партиянинг алмашинуви, плюрализм каби фундаментал демократик тамойилларга амал қилиниши лозим дея ҳисобладилар. Шарқий Европа социалистик мамлакатларида бундай демократиянинг имконияти мавжуд эмас эди. Бундан ташқари, демократиянинг бундай тарафдорлари (ўша вақтларда уларни “диссидентлар” деб аталган) социалистик мамлакатларда турли хил таъқиб остига олинган эди. Шунинг учун социалистик мамлакатларга қарата фақатгина “синфий ракиблар” тарафидангина эмас, балки “синфий иттифоқчилар” томонидан ҳам фундаментал демократик эркинлик ва инсон ҳуқуқларининг бузилиши айби қўйилди. 1970 йилларнинг ўрталарида Италия ва Франция коммунистлари томонидан НАТО ва Европа ҳамжамиятидан мамлакатининг чиқиши тўғрисидаги шиорнинг олиб ташланиши совет ҳукумати бошлиқлари манфаатларига жавоб бермади¹⁷.

1976 ва 1980 йилларда бўлиб ўтган Европа коммунистик ва ишчи партияларининг икки учрашуви Европа коммунистик ҳаракатининг ички қарама-қаршилигини тўла бартараф қилишга эриша олмади. Европа минтақаси миқёсида (дунё миқёсида ҳам) КПССнинг раҳнамолиги шак-шубҳасизлигича қолди.

1980 йилларнинг ўрталарига келиб Европанинг иккала қисмида ҳам “Еврокоммунизм” бўйича қўрқувга аста-секинлик билан барҳам берила бошлади. Ғарбий Европада 1970 йилларнинг ўрталаридаги “сўл тўлқин” ўрнига 1980 йилларнинг бошида “янги мутаасиблик тўлқини” кириб келди. Бундай шароитда ғарбий Европа компартияси ва бошқа сўл кучларнинг нуфузи таназзулга юз тутди. Сиёсий ҳаётда “сўл” ва “ўнг” томон тушунчалари бир мунча шартли тушунчалардан бири бўлди. Янги мутаасиблик йўналиши мазмунини ФРГ ва Буюк Британия анъанавий мутаассиблари каби Португалия ва Франция социалистлари сўл томонига тегишли бўлган мутаассиблар ушлаб турди. Ташқи сиёсатда “янги мутаасиблик тўлқини” АҚШ ва Ғарбий Европа кўпроқ “атлантика бирдамлиги” асосида ўзаро таъсир томонига сезиларли даражада қўзғалишини ифодалади. Шарқ

¹⁷ Горбачев М. С. Размышления о прошлом и будущем. Изд. 2-е. – СПб.: Санкт-Петербургское отделение Горбачев-Фонда, 2002. – С. 177.

билан муносабатларида бу инсон ҳуқуқлари ва ғарбий муҳофаа масалалари бўйича Ғарбининг бир-бирига мувофиқлаштириши позициясида пайдо бўлди¹⁸.

1970-1980 йилларда ҳарбий соҳада Европада икки буюк давлат рақобатчилиги Европада минтақавий ҳарбий-стратегик мувозанат ва СССР ва АҚШ глобал ядро тенглиги ўзаро муносабати тўғрисидаги масала бир мунча мураккаб аҳволда қолди. Бир томондан, ядровий потенциал тузилиши бўйича тахминий тенг бўлмаган, ўзаро глобал тенгликни тан олиши натижасида, 1979 йилда АҚШ ва СССР ўртасида стратегик ҳужум қуролларини (ОСВ-2) қисқартириш тўғрисида битим имзоланди. Иккинчи томондан 1977 йилдан эътиборан, Совет Иттифоқи Ғарбий Европа ҳудудига етган, аммо АҚШга эмас ўзининг ҳудудида ўртacha узокликдаги ядро қуролларини замонавийлаштиришга киришди. Шу муносабат бўйича Ғарбий Европада “совет америка кондоминуми” деб номланган баҳона юзасидан эски воқеа-ҳодисалар мажмуи яна қайта жонланиб кетди. Бошқача қилиб айтганда, ғарбий Европа сиёсатчилар ва эксперт намоёндалари СССР билан тўғридан-тўғри икки томонлама келишувга эришиш натижасида Ғарбий Европа муҳофаа асиди америкаликлар томонидан ўзининг ҳиссасини қисқартирилиши имкониятидан хавфсиради¹⁹.

Охир оқибат айнан Европада Шарқ ва Ғарб ўртасида ҳудудий ҳарбий мувозанат кучларининг аниқ параметрлари бўйича “муносабатларнинг аниқланиши”, 1970 йиллар ва 1980 йиллар оралиғида “евроаракета инқирози” (қуйида батафсил келтирилган) номини олган қаттиқ инқирозга олиб келди.

1970 йилларнинг ўрталарида Ғарбий Европанинг АҚШ ва Япония қаторида учта жаҳон марказий кучларидан бирига айланишининг ниҳоясига етиши Евроатлантика ҳамжамиятида асосан янги омиллардан бири бўлди. Ғарбий Европа давлатларининг Умумий Иқтисодий имкониятлари Қўшма Штатлар иқтисодий имкониятларининг асосий кўрсаткичлари бўйича таққосланди. Айрим ҳолатларда эса (масалан, хориж инвестициялари улуши бўйича) ҳаттоки, ундан ҳам устун бўлиб кетди. 1970 йилларнинг бошида америка долларининг девальвацияси ва бу

¹⁸ Корниенко Г.М. Холодная война. Свидетельство ее участника. – М., 1994. – С. 188.

¹⁹ Новик Ф.И. СССР и проблемы безопасности и сотрудничества в Европе // Советская внешняя политика в годы холодной войны. 1945-1995 гг. М., 1995. С. 38.

ислоҳат кетидан 1944 йилдаёқ Бреттон-Вуд томонидан ишлаб чиқилган валюта тизими, валюта-молия соҳасида АҚШдан ўзининг автономиясини таъминлаш Ғарбий Европа йўлини излаб топишни тезлаштирди. Учала “марказий кучлар” ўртасида иқтисодий имкониятларни тенглаштириш иқтисодий рақобатнинг муқаррар равишда кучайишига олиб келди. 1970-йилларнинг иккинчи ярмидан АҚШ ва Ғарбий Европа ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тарихига “савдо уруши” тушунчаси кириб келди²⁰.

1970-йилларнинг иккинчи ярмида Ғарбий Европа ва Ғарбнинг сиёсий консолидацияси тўла маънода Португалия, Греция ва Испанияни диктатура режимидан демократияга ўтишига ёрдам берди. Ҳарбий-сиёсий нуқтаи назарда эса бу НАТО ўнг қанотининг етарлича тез фурсатларда мустаҳкамланишига олиб келди. Хусусан, 1981 йил 10 декабрда Испаниянинг НАТОга кириши тўғрисидаги баённома имзоланди²¹. Бундан ташқари, 1980 йилларнинг ўрталарида бу давлатларнинг Европа ҳамжамиятига (ЕХ) кириши тўғрисидаги масала ҳал қилинди²².

Ғарбий Европа давлатлари ўзларининг ошган иқтисодий нуфузи сиёсий дивидендларини олишга интилишлари АҚШ билан сиёсий муносабатларининг характериға таъсир қила олмади. Шу турдаги муносабатлар учун “вьетнам синдроми” деб номланган ғарбий Европа варианты катта рол ўйнади: Ғарбий Европа давлатлари яна қайтадан Қўшма Штатлар томонидан шахсий миллий манфаатлари доирасидаги куч акцияларига тортилишни ҳохламадилар.

Ғарбий Европа АҚШ билан муносабатларида ўзининг сиёсий нуфузининг ҳақиқий ошишига эришиш учун фақатгина иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий соҳаларда интеграцияни тезлаштириш орқалигини муваффақ бўлиши мумкин. Бироқ Европа ҳамкорлиги (ЕХ) таянчида сиёсий ва ҳарбий иттифоққа ҳаракат 1970 - 1980-йилларнинг биринчи ярмида турли сабабларга кўра секинлади. Шунинг учун бу

²⁰ Юрьева Т. В. Международные отношения в Европе в 1985-1991 гг. // Ялтинско-Потсдамская система международных отношений. Холодная война. 1945-1995 гг. Дистанционный курс. – М.: Московский общественный научный фонд, 2001. – С. 94.

²¹ Мазкур баённома 1982 йилнинг 30 майида кучга кирди. 1986 йилда Испанияда бўлиб ўтган референдумдан кейин Испаниянинг НАТОда иштироки, французларга ўхшаб ҳарбий ташкилотга бирлаштирилган Альянсда иштирок этмаслик шаклини олди.

²² Кашлев Ю. Б. Общеввропейский процесс вчера, сегодня завтра. – М., 1990. – С. 123-124.

даврда евроатлантика ҳамжамиятида ўзаро муносабат кучларининг ўзгариши бўйича 1950-1960 йилларда “атлантика бирдамлиги” доирасида иқтисодий рақобат ва сиёсий ҳамкорликнинг бир мунча мураккаб бирикуви “атлантика қарамлиги”ни тўғридан- тўғри камайтириш йўналиши олиб борилди. Шу билан бирга мазкур даврда Ғарбий Европанинг АҚШдан мудофаа соҳасидаги қарамлиги нафақат камайди, балки ўсиб борди²³.

Евроатлантика ҳамжамиятининг ички муносабат шаклининг ўзгариши 1974 йил 26 июнда қабул қилинган “Атлантика муносабатлари тўғрисидаги Декларация”да ҳам қайд қилинди²⁴.

Мазкур ҳужжатни ишлаб чиқиш теварагида қуйидаги ишлар бўлиб ўтди. 1973 йилда НАТОнинг чорак аср юбилеи арафасида, Г. Киссинжер (ўша вақтда АҚШ давлат котиби) Атлантика хартияси янги лойиҳасини таклиф қилди. Мазкур ҳужжатда Қўшма Штатлар глобал аҳамиятга, Ғарбий Европа эса қарам ҳудудий аҳамиятга қўйилди. Европаликларга масаланинг бу тарзда қўйилиши маъқул келмади ва хартия ғоялари рад этилди. Бу билан бирга 1974 йилги Декларациянинг муроса матни пайдо бўлди²⁵.

1974 йилги Декларациянинг мазмун моҳиятини учта бандга келтириш мумкин. Биринчидан, сиёсий соҳада шу жумладан, НАТО жавобгарлиги доирасида юзага келиши мумкин бўлган икки томонлама манфаатни ифода этувчи масалалар бўйича “ошкоралик амалиётини ва ўз вақтида консультацияни кучайтириш” белгиланди. Бошқача қилиб айтганда НАТОда глобал ва регионал аҳамиятнинг тақсимланиши тўғрисидаги масала расман тушириб қолдирилди. Иккинчидан, иқтисодий муносабатлар соҳасида ҳужжат Альянс мамлакат-аъзолари ўртасида иқтисодий можаролар манбаини бартараф қилишга йўналтирилди. Учинчидан, ҳарбий соҳада СССР ва АҚШ ўртасида глобал паритет (equilibrium) юзага келган шароитда ғарбий Европа мудофаасининг самарадорлигини ошириш муаммоси ажратиб олинди²⁶.

²³ Княжинский В. Б., Купцова И. В., Софийский Н. В., Фокеев Г. В., Юрьева Т. В. Новое политическое мышление и проблемы безопасности и сотрудничества в Европе. – М., 1991. – С. 217.

²⁴ Мазкур ҳужжат 1974 йил 19 июнда Оттавада бўлиб ўтган вазирлар даражасидаги НАТО кенгаши йиғилишида маъқулланганлиги учун махсус адабиётларда баъзан “Оттава декларацияси” номи билан учрайди, аммо 1974 йилнинг 26 июнида Брюсселда бўлиб ўтган НАТО саммитида имзоланган.

²⁵ Кашлев Ю.Б. Общеввропейский процесс вчера, сегодня завтра. – М., 1990. – С. 144.

²⁶ Кашлев Ю. Б. Общеввропейский процесс вчера, сегодня завтра. – М., 1990. – С. 254.

Бундан ташқари, мазкур Декларацияда Ғарбий Европа иттифоқчилари ва АҚШ ўртасида умумий атлантика мудофаасини таъминлаш бўйича ва кейинчалик “ғарбий вазифаларни тақсимлаш”(«burden sharing) муаммоси деб аталган янги муаммолар билдирилди. НАТОнинг маълумотига кўра, одатий курулган куч ва курулланиш таркибида ўша вақтда Ғарбий Европанинг улуши тахминан 75 % ташкил этган. НАТО ядровий имкониятларини асосан АҚШ ва кам миқдорда Буюк Британия таъминладилар. Француз ядро кучлари мустақил статусга эга бўлиб, НАТОга эмас, бевосита француз миллий қўмондонлигига бўйсунарди. Декларацияда қайд қилинганидек, Альянснинг ҳар бир аъзоси тизимдаги ўзининг ҳиссасига биноан ҳамкорликдаги мудофаани сақлаш бўйича ўзларининг чиқим улушларини киритиши зарур²⁷. Мазкур мавзунинг ривожланишида 1978 йилда Альянс узок муддатли ҳарбий режалаштириш дастури доирасида бўлиб ўтган НАТОнинг вашингтон саммитида стратегик қарор қабул қилинди. Унга кўра, келгусида Альянснинг барча мамлакатлари ҳар йили ўзларининг ҳарбий чиқимларини уч фоизга ошириши зарур бўлди. Кейинчалик мазкур қарорни НАТОнинг барча Европа аъзолари бажара олди. НАТОнинг ғарбий Европа давлати аъзоларининг ҳарбий чиқимларининг умумий чиқими АҚШнинг ҳарбий чиқимларига қараганда аввал бошида камроқни ташкил қилар эди²⁸. Шу билан Ғарб матбуоти АҚШнинг ҳарбий чиқимларининг қайси қисми амалда Ғарбий Европа мудофаасини таъминлашга қаратилганлиги тўғрисидаги турли хил маълумотларни келтирди²⁹. 1980 йилларнинг боши АҚШ ва ғарбий Европа иттифоқчилари ўртасида Европа мудоффасини таъминлашнинг аниқ услубий жиҳатлари тўғрисидаги ихтилоф аломатлари остида ўтди.

Бир томондан ўша вақтларда Шарқ муносабатларида Ғарбнинг умумий манфаатлари “атлантика бирдамлиги”ни мустаҳкамлашнинг ҳал қилув даражасига имкон берди. 1967 йилдаёқ НАТОда қабул қилинган Армелянинг икки вазифа

²⁷ Дубинин Ю. В. Дипломатическая быль. Записки посла во Франции. – М., 1997. – С. 155.

²⁸ 1980 йилда айнан НАТО берган маълумотларга кўра, НАТО давлат-аъзоларининг жами ҳарбий чиқимлари 255,1 млн америка долларини, шу жумладан АҚШ – 138,2млн (аниқроғи 54% чамасида), Канада – 5,8 млн (2,3 чамасида), барча ғарбийЕвропа давлатлари ҳисобга олинганлари билан бирга – 112 млн (44 % чамасида) ташкил қилди.

²⁹ Мазкур ҳақида батафсил қаранг: Бароновский В. Г. Западная Европа: военно-политическая интеграция. – М., 1988. – С. 57-58.

дастурий маърузаси – социалистик мамлакатларнинг ғарбий тўхтатилиши ва улар билан сиёсий музокара тўла маънода ўзининг аҳамиятини сақлаб қолди. Мазкур стратегик йўналиш 1984 йилнинг май ойида Вашингтонда бўлиб ўтган НАТО Кенгашининг сессияси томонидан қабул қилинган Ғарб ва Шарқ ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги махсус Баёнотда тасдиқланган. Бироқ АҚШ бу умумий стратегик йўналиш доирасида кескин куч ишлатиш услубини афзал билди. Европаликлар сиёсий музокарага зўр иштиёқини намоён қилдилар³⁰.

Бошқа томондан, СССРнинг Ғарбий Европага жўғрофий жихатдан яқинлиги совет “ўта қуролланганлик” омилларига АҚШ Ғарбий Европа иттифоқчиларини биринчи навбатда жуда таъсирчан қилиб қўйди. Ва бу ерда Ғарбий Европада иккала турли йўналиш мақсадлари ўртасида ҳеч бир муболағасиз нозик ўзаро муносабатни қидиришга тўғри келди. Биринчидан, СССР ягона қарама-қаршилигининг ҳақиқий имкони сифатида Ғарбий Европада АҚШнинг ҳарбий иштирокини сақлаш ва мустақкамлаш. Иккинчидан, иттифоқчилар манфаатини ҳисобга олмасдан бир томонлама ҳаракатга америка мойиллигинини тамом қилишдан ўзини хавфсизлантириш. Бунинг натижасида, Атлантика иккала томони ўртасидаги муносабатларда маълум кескинлик ва ғарбий Европа мудофааси мустақиллиги тўғрисидаги мунозаларнинг фаоллашуви ҳамда НАТО “Европа таянчи” ролининг ошиши сезилди³¹.

“Социалистик интернационализм” социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларга расман асос солувчи тамойил бўлиб ҳисобланади. 1956 йилда бўлиб ўтган венгр ва польша инқирозлари кетидан, 1957 йилда сиёсий муомалага киритилган бу тамойил бир томондан, марксизм-ленинизм асосида “қардошлик партиясининг” мустақкамланишини, бошқа томондан эса, тўла тенг ҳуқуқлилини ва бир-бирининг ички ишларига аралашмасликини назарда тутган. Бироқ Чехословвакияда бўлиб ўтган ҳукуматга қарши чиқишда Варшава шартномаси ташкилоти (ВШТ)нинг бешта мамлакат-аъзоларнинг кучлари томонидан 1968

³⁰ Юрьева Т. В. Международные отношения в Европе в 1985-1991 гг. // Ялтинско-Потсдамская система международных отношений. Холодная война. 1945-1995 гг. Дистанционный курс. – М.: Московский общественный научный фонд, 2001. – С. 215.

³¹ Корниенко Г.М. Холодная война. Свидетельство ее участника. – М., 1994. – С. 137.

йилда курул ишлатиш йўли билан бостирилгандан кейин мазкур тамойилга муҳим қўшимчалар киритилди. 1969 йилда бўлиб ўтган коммунистик ва ишчи партиясининг Москва Халқаро йиғилиши ҳужжатининг якунида, “миллий ва халқаро уюшма масъулияти ҳар бир коммунистик ва ишчи партиялари муштараклиги” ва “социализмнинг ҳимояси — коммунистнинг халқаро бурчидир” деб қайд қилинганди³².

Ғарбда бу ҳолат у ёки бу социалистик мамлакатда социализмга ички таҳдид пайдо бўлган вазиятда “қардош давлатлар” томонидан ташқи аралашувлар ҳуқуқининг ғоявий ва сиёсий асоси сифатида талқин қилинди. Ғарбда “социалистик интернационализм” тамойили “Брежнев доктринаси” ёки “чекланган суверенитет доктринаси” деб аталадиган бўлди³³.

Ташқаридан қараганда, 1970-йилларнинг иккинчи ярми расмий совет ҳужжатларида “социализм позициясини собитқадамлик билан мустаҳкамлаш шиори остида” деб ёзиш қабул қилинганидек ўтди. Ўз вақтида эса бутун дунёда ва хусусан, Европада социалистик тизим позицияси марказдан қочиш тенденциясининг турли усуллари заифлаштиришда давом этди. 1970-йилларнинг бошидаёқ, КПСС ва Хитой Коммунистик партияси ўртасида бўлиб ўтган мунозаранинг энг қизғин пайтида, совет сиёсий луғатидан “социалистик лагер” иборасига барҳам берилди. Унинг ўрнига бир томондан “социалистик ҳамкорлик” ва бошқа томондан эса “социализмнинг жаҳон тизими” сўз бирикмалари пайдо бўлди. “Ҳамкорликка” фақатгина КПССнинг сиёсий қарашларига ҳамфиқр бўлганларгина қўшилди³⁴.

Шарқий Европада мазкур таснифлаш бўйича ҳеч қачон Совет иқтисодий ўзаро ёрдамга (СИЎЁ) ва ВШТга кирмаган, азалдан Югославия “социалистик ҳамкорликдан” ташқарида бўлди. 1950-йилларда Н. С. Хрушев ва 1970-йилларда Л.И. Брежневлар томонидан қабул қилинган совет-югославия муносабатларини

³² Новик Ф. И. СССР и проблемы безопасности и сотрудничества в Европе//Советская внешняя политика в годы холодной войны. 1945-1995 гг. — М., 1995. — С. 39.

³³ Шу муносабатда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, СССРнинг суверен социалистик мамлакатларнинг ички ишларига аралашishi “Брежнев давригача” ҳам (1948-1949 йилларда совет-югославия можароси; 1956 йилдаги венгер ва польша инкйирозлари) содир бўлган эди.

³⁴ История международных отношений и внешней политики СССР. 1970-1987 гг. — М., 1987. — Т. 3. — С. 294.

тартибга келтириш ҳаракатлари, кейинчалик давлатлараро муносабаларни яхшилаш иши ҳам юришмади. И. Броз Тито бошчилигидаги СФРЮ бошлиқлари (1980 йилда унинг ўлимидан кейин ҳам) совет “ривожланган социализм” фойдасига “ўзини-ўзи бошқариш социализмини” куриш концепциясидан қаттиқ туриб рад қилишни хохламадилар. СФРЮ бошлиқлари халқаро майдонда блокдан ташқари сиёсат тамойилини қўллаб-қувватладилар³⁵.

1961 йилдаёқ СИЎЁда ўзининг фаолиятини тўхтатган, 1968 йилнинг 12 сентябрида ВШТ таркибидан чиқишини билдирган Албания, 1960 йилларда ўзини “социалистик ҳамкорлик” дан ташқарида деб эълон қилган эди.

СССР раҳбарияти учун Руминия бошлиқлари ва унинг раҳнамоси Н. Чаушескининг ўзига хос позицияси “социалистик ҳамкорлик”нинг Европа ичидаги вазиятини янада мураккаблаштирди. Расмий жиҳатдан Руминия СИЎЁдан ва ВШТ таркибидан чиқмаган эди. Бундан ташқари, мазкур мамлакат ички сиёсий режа жиҳатидан “ривожланган социализм” қурилишининг кескин вариантларидан бирини ўзида ифодалар эди. Бироқ 1968 йилда Руминия ҳарбийлари Чехословакияга ВШТ қўшинларини киритишда иштирок этмади. 1970-йилларнинг бошидан бошлаб Руминия бошлиқлари халқаро майдонда “социалистик ривожланаётган мамлакатлар” позицияси билан баъзида Совет Иттифоқининг мухолифи сифатида чиқдилар³⁶.

Венгрияда ҳам қарама-қарши вазият вужудга келди. Ўзининг ўзгармас дилери Я. Кадар бошчилигида Венгрия социалистик ишчи партияси ҳукумати бошлиқлари ташқи сиёсат масаласида ВШТнинг умумий нуқтаи назарини қўллаб-қувватладилар. 1970-80-йиллар вақт оралиғида мамлакат ичида “ривожланган социализм” совет концепциясидан тамомила фарқ қилган, хўжалик бошқарувининг социалистик усули ислоҳати эволюцион жараёни суст равишда олиб борилди³⁷. 1980-1983-йилларда Польшада бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий инқироз

³⁵ Ялтинско-Потсдамская система международных отношений. Холодная война. 1945-1995 г. Дистанционный курс. – М., Московский общественный научный фонд, 2001. – С. 273.

³⁶ Горбачев М. С. Размышления о прошлом и будущем. Изд. 2-е. – СПб.: Санкт-Петербургское отделение Горбачев-Фонда, 2002. – С. 175-176.

³⁷ Горбачев М. С. Размышления о прошлом и будущем. Изд. 2-е. – СПб.: Санкт-Петербургское отделение Горбачев-Фонда, 2002. – С. 177.

“ривожланган социализм” позицияси ва нуфузига бир мунча қакшатгич зарба бўлди.

Польшада катта нуфузга эга бўлган католик черкови томонидан қўллаб-қувватланган ҳукуматга қарши кучлар, “Бирдамлик” нодавлат муҳолифат қасаба уюшмаси ва унинг раҳнамоси Л. Валенси атрофида бирлашдилар. 1980-йилнинг август ойидан бошлаб, ҳаёт даражасини ошириш ва сиёсий эркинликни кенгайтириш талаби билан оммавий чиқишлар мамлакатнинг барча қисмини эгаллаб олди. “Бирдамлик” тез фурсат ичида муҳолифат қасаба уюшмасидан муҳолифат сиёсий ҳаракатига айланди³⁸.

Ўша вақтларда демократлаштириш ҳаракатлари Венгрия ва Чехословакиядан фарқли равишда СССР ва бошқа ВШТ мамлакатларининг тўғридан-тўғри ҳарбий аралашувисиз бостирилди. 1981 йилнинг декабр ойига қадар Польша бирлашган ишчи партияси (ПБИП) ҳукумати сиёсий усуллар орқали инқироздан чиқиш йўллари кидиришга ҳаракат қилди. шундай бўлса ҳам 1981 йилнинг охирига келиб бу вақтда ПБИП МК Бош котиби ва шунингдек, муҳофаа вазири лавозимини эгаллаган генерал В. Ярузельский бошқарган Польша ҳукумати сиёсий усулларга батамом барҳам берилди деган хулосага келди. 1981 йилнинг 12 декабридан 13 декабрига ўтар кечаси мамлакат ҳарбий ҳолатда деб эълон қилинди. “Бирдамлик” тарафдорлари ва аъзоларини оммавий қамоққа олиш ва қуролсизлантиришдан кейин содир бўлган шок ҳолати фақатгина Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муносабатларнинг оғир инқирозига сабаб бўлибгина қолмай, балки Шарқий ва Ғарбий Европа компартиялари ўртасидаги муносабатларга ўз таъсирини ўтказди. Ғарбда Польша драмасининг фожеали ечимида кўкларга кўтарилиб мақталган “Брежнев доктринаси” ўзининг яна бир намоёишини кўрсатди. Польшада ички сиёсий вазиятнинг кучайишига тўғри келган вақтда Совет Иттифоқи ва бошқа ВШТ давлат-аъзоларининг кенг қўламдаги ҳарбий манёврлари, Польша ҳукуматига Совет ҳукуматининг тўғридан- тўғри ҳарбий босимининг гувоҳи сифатида баҳоланди³⁹.

³⁸ Княжинский В. Б., Купцова И. В., Софийский Н. В., Фокеев Г. В., Юрьева Т. В. Новое политическое мышление и проблемы безопасности и сотрудничества в Европе. – М., 1991.

³⁹ Добрынин А. Сугубо доверительно. Посол в Вашингтоне при шести президентах США (1962-1986 гг.). – М., 1996. – С. 273.

Польшадаги ҳарбий ҳолат ҳаракатлари 1983 йилнинг 1 январиди польша ҳукумати томонидан тўхтатилди ва 1983 йилнинг 22 июлида батамом бекор қилинди. Афғон билан бир қаторда польша мавзуси, бу барча вақт мобайнида Шарк ва Ғарб ўртасидаги ғоявий қарама-қаршилик кучайишининг доимий омили бўлди. Мазкур шароитда халқаро муносабатлар деидеологизациясининг ғарбий йўналишига Совет Иттифоқи кескинликни юмшатиш шароитида ғоявий курашни кучайтириш тўғрисидаги тезисни қарши қўйди. Ҳарбий соҳада сиёсий кескинликни юмшатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар “социалистик ҳамкорлик” учун биринчи даражада аҳамиятга эга бўлди⁴⁰.

1.2. 1970 – йилларнинг иккинчи ярми ва 1980 – йилларнинг биринчи ярмида Европада инқирозни юмшатишнинг ўзига хос хусусиятлари

1970 – йилларнинг иккинчи ярми ва 1980 – йилларнинг биринчи ярмида Европадаги инқироз кескинлигини камайтиришнинг пайдо бўлиши кўп қиррали. Бир томондан, мазкур инқироз блок қарама-қаршилиги кучайишининг асосий драматизми сифатида характерланади. Бошқа томондан эса, Европада шунга ўхшаш мураккаб шароитларда ҳам, Хельсинки жараёнларининг тимсоли сифатида кооперацион йўналиш батамом йўқ бўлиб кетмади⁴¹.

Европада блок қарама-қаршилигининг кучайиши ҳарбий-сиёсий соҳада 1976-1983 йиллардаги “евроракета инқироzi” Европада блок қарама-қаршилиги кучайишининг тимсоли бўлиб қолди.

Эксперт адабиётларда бу инқироз бошланишининг асосий сабаби, 1976 йилда СССР томонидан ўзининг техник жиҳатдан эскириб қолган СС-4 ва СС-5 ўрта узоқликдаги ракеталарини (1962 ва 1965 й.й. ишлаб чиқарилганига мовофик ҳисобдан чиқариш) СС-20 бу синфнинг бир мунча такомиллашган ракетасига

⁴⁰ Корниенко Г.М. Холодная война. Свидетельство ее участника. – М., 1994. – С. 275.

⁴¹ Загорский А. В. Хельсинкский процесс. Переговоры в рамках Совещания по безопасности и сотрудничеству в Европе 1972–1991 гг. – М., 2005. – С. 264.

алмаштириш тўғрисида қабул қилган қарори билан боғланади⁴². Европа йўналишида ўрта узокликдаги ракета­ларнинг барчаси АҚШга э­мас, фақатгина Ғарбий Евро­пага­ча учиши мумкин э­ди⁴³.

1977 йилда Совет Итти­фоқи ҳеч қандай жамоат изоҳисиз мазкур қарорни амалга оширишга киришди. Ўша вақт даражасида тех­ник воситаларнинг ишлатилмасдан ётиши ва катта кўламдаги бундай ишларни яшириш мумкин э­мас э­ди. Ҳақиқатан ҳам, яширилганлиги аниқ ишнинг кўламини кенгайтиришнинг зару­рати йўқ э­ди. Совет Итти­фоқи ўзининг ҳудудида ҳеч қандай халқаро мажбуриятларни бузмаган ҳолда ракета ал­ма­шину­вини ишлаб чиқарди. Ахир америкаликлар стратегик қу­ролларни чеклаш (СҚЧ) бўйича музокара мавзусида ўрта узокликка ядро воситаларини қўшиш тўғрисидаги совет такли­фини кескин рад қилган э­дилар⁴⁴.

Бунинг натижасида 1977 йилнинг октябрида Лондан халқаро стратегик тадқиқотлар институтида ғарбий герман кан­ц­ле­ри Г. Шмитднинг чиқиши СССР учун салбий ижтимоий тўлқиннинг авж оли­шини тезлаштирди. Г. Шмитд ўзининг чиқишида Ғарб ва Шарқ ўртасида ижтимоий “ра­ке­та муно­за­раси” бошланганлигини рағбат­лан­тирди. Шу аснода НАТОда 1977 йилнинг май ойидаёқ мазкур муаммоларнинг муҳока­масига киришилди. Шу вақт­лан эътиборан Альянсда узок муддатли ҳарбий режа­лаш­тириш янги совет ракета омилларининг ҳисоби олиб бо­рилди.

Нейтрон бомбаси деб номланган янги америка ядро қу­ро­ли­нинг Ғарбий Европада жойлаштириш режаси ўша ташвишли даврнинг яна бир белгиларидан бири бўлди⁴⁵. Ғарбий Европада бу режалар кескин норози­лик ҳаракатларини келтириб чиқарди. АҚШ Президенти Ж. Картер 1977 йил октябрида бу қу­ролларни се­рияли ишлаб чиқаришга йўл қўйиш АҚШнинг рад қилиши тўғрисида маълум

⁴² “СС-4”, “СС-5” ва “СС-20” – бу ерда ва кейинчалик қуйида келтирилган ўрта узокликка учувчи совет ракета­ларининг номлари – рус тадқиқотларининг кўпчилигида тасдиқланган, ғарб номланишлари бўйича келтирилган. “Р-12”, “Р-14” ва “РСД-10” каби расмий совет номланишлари махсус адабиётларда кам учрайди.

⁴³ Корниенко Г. М. Холодная война. Свидетельство ее участника. – М., 1994. – С. 204.

⁴⁴ Новик Ф. И. СССР и проблемы безопасности и сотрудничества в Европе // Советская внешняя политика в годы холодной войны. 1945–1995 гг. – М., 1995. – С. 41.

⁴⁵ Ядро нейтрон зарядининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг таъсири фақат тирик орга­низ­млар учун, шу жумладан инсонлар учун ҳам ўлар ҳолатга олиб келади. 1978 йилнинг 10 мартада социалистик мамлакатлар қу­рол­сиз­лан­тириш бўйича женева кўмитасига маз­ру­р кў­ри­нишдаги қу­ролларни таъқиқлаш тўғрисидаги лойи­ха конвенциясини киритдилар.

килди. Шундай бўлсада, унинг вориси Р. Рейган кейинчалик “нейтрон омилларини” СССРга қарши босим сифатида фойдаланди⁴⁶.

1979 йилнинг 12 декабрида СССР ҳудудида СС-20 совет ракеталарини жойлаштириш ишлари давом этаётган шароитда “икки томонлама қарор” («double track» decision). деб номланган қаор қабул қилинди. Мазкур қарорнинг биринчи таркибий қисми –1983 йилнинг охирига келиб ғарбий Европанинг бешта давлатлари (Бельгия, Буюк Британия, Италия, Нидерландия, ва ФРГ) ҳудудида янги америка ўрта узоқликдаги ядро воситалари – “Першинг-2” 108 баллистик ракетаси ва “Томагавк” 464 қанотли ракеталарини жойлаштириш тўғрисида АҚШнинг мажбуриятларини ўз ичига олган эди. 1979 йил НАТО декабр қарорининг иккинчи таркибий қисми – янги америка ракеталарини жойлаштиришга тайёргарлик кўриш билан бир қаторда СССР билан ўрта узоқликдаги ядро воситалари бўйича музокаралар олиб боришни назарда тутган эди. Музокаралар ҳаракати жараёни натижасида янги америка ракеталари жойлаштирилмаслиги ҳам мумкин эди⁴⁷.

СССР учун НАТО қабул қилган “икки томонлама қарор” аввал бошида музокаралар мавзусига айрим муаммоларни келтириб чиқарди: Альянс куруқликка (ерга) асосланган ядро воситаларинингина муҳокама қилишга рухсат берди. Музокаралар мавзусининг муҳим қисми ядро нейтрони зарядининг хусусиятлари ва унинг фақат тирик организмлар, шу жумладан инсон учун ҳалокатли оқибатларига қаратилган эди. 1978 йилнинг 10 мартада социалистик мамлакатлар Женева кўмитасига қуролсизлантириш бўйича мазкур типдаги қуролларни чеклаш тўғрисида конвенция лойиҳасини киритдилар.

Ғарбий Европада 1948 йилдан бошлаб, бошқа хил америка воситалари (стратегик авиация ва сув ости кемаларида баллистик ракеталар) Бундан ташқари, НАТОга Совет Иттифоқи қаттиқ туриб талаб қилган Франция ва Буюк Британия ядро воситаларини музокара мавзуси этиб киритишни хоҳламади⁴⁸.

⁴⁶ Добрынин А. Сугубо доверительно. Посол в Вашингтоне при шести президентах США (1962-1986 гг.). – М., 1996. – С. 267.

⁴⁷ Добрынин А. Сугубо доверительно. Посол в Вашингтоне при шести президентах США (1962-1986 гг.). – М., 1996. – С. 268.

⁴⁸ Ялтинско-Потсдамская система международных отношений. Холодная война. 1945-1995 г. Дистанционный курс. – М.: Московский общественный научный фонд, 2001. – С. 212.

Г. Киссенжернинг тан олиши бўйича, СС-20 совет ракеталари америкаликлар учун ўзларининг янги ракеталарини кенгайтириш учун сабабдан кўра, бир баҳона бўлди. АҚШ учун СССР билан фақатгина Европада эмас, балки Осиёда ҳам минтақавий ҳарбий-стратегик балансни сақлаш муаммоси биринча даражада бўлди. Чуқур техник нутқай назардан олиб қараганда ҳақиқатан ҳам советларнинг СС-20 сифатидаги ракетаси, ўша вақтда Европада америкаликларнинг бундай сифатдаги ракетаси бўлмаганидек, Европада мазкур баланс СССР томонида эди. 70-йилларнинг биринчи ярмида АҚШнинг ўзида “Першингов-2” ва қанотли ракеталарнинг ишлаб чиқарилиши бошланган эди. Ғарбий Европа ўзининг муҳофаазида америка қарорати мустаҳкамланишидан ташвишга тушди. кўчларга кўтарилиб мақталган, “атлантика алоқаси”нинг («link») қучайиши АҚШ ва Ғарбий Европа ўртасида Атлантиканинг иккала томони бўйича умумий ташвиш бўлди. Ғарбий Европа учун муҳим вазиятлар, шу билан унинг ҳудудидаги муҳофаа муаммоси икки томонлама совет-америка музокараларининг мавзуси бўлди⁴⁹.

Европада ядровий қуролланишни чеклаш (ЕЯҚЧ) тўғрисида совет-америка музокаралари 1980 йилнинг октябр ойида Женевада бошланди. АҚШ ҳукуматининг алмашганлиги муносабати билан ўша йилнинг ноябр ойида музокаралар тўхтатилди ва кейинчалик 1981 йилнинг ноябридан то 1983 йилнинг ноябригача давом этди.

1973 йилдаёқ бошланган Марказий Европада қуролланишни ва қуролли қучларни икки томонлама қисқартириш тўғрисида вена музокараларида ва бошқа жараёнларнинг давом этишида аниқ битимнинг йўқлиги мазкур музокараларнинг нотақул ҳолатларидан бири бўлди. иккала музокаралар жараёни ўртасидаги боғлиқлик қуйидагича шартланди. СССР Ғарбда кенг тарқалиш “ўта қуролланганлик” тўғрисида хусусан, одатий қуроллар бўйича НАТО устидан ВШТнинг устунлиги ҳақида тезисга эга бўлди. НАТОнинг ҳарбий концепцияси бўйича мазкур шароитларда, ВШТнинг оддий ҳарбий қучларига барҳам бериш Альянс Европа ядро қучлари томонидан амалга оширилиши зарур эди. Венада

⁴⁹ Добрынин А. Сугубо доверительно. Посол в Вашингтоне при шести президентах США (1962-1986 гг.). – М., 1996. – С. 269.

тараққиётнинг мавжуд эмаслиги Европада америка ядроси ҳозир бўлишининг ортиши учун қўшимча асос бўлди⁵⁰.

Ғарбий Европани ва энг аввало НАТО янги америка ракетларини жойлаштиришни режалаштирган мамлакатларни чулғаб олган ҳарбийларга қарши оммавий ҳаракатлар, Европада ядровий қуролланишни чеклаш тўғрисида совет-америка музокаралари учун бошқача ҳолатни келтириб чиқарди. Фаолият доирасининг кўлами жиҳатидан бундай ҳарбийларга қарши чиқишлар вьетнам уруши йилларидан бери бўлмаган эди. Намойишларда “ҳеч қандай Першинг, ва ҳеч қандай СС-20” каби бетарафлик лозунгларини кўтариб олганларнинг сони кўпчиликти ташкил қилиши, ғарб ҳукмрон доираларини кам хотиржам қилди. Бундан ташқари, 1982 йилда Германия Социалистик демократик партиясининг оппозиция тарафига ўтганидан кейин, унинг бошлиқларида ФРГнинг НАТО ҳарбий тузилишидан чиқиши фойдасига фикр-мулоҳазалари пайдо бўлди. Буларнинг барчаси америкаликлар учун ўзларини ўзлари кўрқитиш ва ўзларининг ғарбий Европадаги ҳамкорларини ФРГни “бетарафлаштириш” истикболлари учун ва Ғарбий Европанинг барча ҳудудини “финляндизациялаштириш” учун баҳона бўлиб хизмат қилди. Бошқача қилиб айтганда, америкаликлар биринчи галда, ФРГнинг НАТО назорати остидан чиқиши Ғарб учун салбий натижалари ҳақида, иккинчидан эса, 1940 йилнинг охирларига қадар Финляндияда ушлаб турилган Финляндиянинг «совет тарафдорлари» ташқи сиёсат борасида олиб борган йўли бутун Ғарбий Европа минтақасининг ташқи сиёсатини ўхшатиш имкониятлари ҳақида ташвишландилар. Айни пайтда иккала манзара ҳам эҳтимолдан анча узоқда эди ва тез орада Европада америка сиёсати таъминланишининг тарғиботи учун асқотди. Шундай бўлсада, Ғарбий Европа мамлакатларида ва хусусан, Францияда герман “бетарафлиги” ҳақидаги ҳадиксираш аломатлари намоён бўлди⁵¹.

1983 йилнинг куз вақтларида Европада ядровий қуролларни чеклаш бўйича музокараларда тамонлар позициясини муросага келтириб бўлмаслиги битимга муваффақ бўлишга ҳалақит қилди. 1983 йилнинг 14 ноябрида Буюк Британияга

⁵⁰ Княжинский В. Б., Купцова И. В., Софийский Н. В., Фокеев Г. В., Юрьева Т. В. Новое политическое мышление и проблемы безопасности и сотрудничества в Европе. – М., 1991. – С. 238.

⁵¹ Дубинин Ю.В. Дипломатическая быль. Записки посла во Франции. – М., 1997. – С. 242.

янги америка ракеталарининг биринчи партияси етказилди. 1983 йилнинг 21 ноябрида эса, бундестаг ФРГ ўзининг ҳукуматига америка ракеталарини жойлаштиришга рухсат берди. Мазкур йўналишлар бўйича 1983 йил 24 ноябрда КПСС МК Бош котиби Ю. В. Андроповнинг СССРда яратилган шароитлар музокараларни давом эттиришнинг имкониятлари йўқлиги тўғрисидаги Баёноти нашр қилинди. Шунингдек, мазкур Баёнотда СССРнинг жавоб чоралари ҳам ошкор қилинди. Европа йўналишида 1982 йилда (ЕЯҚЧ бўйича олиб борилган музокаралар вақтида) тўхтатилган ўзининг ҳудудида СС-20 совет ракеталарини жойлаштиришни тасдиқлашни тақозо қилди. Бунга қўшимча тарзда яна ГДР ва СССР ҳукуматлари ўртасида тузилган битимга мувофиқ, мазкур мамлакатларнинг ҳудудида 1984 йилдан бошлаб советларнинг оператив-тактик юқори узоқликдаги ракеталарини жойлаштириш бошланди. Совет ядровий қуроллари 1962 йил Кариб инқирозидан кейин илк бора совет ҳудуди чегарасидан олиб чиқилди⁵².

“Евроракета инқирози” Европада ядровий қарама-қаршилик даражасининг сифатли ошиши билан яқунланди. Инқирознинг бундай яқунланиши ғарбий Европада ҳарбийларга қарши ҳаракатнинг оғир мағлубиятига олиб келди. Ғарбий ва Шарқий Еворапанинг барча фуқаролари Европа ратюнида совет-америка қарама-қаршилигининг гаров тариқасида ушланган кишилари бўлдилар.

Европада “евроракета инқирози” билан бир вақтнинг ўзида Шарқ ва Ғарб ўртасида сиёсий-ғоявий соҳода мунозалар кучайди. 1977 йилда ташаббускор АҚШ Президенти Ж. Картер томонидан социалистик мамлакатларда инсон ҳуқуқлари ҳимояси кампанияси Ғарбий Европада қўллаб-қувватланди. 1977-1978 йилларда Хельсинки жараёнлари (Хельсинки жараёнлари тўғрисида батафсил қуйида келтирилган) доирасида бўлиб ўтган Белград учрашувида мазкур соҳа бўйича Шарқ ва Ғарб ўртасида биринчи можаролар содир бўлган эди. 1980-1983 йилларда Польшада бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий инқироз натижасида, Европада Шарқ ва Ғарб ўртасида сиёсий-ғоявий қарама-қаршилик энг юқори чўққига кўтарилди.

⁵² Загорский А.В. Хельсинкский процесс: Переговоры в рамках Совещания по безопасности и сотрудничеству в Европе 1972–1991 гг. – М., 2005. – С. 259.

1981 йил декабр ойида Польшада киритилган ҳарбий ҳолат, 1982 йилнинг январ ойидаёқ НАТО ташкилотининг махсус муҳокама мавзуси бўлди. Польша ва Совет ҳукуматларига босим ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Польшада оммавий жазога барҳам берилиши учун, ҳарбий ҳолат бекор қилинди ва оппозиция тамонлари сиёсий музокарага қайтишди. Ғарбда бу бутун бир давр мобайнида, 1970-йилларнинг охирида Европа социалистик мамлакатларининг ғарб дўлатлари ва хусусий банклардан молиявий қарздорлигининг ўсиши каби амалий натижа берадиган шундай босим йўллари бор эди. Айниқса Польшанинг 23 млрд доллар катта миқдордаги қарзи бор эди. Шундай бўлса ҳам, НАТОнинг ҳар бир мамлакат-аъзолари Польша ва СССРга нисбатан босим ўтказиш бўйича аниқ ҳаракатларни мустақил равишда аниқлаши лозим эди⁵³. Ва айнан шу ерда АҚШ ва Ғарбий Европа нуқтаи назарларида тавофутлар намоён бўлди.

Америкаликлар Польша ва СССР муносабатида кескин равишда сиёсий ва иқтисодий санкция киритишга киришдилар. Европаликлар эса, ўз навбатида ЕҲ ва Европа Совети даражасида польша ҳукуматининг ҳаракатларига кескин сиёсий баҳо бердилар, аммо СССР ва ПХР ўртасидаги фақатгина иқтисодий алоқаларига қисман барҳам бериш йўлларини кўриб чиқдилар. Бундан ташқари, “газ-кувури” номини олган иқтисодий лойиҳа ғоявий қурбонлар таъсирига киритилмади. Мазкур лойиҳа “Сибир-Ғарбий Европа” газ қувури қурилишини ўз ичига олган эди. Сибирдан Совет табиий газни Ғарбий Европага ғарбий Европа фирмалари томонидан ётқизилган газ қувурлари орқали етиб келиши лозим эди. 1982 йилнинг июн ойида АҚШ маъмурияти мазкур лойиҳа учун Ғарбий Европага америка лицензияси бўйича ишлаб чиқилган техника таъминотига чеклаш ўрнатди. ЕС мамлакат-аъзолари ташқи ишлари вазирлиги мазкур қарорни халқаро ҳуқуқларга зид келадиган расмий ҳужжат сифатида баҳо берди. Ғарбий Европа газ қувурларини қуриш иштирокидан воз кечмади⁵⁴.

Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муносабатларнинг энг ноҳуш даврида – “газ-кувури” лойиҳаси яшовчанлиги рамзий маънога эга. Мазкур тарихда, ғарбий Европа

⁵³ Корниенко Г.М. Холодная война. Свидетельство ее участника. – М., 1994. – С. 289.

⁵⁴ История международных отношений и внешней политики СССР. Т. 3. 1970-1987. – М., 1987. – С. 249.

анъанавий прагматизми эмас, “атлантика бирдамлиги” ва ғоявий тамойиллар учун тўғридан-тўғри иқтисодий фойдани рад этиш ҳам ўзини намоён қилди. Мазкур лойиҳа сунъий тарзда бўлинган Европанинг иккала қисми ўртасида табиат томонидан яратилган боғлам сифатида холисона рамзий ишора бўлиб хизмат қилди. Бундан ташқари, бу тарих “социалистик ҳамкорлик” давлатлари билан музокаралар олиб борилиши тактикасига бир томондан АҚШнинг бошқа томондан эса Ғарбий Европа қарашларидаги тафовутларни яққол кўрсатиб беради. АҚШнинг кескин қарама-қаршилик тарзида тутган йўлини ғарбий Европа давлатлари Шарқ билан айнан кескинликни юмшатишдан ўзаро фойдани сақлаб қолишга имкон берувчи бир мунча мўътадил тарзда тутилган йўл деб ҳисобладилар⁵⁵.

1970 йилларнинг иккинчи ярми ва 1980 йилларнинг биринчи ярмида содир бўлган Хельсинки жараёнлари Европада халқаро муносабатларнинг доимий омиллари сифатида батамом тасдиқланди. Европа минтақаси учун ягона блоксиз хусусият касб этган бу музокара механизми инқироз ривожланиши шароитида Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муносабатларда ўзини сақлашга имкон берди.

Доимий жараён сифатида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгаш ғоялари 1975 йилда имзоланган Хельсинки Хулоса актининг тўртинчи бўлимига қўшиб қўйилган эди. Мазкур Акт Хельсинкидан сўнг “кейинги қадамлар” («follow-up meetings») доирасида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича 35 та иштирокчи – давлат вакилларининг янги учрашувини ўтказишни кўзда тутганди⁵⁶. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгаш асосида доимий ҳаракат тизимини тузишга бўлган азалий совет ғояси, Ғарбнинг қўллаб-қувватлашига эриша олмагани учун бу ўзаро келишув қарори эди.

Хельсинкидан сўнг “кейинги қадамлар” доирасида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашнинг 35 та иштирокчи – давлат вакилларининг учрашуви – йиғилишда муҳокама қилиниши керак бўлган масалаларнинг хусусиятига кўра, шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга Европада

⁵⁵ Ялтинско-Потсдамская система международных отношений. Холодная война. 1945-1995 г. Дистанционный курс. – М.: Московский общественный научный фонд, 2001. – С. 270.

⁵⁶ Заключительный акт Сопения по безопасности и сотрудничеству в Европе//От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. В 3 т. – М., 1996. – Т. 1. С. 48-49.

хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгаш кун тартибига киритилган барча масаларнинг мажмуи кўриб чиқилган умумий йиғилиш мансуб бўлди. Иккинчи гуруҳга эса алоҳида ҳамкорлик соҳаларига бағишланган махсуслаштирилган оралик учрашувларини киритиш мукин. 1975 йилдан бошлаб то 1984 йилгача бўлган Хельсинки жараёнларининг дастлабки ўн йиллиги тарихи давомида, Белградда ва Мадридда умумий иккита учрашув⁵⁷ ва бешта махсуслаштирилган учрашув бўлиб ўтди⁵⁸.

ЕХХКнинг блоксиз хусусияти шу билан изоҳланадики, Хельсинки жараёнларида иштирок этган ҳар бир давлат у ёки бу блокнинг аъзоси сифатида эмас, балки мустақил музокарачи бирлик сифатида қатнашди. Бу иккита қарама қарши турувчи блоklarга аъзо иштирокчи-давлатларга, Хельсинки жараёнлари доирасида “блок интизоми” деб номланган аниқроғи НАТО ва ВШТга тегишли ҳамкорликдаги позициясини ушлаб туришга ҳалақит бермади. Бу бетараф ва мустақил давлатларнинг учинчи яна бир гуруҳини (“Н+Н” гуруҳи) шаклланишига ҳам тўсқинлик қилмади. Ҳар ҳода бу барча гуруҳлар учрашувнинг ҳулоса ҳужжатлари лойиҳаси мазмуни бўйича музокаралар жараёнидагина шаклланди. Якуний қарорни қабул қилиш бўйича овозга қўйиш, консенсус тамойиллари бўйича яқка тартиб асосида олиб борилди. Яъни якуний ҳужжат фақатгина барча 35 та иштирокчи – давлатларнинг розилигини ўз ичига қамраб оларди⁵⁹.

Хельсинки жараёнлари доирасида қабул қилинган барча қарорлар ҳукукий хусусият касб этиб қолмай, балки сиёсий аҳамиятга эга эди. Мазкур сабабларга кўра, ЕХХКда қабул қилинган қарорларнинг имплементацияси ёки ижро текшируви мезонларини ўрнатишда қийинчиликларни келтириб чиқарарди. Агар Хельсинки жараёнларининг барча ҳужжатлари кўп томонлама мураккаб боғланган

⁵⁷ Итоговый документ Мадридской встречи 1980 года, представленный государствами-участниками СБСЕ. – Мадрид, 6 сентября 1983 г. // От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. – Т. 1. – М., 1996. С. 95.

⁵⁸ Гап қуйидаги бешта махсуслаштирилган учрашувлар тўғрисида кетмоқда: 1978 йилнинг 31 октябридан то 11 декабригача Монтреда ва 1984 йил 21 мартидан то 30 апрелигача Афинада бўлиб ўтган, иккита Мунозараларни тинчлик йўли билан ҳал этиш бўйича экспертлар кенгаши; 1979 йилнинг 13 февралидан то 26 мартигача Валеттада ва 1984 йилнинг 16-26 октябрларида Венецияда бўлиб ўтган, иккита Ўрта Ер денгизида ҳамкорлик масалалари бўйича экспертлар кенгаши; ва 1980 йил 18 феврал – 3 март Гамбургда бўлиб ўтган Илмий форум.

⁵⁹ Загорский А. В. Хельсинкский процесс. Переговоры в рамках Совещания по безопасности и сотрудничеству в Европе 1972–1991 гг. – М., 2005. – С. 284.

ўзаро келишувларнинг маҳсулоти деб ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг изоҳи хусусида тортишувли баҳс-мунозара сабаблари бир оз ойдинлашади.

Хавфсизликнинг тақсимланмаслиги ва хавфсизликнинг барча таркибий қисмлари (ҳарбий, иқтисодий ва ижтимоий) бир хил аҳамиятга эга эканлиги - ЕХХКнинг иккита мустаҳкам тамойилларини бир-бирига қарама-қарши ижтимоий тизим давлатлари турлича талқин қилишди. Хавфсизликнинг тақсимланмаслиги миллий хавфсизлик ёки гуруҳ (блок) хавфсизлиги олдида бир томонлама устунлигини рад қилишни билдирди. Аммо бу “совуқ уруш”нинг барча даврида ўзига хос бўлган “ноль сумма билан” ўйин мантиқига умуман мос келмади. Хавфсизликка оид кенг кўламдаги ёндашувлар чуқур ҳарбий соҳа тушунчасининг чегараланмаслиги, ЕХХК “муаллифлик ишлаб чиқиши” мазмуни ҳисобланди. Аммо Шарқда ва Ғарбда бу кенг кўламдаги ёндашувлар соҳасидаги аҳамиятлар турлича талқин қилинди.

СССР 1975 йилда имзоланган Хельсинки Хулоса актида қайд қилинган ижтимоий таркибий қисмлар – машҳур еттинчи тамойилнинг қўшилишига рози бўлишга мажбур бўлди⁶⁰. “Совуқ уруш” нинг барча даври мобайнида ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий масалалар, “ижтимоий ҳамкорлик” учун биринчи даражадаги аҳамият бўлиб қолди. Ғарб аксинча, айнан Хельсинки жараёнларини ижтимоий муаммолар бўйича Шарққа нисбатан босим ўтказиш учун бир мунча муносиб восита деб ҳисоблади. Бунинг натижасида – Ғарб томонидан халқаро муносабатларга “деидеологизация”га йўналиш бўлди. Шарққа қараганда бир оз кўпроқ қизиқувчи Ғарб хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий муаммоларини, Хельсинки жараёнларидан ташқарида муҳокама қилишни маъқул кўрди. Бу 1970 - йиллар ва 1980 - йиллар оралиғида қуролланиш устидан назорат ўрнатиш масаласи ЕХХК кун тартибига киритилмаганлиги билан изоҳланади. Шунинг учун ЕХХКнинг “биринчи сават” компетенцияси соҳасида ғарбнинг ҳарбий фаолият шаффофлиги (“транспарентность”) концепциясига мувофиқ, Ғарб ҳарбий соҳада ишонч чораларини кегайтиришга биринчи даражада аҳамият қаратди. Хусусан, ВШТдан -

⁶⁰ Заключительный акт Совещания по безопасности и сотрудничеству в Европе // От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. В 3 т. – М., 1996. – Т. 1. – С. 50.

ва биринчи галда СССРдан, ҳарбий-сиёсий соҳадаги келишув устидан назоратга тегишли бўлган масалалар бўйича “жойларда текширув” тамойилига розилик олишга эришишни ҳохлади⁶¹.

Шарқ ва Ғарб ўртасида айнан Хельсинки жараёнларида “роллар тақсимланишининг” бундай ўзига хослиги “совук уруш” тугашининг охирига қадар сақланиб қолди. Шарқ томонидан ҳарбий-сиёсий ва Ғарб томонидан эса ижтимоий аҳамиятларнинг биринчи даражадаги ўрнининг тўқнаш келиши – Белград ва Мадридда, Хельсинкидан сўнг “кейинги қадамлар” доирасида бўлиб ўтган биринчи умумий икки учрашув учун характерли ҳисобланади. Шундай бўлса ҳам Белградда ва Мадридда тўқнаш келишнинг натижалари таққосланмасгини намоён қилди: биринчи вазиятда – деярли муваффақиятсизликка учради, иккинчидан эса – муҳим тараққиётга эришди⁶².

Белградда бўлиб ўтган ЕХХКнинг 35 та иштирокчи-давлатлари вакилларининг учрашуви 1977 йилнинг 4 октябридан то 1978 йилнинг 8 мартига қадар давом этди. Деярли муваффақиятсизликка учраган мазкур учрашув шу билан изоҳланадики, Хельсинки жараёнлари доирасида ҳамкорликнинг кейинги ривожланиши бўйича аниқ таклифларни ўртага ташлаганларнинг кўпчилиги ўта қисқа Якуний ҳужжатни қўлга киритишга эриша олмади. Хусусан, расмий ҳужжат сифатида СССР томонидан киритилган “Европада ҳарбий кескинликни юмшатишни мустақкамлаш мақсадида платформа ҳаракатлари” ҳам қўллаб-қувватланмади. “Ижтимоий ҳамкорлик” мамлакатлари билан Ғарб томони Белградда бўлиб ўтган учрашувда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги масала бўйича жиддий жангга бардош беришга тўғри келди. Ғарб давлатлари томонидан киритилган таклиф, Европанинг бўлинган икки қисми ўртасида ғоя ва маълумотлар, қандай бўлмасин инсонларнинг эркин ҳаракати тўғрисида аниқ битимга эришишга қаратилди. Бу кескинликни юмшатиш шароитида совет бошлиқлари тўғри деб

⁶¹ Княжинский В. Б., Купцова И. В., Софийский Н. В., Фокеев Г. В., Юрьева Т. В. Новое политическое мышление и проблемы безопасности и сотрудничества в Европе. – М., 1991.

⁶² Внешнеполитическая и дипломатическая деятельность СССР (апрель 1985 г. – октябрь 1989 г.). Обзор МИД СССР // Международная жизнь. 1989. – № 12. – С. 75.

хисоблаган, ғоявий кураш соҳасида йўл қўйиб бўлмайдиган ён беришда совет позициясида турган социалистик давлатлар учун номаъкул бўлди⁶³.

“Учинчи сават”га кўтарилишда Ғарбнинг қатъиятлиги Хельсинки жараёнларининг “социалистик ҳамкорлик”нинг ички вазиятига “тескари таъсири” самарадорлиги муваффақиятсизлигининг аниқланиши билан изоҳланади. СССР ва унинг иттифоқчилари Хулоса актининг еттинчи тамойилининг имплементацияси тўғрисидаги батафсил ҳисоботнинг талаб қилинишини худдики, уларнинг ички ишига аралашинишга ҳаракат сифатида баҳоладилар. Бу эса ўз навбатида, Хулоса актининг олтинчи ва еттинчи тамойилларига зид келди.

Белград учрашувининг бирдан-бир амалий натижаси бу — Хельсинки жараёнларини давом эттиришга келишув бўлди. 1980 йилда Мадридда навбатдаги умумий учрашувни чақириш тўғрисида келишув консенсусга эришинишга муваффақ бўлинди. Бундан ташқари, учта махсуслаштирилган учрашув - баҳс-мунозараларни тинчлик йўли билан тартибга солиш ва Ўрта ер денгизида ҳамкорлик масалалари бўйича иккита Экспертлар йиғилиши — ва Илмий форум аниқланди (ва кейинчалик ўтказилди). Мазкур йиғилишларнинг намунали томони шундаки, иккала Йиғилишни ўтказиш тўғрисидаги таклиф бетараф ва қўшилмаган давлатлардан (Швейцария ва Мальтадан) чиқди⁶⁴.

Мадрид учрашуви танаффуслар билан 1980 йилнинг 11 ноябридан то 1983 йилнинг 9 сентябригача давом этди. Мазкур учрашув “евроракета инқироzi”, Польшада ижтимоий-сиёсий инқироз ва Афғонистонда совет қўшинларининг киритилиши билан бир даврга тўғри келигани учун, капиталистик ва социалистик давлатлар ўртасида ўзаро қарама-қаршилиқнинг юқори чўққисига эришган пайтига тўғри келди. Бундай даҳшатнинг авжига чиққани шароитида учрашувнинг ижобий якуни Белград учрашувига қараганда янада эҳтимолдан холи эмас эди. Шунга қарамай Белграддаги учрашувдан фарқли ўлароқ, Мадридда кун тартибида Хельсинки масалаларининг барча мажмуини ўз ичига қамраб олган, яққол кўзга ташланувчи мазмунли Якуний ҳужжатнинг қабул қилинишига эришилди. Мадрид

⁶³ Новик Ф. И. СССР и проблемы безопасности и сотрудничества в Европе // Советская внешняя политика в годы холодной войны. 1945-1995 гг. — М., 1995. — С. 42.

⁶⁴ История международных отношений и внешней политики СССР. 1970-1987. — М., 1987. — Т. 3. — С. 205.

учрашувининг муваффақиятли якун топишида бир неча моротаба ўзаро келишув Якуний ҳужжат лойиҳасини киритган ва шулардан сўнгиси қабул қилинган “Н+Н” гуруҳи давлатлари катта роль ўйнади⁶⁵.

Европада қуролсизлантириш ва хавфсизлик ҳамда ишончни мустаҳкамлаш чоралари бўйича махсус Конференциянинг чақирилиши тўғрисидаги келишув бир мунча аҳамиятли ва бир вақтнинг ўзида Мадрид учрашуви муваффақиятининг белгиси сифатида намоён бўлди. Бу келишув кейинчалик “мадрид мандати” деб номланадиган бўлди. Европанинг барча минтақасини шунингдек, туташ денгиз ҳудудлари ва ҳаво бўшлиқларини қамраб олувчи, қуролсизлантириш ва хавфсизлик ва ишончнинг мустаҳкамланиши чоралари, Мадрид музокаралар мавзуининг умумий хусусиятларини касб этди. Конференциянинг биринчи босқичи 1984 йилнинг 17 январида Стокгольмда бошланиши лозим эди. 1986 йилнинг 23 сентябридан Венада ўтказилиши белгиланган ЕХХК иштирокчи-давлатларининг умумий учрашуви “Мадрид мандати”ни тўлдириши зарур эди⁶⁶.

Европада қуролсизлантириш ва хавфсизлик ва ишончнинг мустаҳкамланиши чоралари бўйича Стокгольм конференцияси, ҳисоб бўйича умумий учинчи - Хельсинки жараёнлари доирасидаги Вена учрашуви, Мадридда ўрнатилган қатъий жадвалга мувофиқ бошланди⁶⁷. Бу учрашувларнинг муваффақиятлари кутилгандан ҳам ортиқ даражада бўлди. Бироқ бу муваффақиятларга СССРнинг “янги сиёсий фикрлари” ғоялари ва амалиётининг шарофати туфайли, 1980 - йилларнинг иккинчи ярмида бошланган Ғарб ва Шарқ ўртасидаги муносабатларнинг ижобий ўзгаришига иккала учрашув ҳам мажбур бўлди⁶⁸. Аммо бу энди бошқа тарих – қуролсизлантиришга қайтиш ва “совуқ уруш”нинг тугаши тарихи.

1970- ва 1980-йиллар вақт оралиғидаги инқирозни юмшатиш шароитида Хельсинки жараёнларининг яшаш қобилияти – Европада ўта мураккаб халқаро муносабатларнинг яққол тасдиқланиши, биполяр тартиботини зўрма-зўраки бир

⁶⁵ Итоговый документ Мадридской встречи 1980 года, представленный государствами-участниками СБСЕ. – Мадрид, 6 сентября 1983 г. // От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. – М., 1996. – Т. 1. – С. 94-100.

⁶⁶ Адамишин В. Л. Мадридская встреча // Мир и разоружение. Научные исследования. – М., 1984. – С. 84-91.

⁶⁷ Итоговый документ Венской встречи 1986 года представителей государств-участников СБСЕ. Вена, 15 января 1989 г. // От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. В 3 т. – М., 1996. – Т. 1. – С. 120-127.

⁶⁸ Горбачев М. С. Перестройка и новое мышление для нашей страны и для всего мира. – М., 1988. – С. 178.

андазага келтиришга умуман тўғри келмади. “совуқ уруш” даврида биринчи даражада бўлган, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муносабатлар кескинлигининг минималлашиши билан бир каторда, Хельсинки жараёнлари Европа қитъасининг жамики турли-туман давлатлари ва халқларини ҳисобга олган ҳолда, ҳақиқатан ҳам умумЕвропа минтақавий ҳамкорлиги маданияти асосига замин ҳозирлади.

1.3. 1970 - йилларнинг иккинчи ярми ва 1980 - йилларнинг биринчи ярмида Европада интеграцион жараёнлар

Интеграция бу сиёсат ва/ёки юридик талаб этиладиган ҳужжатлар асосида мувофиқлаштириш ва ўзаро мослаштириш сиёсати. Интеграцион жараёнлар иқтисодий, ижтимоий, валютага оид, сиёсий, ҳарбий ва бошқа соҳаларда бири-бирига боғланган давлатлар ҳақиқий ривожланишини ўзида акс эттиради. Европада капиталистик ва социалистик субрегионал қисмларга бўлиниши туфайли интеграцион жараёнлар фақатгина субрегионал асосидагина ривожланиши мумкин. 1970-йилларнинг ўрталарида Европанинг иккала қисмида Иқтисодий ўзаро ёрдам кенгаши (ИЎЁК) ва шарқ қитъаси асосида, Варшава шартномаси ташкилоти, Европа ҳамжамияти (ЕХ)⁶⁹ Европа эркин савдо ассоциацияси, Ғарбий Европа иттифоқи, Шимолий кенгаш ва ғарбда бир қатор ўзларининг ҳуқуқлари бўйича турли хил субрегионал интеграцион бирлашмалар фаолият олиб борди.

Шарқий Европада интеграцион жараёнлар “социалистик ҳамдўстлик”нинг мустаҳкамланиши талаблари остида ривожланди. Шу аснода агар ВШТни аслида Европа субрегионал интеграционал гуруҳ сифатида баҳо бериш мумкин бўлса, унда ЕЎЁКни унинг иштирокчиларининг кенглигини ҳисобга олган ҳолда қўшимча қилиб, бу тоифага киритиш мумкин. 1962 йилдаёқ Монголия, 1970 – йилда Куба ва Вьетнам социалистик республикалари СЭВнинг аъзоси бўлдилар. Шунга қарамай

⁶⁹ Қисқартма сўз Европа ҳамжамияти 1965 йилдаёқ имзоланган ва 1967 йилда кучга кирганидан кейингини сиёсий лугатга кирди. Кўмир ва пўлат Европа уюшмаси – учала Европа бирлашмаси учун ягона ижро этувчи орган муассасаси тўғрисидаги шартнома, ва атом энергияси бўйича Европа бирлашмаси. 1967 йилдан учала Бирлашмалар учун умумий Вазирлар кенгаши ва Назорат тафтиш гуруҳи фаолият олиб борди. 1993 йилда Европа иттифоқи тўғрисида Маастрихт шартномаси кучга киргандан кейин ЕС қисқартма сўзи, барча учала Европа бирлашмасининг таркибий қисми ҳозирда фаолиятда бўлган Европа иттифоқини билдиради

ЕЎЁКнинг фаолияти “социалистик ҳамдўстлик” Европа қисмининг чегарасида меҳнат тақсимои йўлга қўйишда муҳим таъсир кўрсатди.

1959 йилда қабул қилинган ИЎЁКнинг Устаида социалистик иқтисодий интеграция асосида ҳамкорликни такомиллаштириш мақсад қилиб қўйилди. 1970-йиллар социалистик иқтисодий интеграциянинг стратегияси, 1971 йилда қабул қилинган, ИЎЁК мамлакат-аъзоларининг социалистик интеграциянинг ривожланиши ва ҳамкорликни такомиллаштириш ва кейинги чуқурлаштириш мажмуавий дастурида ҳам аниқ ифодалаб қўйилди. Мазкур ҳужжатнинг тараққиёти, 1976 йилда Берлинда бўлиб ўтган ИЎЁК сессиясида 1976-1980 йилларда кўп томонлама чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Ражада марказий ўринни ҳамкорликнинг кўп муддатли мақсадли дастурини биргаликда ишлаб чиқишга қаратилди.

“Социалистик ҳамдўстлик”да иқтисодий интеграциянинг ўша даврдаги энг муҳим вазифаси, ҳамдўстлик мамлакат-аъзоларининг иқтисодий даражасини тенглаштириш ва илмий –техника тараққиёти билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш соҳаларида интеграцияни чуқурлаштириш бўлди. “социалистик ҳамдўстлик”да интеграция шак-шубҳасиз, социалистик мамлакатларда иқтисодий ривожланиш даражасини тенглаштиришга ёрдам берди: агар 1950 йилда ИЎЁК Европа мамлакат-аъзоларида аҳоли жон бошига даромад даражасидаги тафовут 1:3 ни ташкил қилган бўлса, 1970-йилларнинг охирига келиб эса бу кўрсаткич 1:1,4 ни ташкил қилди.

Бирок, 1970 – ва 1980 – йиллар чегарасида стратегик интеграцион вазифаларнинг бажарилиш самарадорлиги пасайиши бошланди. Бунга эса аввал бошидинаоқ самарасиз режа тизимида социалистик хўжаликнинг киритилиши сабаби бўлди. 1970 йилларнинг икинчи ярмида қабул қилинган ИЎЁКнинг барча халқ хўжалиги ўзаро мувофиқлиги йўналиши миқёсида бу тизим, ИЎЁКнинг барча хўжалик фаолиятида шиддатли иқтисодий ўсиш имкониятларини ўзига хос чегараланишга олиб келди. Натижада “социалистик ҳамдўстлик” Европа қисмида юзага келган субрегионал меҳнат тақсимои имкониятлари тўла фойдаланилмади⁷⁰.

⁷⁰ Ялтинско-Потсдамская система международных отношений. Холодная война. 1945-1995 гг. Дистанционный курс. – М.: Московский общественный научный фонд, 2001. – С. 293-294.

Европа қисмида “социалистик ҳамдўстлик”нинг сиёсий ҳамкорлиги энг аввало ВШТ доирасида ривожланди. Сиёсий маслаҳат қўмитаси ва Мудофаа вазири қўмитаси каби ҳарбий-сиёсий ҳамкорликдаги мавжуд органлар билан бир қаторда, 1976 йилдан буён ВШТ таркибида яна бир тузилма Ташқи ишлар вазирлиги қўмитаси ташкил этилди. Янги қўмитанинг асосий вазифаси ВШТ Сиёсий маслаҳат қўмитасида уларнинг кейинги вазифаларини белгилаш учун ташқи сиёсат масалари бўйича таклиф тайёрлаш бўлди.

“Социалистик ҳамдўстлик” мамлакатлар ташқи сиёсатини ўзаро маослаштиришда турли хил норасмий воситалар энг муҳим ролни ўйнай бошлади. Марксист-ленинист партияси бошқаруви раҳнамолари “Қрим учрашуви” деб номланган юқори даражадаги мунтазам олиб борилган учрашув амалий ишлар натижаси дея тасдиқланди. Партия бошқаруви марказий қўмитаси функционал бўлимлари линияси бўйича маслаҳат мунтазам равишда амалга оширилди⁷¹.

“Социалистик ҳамдўстлик” мамлакатларининг расмий ва норасмий сиёсий механизмларини ўзаро мувофиқлаштиришнинг тўла бирикуви, унга Ғарб муносабатида доимий “ягона фронт” бўлиб киришишга имкон берди. Шу билан бирга Совет Иттифоқи ҳам ўзининг раҳнамолигини амалга ошириш учун турли хил воситаларига эга эди.

Шу аснода Ғарб, ўз навбатида “социалистик ҳамдўстлик” бўйича СССР “кичик шерик” суверенитети ҳисобида ҳеч қандай хом хаёлни ҳис этмади. Шунинг учун Ғарбнинг масалан, Польшада 1980-1983 йиллардаги ижтимоий-сиёсий инқироз вақтида СССР бошлиғига тўғридан-тўғри мурожаати тасодиф эмас эди. 1980 йилларнинг ўрталарига қадар Европа социалистик мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорлик шаклини афзал билган давлатлар, Европа уюшмалари томонидан ИЎЁК билан тўғридан-тўғри алоқаларни рад этиши ҳам тасодиф эмас⁷².

Ўз навбатида ИЎЁК 1976 йилдаёқ икки ташкилот даражасида ЕС билан расмий муносабатларни ўрнатишни таклиф қилди. Бунинг натижасида олиб борилган музокаралар самарасиз якунланди. 1984 йилда бўлиб ўтган юқори

⁷¹ Горбачев М. С. Как это было. – М.: ВАГРИУС, Агентство «ПЕТРО-НБЮС», 1999. – С. 93-96.

⁷² Ялтинско-Потсдамская система международных отношений. Холодная война. 1945-1995 гг. Дистанционный курс. – М.: Московский общественный научный фонд, 2001. – С. 278-281.

даражадаги ИЎЁК мамлакат-аъзоларининг иқтисодий йиғилишида Европа уюшмалари билан тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш фикрига ўртага ташланди. Бу гал ЕХ мазкур таклифни кўриб чиқиш учун қабул қилди. Бироқ бунинг амалга оширилиши 1980-йилларнинг иккинчи ярмида мутлоқо бошқа халқаро шароитда содир бўлди⁷³.

1970-йилларнинг иккинчи ярми- 1980 йилларнинг биринчи ярмида Ғарбий Европада интеграцион жараёнларга тўхталадиган бўлсак, бу жабҳада самарасиз давр бўлди. Ғарбий Европада иқтисодий интеграциянинг жадаллик суръати бу даврда 1974/75 ва 1980/82 йилларда иқтисодий инқироз келтириб чиқарган “миллий худбинлик”нинг туғилиши оқибатида секинлади. Шунингдек, сиёсий ва ҳарбий соҳада ҳам интеграциянинг олдинга силжиши секинлик билан кечди, чунки Ғарбий Европа давлатлари ўртасида энг аввало унинг туб мақсади тўғрисида консенсус йўқ эди. Шунинг учун Ғарбий Европада интеграцион жараёнларнинг умумий ҳолати тавсифи учун бу даврга нисбатан “склероз” ва “евроскептицизм” каби таърифлар тез-тез қўлланилади⁷⁴.

Ўша даврда мвжуд бўлган Ғарбий Европа интеграционал бирлашмалардан фақатгина Европа уюшмаси ўз олдида бир мунча узоққа борувчи мақсадни қўйган эди. Агар ЕЭСА ўзининг мақсадларини фақат эркин савдо зонасини яратиш билан чеклаган бўлса, унда Европа иқтисодий уюшмасини (ЕИУ) тузиш тўғрисида 1957 йилда тузилган Рим шартномаси, ўзининг мамлакат-аъзолари ҳудуди чегарасида фақатгина товарнигина эмас, балки капитал, иш кучи, ва хизматнинг эркин ҳаракатини “тўрт эркинлик” деб номланган силжишни кўриб чиқди. Бу эса бир мунча интеграциянинг юқори даражасини билдирар эди. Бироқ 1970-йилларнинг ўрталарида ЕХда иқтисодий интеграциянинг суръати секинлади: уюшма божхона иттифоқи даражасида ва ягона қишлоқ хўжалиги сиёсатида қисилиб қолди. “Тўрт эркинлик”дан фақат иккитаси товарнинг ва капиталнинг эркин ҳаракати ишлаб турди⁷⁵.

⁷³ Кашлев Ю. Б. Общеввропейский процесс вчера, сегодня завтра. – М., 1990. – С. 127-128.

⁷⁴ Ялтинско-Потсдамская система международных отношений. Холодная война. 1945-1995 г. Дистанционный курс. – М.: Московский общественный научный фонд, 2001. – С. 283.

⁷⁵ Борко Ю. А., Загорский А. В., Караганов С. А. Общий европейский дом: что мы о нем думаем? – М., 1991. – С. 177.

1970-йилларнинг бошида тузилган ЕХнинг биринчи кенгайишидан кейин, “Умумий бозорда” тинчликни бузиш роли Франциядан Буюк Британияга ўтди. ЕХда Буюк Британиянинг асосий позицияси 1960-йилларда голлист Францияси ифво қилган шундай кучли инқирозга олиб келмади. Аммо “британ фактори” ғарбий интеграциянинг кейинги тараққиёти учун энг муҳим омил бўлди. Аввал бошида британ даъволари ЕХнинг умумий қишлоқ хўжалиги ва ҳудудий сиёсатига тегишли бўлди. Буюк Британия ЕИУ умумий бюджетига ўзининг тўлов миқдорини камайтиришини қаттиқ талаб қилди. Мазкур талабнинг моҳияти шунда эдики, бюджетнинг учдан икки қисми “Умумий бозор” сиёсатида қишлоқ хўжалигини молиялаштиришга сарф қилинар эди. Буюк Британия қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг катта қисмини Европа қитъасидан эмас, Британ ҳамдўстлик миллатлари давлатларидан олиб келар эди. Шунинг учун у, энг муҳим ЕХ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар – Франция ва Италияни молиялаштиришни ҳохламас эди. Бошқа томондан Буюк Британия “Умумий бозорни” ҳудудий ривожлантириш фонди маблағининг катта қисмини олишга манфаатдор эди. Бу борада унинг манфаатлари Италия манфаатлари билан тўқнаш келди. Айнан иккала мамлакат алоҳида ҳудудларни ривожлантириш даражасида кўпгина номуносивбликларга дуч келди. “Британ фактори” сиёсий интеграция соҳасида миллатлар устидан – Европа иттифоқини тузиш лойиҳасида Европага оид йўлда энг муҳим тўсиқ бўлди⁷⁶.

1970-йилларнинг охири – 1980-йилларнинг биринчи ярми ЕХнинг иккинчи кенгайишини ўз ичига олди. 1981 йил 1 январидан Грециянинг ЕХ таркибига қўшилиши тўғрисидаги шартнома, 1986 йилнинг 1 январидан эса Испания ва Португалиянинг ЕХ таркибига қўшилиши тўғрисидаги шартномалар кучга кирди. Бошида “Умумий бозорнинг” “олтилиги”дан “Европада ўн иккиликка” ўтди. Учта янги давлатнинг ЕХ таркибига кириши тўғрисида 1970-йиллар ўрталарига қадар кўп йиллар давомида жуда кўп мунозалар олиб борилди. ЕХнинг иккинчи кенгайиши истиқболида учала “марказий кучлар” рақобати доирасида Ҳамжамиятнинг жами нуфузининг ошишига олиб келиши зарур эди. Бироқ тез

⁷⁶ Кашлев Ю. Б. Общеввропейский процесс вчера, сегодня завтра. – М., 1990. – С. 130.

фурсатларда аниқ самарага эриша олмаганлигини тушуниб етдилар. ЕХ таркибига уюшманинг бошқа мамлакат-аъзолари сингари ривожланиш даражасига “кўтариш учун” катта миқдордаги молиявий чиқимларни талаб қилган, ўрта даражада ривожланган мамлакатлар келиб қўшилди⁷⁷.

1979 йил мартдан Европа валюта тизими (ЕВТ) нинг жорий этилиши мазкур даврда иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш соҳасида энг кўзга кўринган ютуқлардан бири бўлди. Бу тизим америка доллари муносабати бўйича ғарбий Европа валютаси курсининг “сузиши”га мувофиқ ихтиёрий равишда олиб борилган “валюта илони” деб номланган тизимнинг ўрнига келди. 1970 – йилларнинг охирига келиб эса Ғарбий Европада валюта барқарорлигини қўллаб-қувватлашнинг бундай усули самарасизлиги тан олинди.

ЕВТнинг тузилиши тўғрисидаги шартнома Франция президенти В. Жискард д’Эстена ва ФРГ канцлери Г. Шмидтларнинг ташаббусига кўра ЕХда имзоланди. Янги тизимнинг функционал асоси, “Европа валюта бирлиги” – ЭКЮ («European Currency Unit» – ECU) унинг доирасига киритилишини ўз ичига олди. Бу birlik ЕВТда иштирок этувчи давлатларда валюта курсларининг ўзгаришига рухсат бервчи меъёрларни мувофиқлаштириш учун намуна бўлиб хизмат қилди бундан ташқари ЭКЮ, ЕХ бюджетини юзага келтириш жараёнида ҳисоб бирлиги функциясини бажарди. ЕВТда иштирок этувчи ЕХ мамлакат-аъзоларининг ихтиёрийлиги айрим муаммоларни келтириб чиқарди. Хусусан, ЕВТда Буюк Британиянинг иштирок этишини рад қилдилар. Буларнинг барчаси валюта иттифоқини тузиш истикболини, гарчи валюта барқарорлигини қўллаб-қувватлашга кўмак берган бўлсада, ЕХ асосига бериб қўйди⁷⁸.

1970-йилларнинг иккинчи ярми – 1980 йилларнинг биринчи ярмида Европа иттифоқига ҳаракат фаолият кўринишада эмас, балки асосан ғоялар асосида юз берди. 1972 йилдаёқ ЕХ нинг сиёсий луғатига киритилган “Европа иттифоқи” тўғрисидаги тушунча, мазкур даврда аниқ қиёфани ташкил этмади.

⁷⁷ Ялтинско-Потсдамская система международных отношений. Холодная война. 1945-1995 г. Дистанционный курс. – М.: Московский общественный научный фонд, 2001. – С. 286.

⁷⁸ Кашлев Ю. Б. Общеввропейский процесс вчера, сегодня завтра. – М., 1990. – С. 132.

Мазкур тушунча бўйича Л. Тиндеманснинг сўзлаган нутқининг муҳокамаси натижасида 1976 йилда қабул қилинган консенсус ютуқлари ҳаракатлари муваффақиятсизлик билан тугади. Бельгиянинг бош вазири Л. Тиндеманс ўша вақтда Европа иттифоқи федералистик лойиҳасини ЕС муҳокамасига тақдим қилган эди. Ташқи ва мудофаа сиёсати соҳасида интеграцияни кенгайтириш талаб этилади. Институционал саҳада эса Л. Тиндеменс Маъно мазмуни бўйича “миллатлар инқилобини” тақлиф қилди. ЕҲ мамлакат-аъзоларининг миллий мустақиллигига барҳам берилишини билдирган, қарор қабул қилиш жараёнида ҳамжиҳатлик тамойили ўрнига кўп овоз тамойилига узил-кесил ўтиши зарур бўлди. Стратегик қарорларни қабул қилишда ЕҲ Вазирлар кенгаши⁷⁹ эмас, балки Европа кенгаши марказ бўлиши зарур эди. Қонунчилик ташаббусини Европа парламенти кўлига олиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди. Тиндеманс тақлифининг рад этилиши ЕҲда миллатлар устидан ҳамкорликнинг эмас, балки давлатлараро тамойилнинг тантанасини билдирди.

Европа парламентида сайлов тўғрисида тўғридан-тўғри умумий овоз бериш қарори сиёсий интеграциянинг ҳақиқий ютуғи бўлди. ЕҲ қарорларига мувофиқ 1976 йилда имзолادилар ва 1978 йилда кучга кирди. Биринчи тўғридан-тўғри сайлов 1979 йилда, иккинчиси эса 1984 йилда бўлиб ўтди. Гарчи Европа парламентида янги сайловлар тартиби ва ЕҲ асосида федерация келажагига қадам сифатида деб ҳисобланган бўлса, бу ишнинг ҳақиқий ҳолатини кам тарзда ўзгартирди. Тўғридан-тўғри умумий овоз бериш ёўли билан сайланган Европа парламенти биринчидан, маслаҳат органи бўлиб қолди⁸⁰.

Европа иттифоқи фаолиятини фаоллаштиришга бўлган икинчи урниниш “Геншер-Коломбо режаси”⁸¹ деб номланган доирада 1981 йилда қабул қилинди. Мазкур лойиҳада ЕҲ асосида сиёсий иттифоқ қарор қабул қилиш вақтида консенсусдан воз кечиш тўғрисида ва мудофаа соҳасида интеграцияни

⁷⁹ Европа кенгаши – 1957 йила қабул қилинган Рим шартномасида назарда тутилмаган, шу сабабдан ЕС доирасидаги сиёсатга мувофиқ норасмий орган – Франциянинг ташаббусига кўра 1974 йилда тузилди ва ўша вақтдан эътиборан ЕС мамлакат-аъзолари ҳукумати ва давлат бошлиқларининг вақти-вақти билан чақирилувчи учрашув шаклида ҳаракатда бўлиб турди.

⁸⁰ Борко Ю. А., Загорский А. В., Караганов С. А. Общий европейский дом: что мы о нем думаем? – М., 1991. – С. 179.

⁸¹ Муаллифларнинг – ФРГ ва Италия ташқи ишлар вазирлари – Г. Д. Геншера ва Э. Коломболарнинг номлари бўйича шундай аталган.

кенгайтириш хусусида яна сўз олиб борилди. тагин шундай радикал вариантда ҳам сиёсий иттифоқ лойиҳаси қабул қилинмади. Шунга қарамай, ғояларининг маълум бир қисми 1983 йил июн ойида Штутгар шаҳрида Европа иттифоқи йиғилишида қабул қилинган Европа иттифоқи тўғрисидаги Тантанали декларацияга кирди. Умуман олганда янги декларацияда иқтисодий ва сиёсий интеграция ҳуқуқлари тенглаштирилди. Бундан ташқари, ЕХ мамлакат-аъзолари биринчи навбатда сиёсий ва иқтисодий хавфсизлик жиҳатлари бўйича позицияни мувофиқлаштиришга тайёрликларини тантанали равишда эълон қилдилар. Хавфсизликнинг ҳарбий жиҳатлари анъанавий тарзда НАТОнинг таркибида қолди.

ЕХ ваколатида ҳарбий интеграциянинг тўла қўшилишидаги муваффақиятсизлик Ғарбий Европа иттифоқи (ҒЕИ)нинг фаоллашувига ёрдам берди.

Бошқа интеграцион ташкилотларга ўзининг устав мажбуриятларини ўз ихтиёри билан берган⁸², 1954 йилда қабул қилинган Париж протоколи кўрсатмаларига биноан, ҒЕИ 1980 йилларнинг бошига қадар ФРГ ҳарбий чекланишга амал қилиши учун расмий назорат вазифасини бажарди. ФРГ одатдаги қуролланиш бўйича охириги чекланиш 1984 йилда рад этилган эди. Ғарбий Европада ҒЕИ баъзида истехзо билан аталган бу Европалик “уйқудаги маликалар” уйғониши ўша вақтда содир бўлган эди. 1984 йилда Франция ва Бельгиянинг ташаббуси билан Римда ҒЕИ етти мамлакат-аъзоларининг ташқи ишлар вазирлари ва мудофаа вазирларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда қабул қилинган Рим декларацияси ҒЕИ Ғарбий Европа ҳарбий-сиёсий интеграциянинг янги босқичининг бошланишига қарор қилди. “хавфсизлик соҳасида Европанинг бир хиллиги” («European Security Identity» – ESI) тушунчаси мазмуни эътибор марказида бўлди. ҒЕИни Ғарбий-Европа ҳарбий-сиёсий интеграциянинг кейинги ривожланиши бўйича ғояларнинг тўпланиши марказига айланишига ёрдам берган, ҒЕИ мамлакат-аъзоларининг ташқи ишлар вазири ва мудофаа вазирларининг йиғилиши ҳанузгача мунтазам олиб борилади.

⁸² ҒЕИ 1954 йилда қабул қилинган кўшимча Брюссел шартномаси асосида тузилган эди. Ўша вақтдан эътиборан унинг жамоавий мудофаа вазифаси НАТОга, иқтисодий ва ижтимоий соҳалари ЕХга, маданий ҳамкорлик соҳаси Европа кенгашига ўтди.

1980 йилларнинг ўрталарига келиб ғоя ва тажрибаларнинг тўла тўпланиши Ғарбий Европада ўн йил ўтгандан кейин сифатли сакрашни амалга оширишга имкон берди. 1993 йилда кучга кирган Европа иттифоқини тузиш тўғрисидаги шартнома, Европада замонавий интеграцион жараёнларнинг бош омили ва ўша йилларда кучайишнинг энг муҳим натижаси ҳисобланди.

1 боб бўйича хулоса

- Европадаги 1970 йилларнинг ўрталаридан бошланган энергетика, иқтисодий ва технологик талаблар, Европанинг бўлинган иккала қисмида ҳам энергетик, иқтисодий ва технологик омилларга ўзининг таъсир даражасининг ўсишида намоён қила бошлади.

- Шарқий Европа давлатлари билан иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланиши, Ғарбий Европа иқтисодий муаммоларини ҳал қилишнинг муҳим воситаларидан бири бўлди.

- 1970 йилларнинг иккинчи ярми ва 1980 йилларнинг биринчи ярми мобайнида Европанинг социалистик мамлакатлари ўзларининг иқтисодий ва ижтимоий ички тизим муаммоларининг кучайишини намоён қилди.

- 1970 ва 1980 йиллар оралиғида том маънода энергетик, технологик ва иқтисодий омиллар Европанинг бўлинган Шарқ ва Ғарб иқтисодий прагматик алоқаларининг аҳамияти учун чуқур шароит яратди.

- Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка оид йиғилиш асосида шакллланган, ўзининг йўналиши бўйича ягона кўп томонлама музокара механизми бўлган Хельсинки (умумЕвропа) жараёни, Европада кескинликни юмшатишга қарши жиддий қарама-қарши бўлди.

- Хельсинки жараёни доирасида бетараф ва қўшилмаган давлатларнинг (“Н+Н” гуруҳи деб аталган) сиёсий ролининг ўсди. Бу давлатларга блокларнинг кучли қарама-қаршилиги пайтида барча муросаларни қаноатлантирувчи таклифлар беришга муваффақ бўлдилар.

- Европанинг икки қисмга бўлиниши шароитида иккала қарши курашувчи томонлар блок ички вазият ривожланишига йўналтирилган ички рақобатлашаётган блокда ўзлари учун фойдали томонга кучайишини тўхтатмадилар.

- 1970 йилларнинг ўрталарида ўз томонида Совет ҳукумати, Европа капиталистик мамлакатларида “антимонополистик фронт бирлиги” деб номланувчи ҳаракат муваффақиятларига маълум умидларини боғлади.

- 1970-1980 йилларда ҳарбий соҳада Европада икки буюк давлат рақобатчилиги Европада минтақавий ҳарбий-стратегик мувозанат ва СССР ва АҚШ глобал ядро тенглиги ўзаро муносабати тўғрисидаги масала бир мунча мураккаб аҳволда қолди.

- 1970 йилларнинг ўрталарида АҚШ ва Япония билан бир қаторда Ғарбий Европанинг учта жаҳон марказий кучларидан бирига айланишининг ниҳоясига етиши, Евроатлантика ҳамжамиятида асосан янги омиллардан бири бўлди.

- 1980 йилларнинг боши АҚШ ва унинг Ғарбий Европа иттифоқчилари ўртасида Европа мудофаасини таъминлашнинг аниқ услубий жиҳатлари тўғрисидаги ихтилоф аломатлари остида ўтди.

- Шарқ муносабатларида Ғарбнинг умумий манфаатлари “атлантика бирдамлиги”ни мустаҳкамлашнинг ҳал қилув даражасига имкон берди. 1967 йилдаёқ НАТОда қабул қилинган Армелянинг икки вазифадан иборат дастурий маърузаси – социалистик мамлакатларнинг ҳарбий тўхтатилиши ва улар билан олиб бориладиган сиёсий музокаралар тўла маънода ўзининг аҳамиятини сақлаб қолди.

- бутун дунёда ва хусусан, Европада социалистик тизим позицияси марказдан қочиш тенденциясининг турли усуллари заифлаштиришда давом этди.

2 БОБ. 1985-1991 ЙИЛЛАРДА ЕВРОПАДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР.

2.1. “УмумЕвропа уйи” совет лойиҳаси.

1980 йилларнинг иккинчи ярмида Расман совет ҳужжатларида тасдиқланган - “УмумЕвропа уйи” лойиҳаси, СССР ташқи сиёсатида Европа йўналишини аниқлаган. 1989 йилда СССР Ташқи ишлар вазирлиги томонидан 1985 йил апрел – 1989 йил октябр ойи учун тайёрланган Совет давлатининг ташқи сиёсат ва дипломатик фаолияти тўғрисида қисқача маълумотда мазкур лойиҳага шундай тавсиф берилади: “Совет Иттифоқи томонидан ўртага ташланган умумЕвропа уйи концепциясининг асл туб моҳияти шундан иборатки, Европада давлатлараро муносабатларда ҳар томонлама ҳамкорликка асосланган янги типни жорий қилишни ўз ичига олган”⁸³.

1980-йилларнинг иккинчи ярми ва 1990-йилларнинг бошларида Европа вазиятида “янги сиёсий фикрлар” совет концепциясининг асосий таянч қоидалари проекцияси тўғрисида гап кетмоқда. Мазкур қоидаларни эслатиб ўтамиз: умуминсоний қадриятлар синфий қадриятлар устидан устунликка эга бўлиши; синфий кураш шаклида эмас, балки уларнинг ижтимоий тузилишидан қатъи назар давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳар томонлама умумий тамойили асосида биргаликда тинч-тотув яшаш; турли ижтимоий-сиёсий тизимга (деидологизация давлатлар ўртасидаги муносабат) тегишли бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг бир-бирига қарама-қарши бўлмаган модел йўналишини билдирган халқаро соҳага мувофиқ бўлган сайлов эркинлиги; хавфсизликка кенг кўламда ёндашиш – ҳарбий усулдан ҳарбий бўлмаган усулларнинг таъминотини бирлаштириш ва куч тенглиги тамойилидан манфаатлар тенглиги тамойилига ўтиш. Янги сиёсий фикрлар бу умумий тамойиллар СССРнинг Европа сиёсати йўналишида қачон ва қай тарзда ўз аксини топган?

⁸³ Внешнеполитическая и дипломатическая деятельность СССР (апрель 1985 г. – октябрь 1989 г.). Обзор МИД СССР // Международная жизнь. 1989. – № 12. – С. 76.

Энг аввало шуни қайд этиш лозимки, ўша даврларда СССР ташқи сиёсати Европа йўналишини билдириш учун ишлатилган барча турли-туман атамалардан⁸⁴, “умумЕвропа уйи лойиҳаси” айнан бир мунча муваффақиятли аҳамият касб этади. Фикр ҳақиқатан ҳам биринчидан, концептуал қоидалар, ва иккинчидан, ғарбий давлатлар билан бир қаторда СССРнинг Шарқий Европа иттифоқчиларига қаратилган, Европада халқаро муносабатлар муаммоси бўйича СССРнинг аниқ ташқи сиёсий ташаббуслари маълум тўпلامни ўз ичига олувчи лойиҳа тўғрисида олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳани ишлаб чиқиш Совет Иттифоқида қайта қуришнинг барча даврига чўзилди ва СССРда ички қайта қуриш ислохотлари билан бевосита боғлиқ ҳолда олиб борилди.

“УмумЕвропа уйи” совет лойиҳасини ишлаб чиқишда маълум шартлар билан икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич – 1985-1989 йиллар – бу айниқса, СССР Европа сиёсатини янгилаш тартибларини аниқ ифода этиш ва аниқ ташаббусларни олға суриш даври. Иккинчи босқич – 1989-1991 йиллар – бу вақтга келиб Европада халқаро муносабатларнинг бошқа иштирокчилари билан келишилган, олдин даъво қилинган ташаббуслар ва илк тамойилларни амалга ошириш. Бундан ташқари, 1980-йиллар ва 1990 йиллар вақт оралиғида Европада “умумЕвропа уйи” лойиҳасини ишлаб чиқиш аввалида олдиндан кўришнинг иложи бўлмаган шиддатли ўзгаришлар бошланди. Шунинг учун “умумЕвропа уйи” лойиҳасини Европа минтақасида аниқ ўзгаришлар жараёнининг ўсиши билан боғлаш зарурияти пайдо бўлди⁸⁵.

1988 йилнинг ёзида бўлиб ўтган КПССнинг XIX конференциясида тасдиқланган Совет Иттифоқида ички сиёсий ислохотларининг бошланиши, “умумЕвропа уйи” лойиҳасини ишлаб чиқишнинг икки босқичи ўртасида чегара бўлди. СССРда айнан ички либерализациянинг бошланиши, аниқ ҳаракатларга ўтиш тўғрисидаги декларациядан унинг ташқи жу жумладан, Европа сиёсатида бир қатор муҳим йўналишларга ўтишга имкон берди. Бундан ташқари, “умумЕвропа уйи” лойиҳаси аста-секинлик билан аниқ мақсадларга тўлдирилиши, иқтисодий

⁸⁴ Ўша даврларда сиёсий ҳаётда “Европа – умумий уйимиз”, “умумЕвропа уйи”, “умумий Европа уйи” концепцияси каби атамалар мавжуд бўлган.

⁸⁵ Горбачев М. С. Как это было. - М.: ВАГРИУС, Агентство «ПЕТРО-НБЮС», 1999. – С. 226.

талаблар билан бир-бирига боғлиқ. 1980 йилларнинг иккинчи ярмидан СССРда иқтисодий ресурсларнинг камайиши, мамлакатни жаҳон иқтисодиётига тез суръатда интеграциялашувини талаб қилишга ундади. Бу учун айниқса энг маъқул йўл Европа бўлди. Ва ниҳоят, иқтисодий фикр-мулоҳазалар совет бошлиқларини курулланишни камайтириш жараёнини тезлаштиришга мажбур қилди. Европа бу муносабатда “тегинилмаган ер”ни ўзида акс эттирарди. Агар курулланиш даражасини эътиборга оладиган бўлсак (баъзида ўта курулланганлик деб номланади), бу ерда карама-қарши турувчилар ҳарбий-сиёсий блоклардир⁸⁶.

1980 – йилларнинг иккинчи ярмида нашр қилинган совет нашрларида шундай фикрлар баён қилинади, “умумЕвропа уйи” концепцияси М.С. Горбачев томонидан 1985 йилнинг октябр ойида амалга оширилган Францияга илк бора расмий ташрифи чоғида биринчи марта баён қилинган. М.С. Горбачевнинг ўзи эса, 1988 йилда нашрдан чиққан ўзининг “Қайта қуриш ва мамлакатимиз учун ва бутун дунё учун янгича қарашлар” китобида, “Европа – умумий уйимиз” мавзусида ўзининг том маънодаги қарашларини, у 1987 йилнинг апрел ойида Чехословакияга ташрифи чоғида баён қилганлигини тасдиқлайди⁸⁷. Шунга қарамасдан, икки йил ўтгач, 1989 йилнинг июл ойида Страсбург шаҳрида бўлиб ўтган Европа кенгаши парламент ассамблеясида М.С. Горбачев қуйидагиларни тан олди: “бугунги кунга келиб ҳам, чўнтагимда бу “уй” учун тайёр лойиҳага даъво қилмайман”⁸⁸.

Шундай экан, худди ўз вақтида “умумЕвропа уйи” совет лойиҳаси асосий қоидалари таърифланганми? Бу саволга бир маъноли жавоб беришнинг имкони йўқ. Бу жараён қайта қуриш билан бирга бошланган ва қайта қуриш каби ниҳоясига етказилмаган. Аммо юқорида келтирилган саналар ўз вақтида бу жараёнларнинг ривожланишининг муҳим давр босқичлари бўлганлигига шубҳа туғдирмайди.

1985 йилда М.С. Горбачевнинг Францияга расмий ташрифи чоғида, Совет Иттифоқининг Европа хавфсизлиги муаммолари бўйича янгича қарашлари эълон

⁸⁶ Кашлев Ю. Б. Общеввропейский процесс вчера, сегодня завтра. – М., 1990. – С. 135.

⁸⁷ Горбачев М. С. Перестройка и новое мышление для нашей страны и для всего мира. – М., 1988. – С. 144.

⁸⁸ СССР Президентлигидан кетганидан кейин нашр қилинган ўзининг мемуарида, М.С. Горбачев “умумЕвропа уйи” ғояси илк бора 1985 йилда Парижда олға сурилганлигини такрорлайди. Кейин эса, 1989 йилда Страсбургда бу ғоя кенгайтирилган кўринишда баён қилинган ва кейинчалик 1990 йилда тўлдирилган ва батафсиллаштирилган. (Қаранг: Горбачев М.С. Размышление о прошлом и будущем. Изд. 2-е. – СПб.: Из-во Санкт-Петербург отделения Горбачев-Фонда, 2002. – С.228)

қилинганди. Аниқ англаб етилган ва тан олинган янглилик ўзгартиришларининг моҳияти шундан иборатки, Европада хавфсизлик фақат ҳарбий воситалар орқали таъмин этилиши мумкин эмас. Шу сабабдан Ғарб сиёсий мунозарага таклиф қилинганди. Ва унга қўшимча равишда, узоқ вақт совет сиёсий атамасида «деидеологизация» атамасининг ўзи икки тизим давлатлари ўртасидаги идеологик тафовутлар давлатлараро муносабатлар даражасига кўтарила олмаслиги тўғрисида умумий фикр қайд қилинганди⁸⁹.

Бундан ташқари, совет янги бошлиғининг хорижга биринчи сафари учун айнан ғарбий Европа мамлакатини танлаши, Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати борасида минтақавий муҳимлиликда янги акцентларнинг пайдо бўлишини билдириши зарур эди. Совет-америка муносабатлари кескинлиги кўринишида советларнинг янги бошлиғи СССР ташқи сиёсати борасида ғарбий Европа йўналиши аҳамиятини кўтаришини намойиш қилди. Америка маъмурияти томонидан Совет Иттифоқига қарата таклиф қилинган мувофиқлаштириш далилининг ўзи, айнан Европада кенг кўламдаги хориж аудиториясига тақдим қилинганди.

М.С. Горбачев ўзининг 1987 йилнинг апрел ойида Чехославакияга амалга оширган расмий ташрифи чоғида “умумЕвропа уйи” совет лойиҳасининг концептуал асосларини бир мунча тўла манода баён қилди. Уларни қуйидагича тизимлаштирилган кўринишда келтириш мумкин:

1. “Атлантикадан то Ўролгача” белгиланган Европа цивилизацион бутунлиги тан олинган. Шунга қарамай бундай тан олиниши айнан Совет Иттифоқининг ўзи социалистик тузумни рад қилганлигини билдирмайди. Аксинча Европа жамиятининг маданий ва маънавий соҳасига, аммо ғоявий соҳасига эмас, асосий урғу берилди. Фикр ижтимоий-сиёсий тизим турли-туманлигини сақловчи шароитда цивилизация жамияти тўғрисида олиб борилмоқда.

2. Тинч-тотувлик шароитида бирга яшаган турли ижтимоий-сиёсий тизимга тегишли бўлган давлатлар, Европада қарама-қаршилиқни бартараф қилиш йўллари

⁸⁹ Внешнеполитическая и дипломатическая деятельность СССР (апрель 1985 г. – октябрь 1989 г.). Обзор МИД СССР // Международная жизнь. – 1989. – № 12. – С. 78.

белгиланган. Гап биринчидан, Европада бир-бирига қарама-қарши турувчи иккита ҳарбий блокларнинг ҳарбийлик даражасини камайтириш тўғрисида, иккинчидан – иқтисодий ва гуманитар соҳада икки тизим давлатларининг ҳамкорлик даражасини кўтариш тўғрисида кетяпти.

3. “Тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро масъулият асосида” социалистик давлатлар ўртасидаги муносабатларни ислоҳ қилиш заруриятига асосланган. Мазкур вазифаларни аниқлаш бир мунча кечроқ, 1989-1990 йилларда Европанинг Марказий ва Шарқий социалистик мамлакатларида шитоб билан олиб борилган ўзгаришлар жараёнида содир бўлди. Ҳозирча эса, Европанинг кўпгина социалистик мамлакатлари бошлиқлари томонидан совет қайта қуришига ўз муносабатини ушлаб турган шароитда, бу қақирувни ВШТ бўйича Совет давлати иттифоқчилари тарафдорлари томонидан Совет Иттифоқининг ўзида қайта қуриш жараёнларини кўпроқ тушунишга қақирув сифатида баҳолаш мумкин эди⁹⁰.

М.С. Горбачев, 1989 йилнинг июл ойида Страсбургда бўлиб ўтган Европа кенгаши парламент ассамблеяси сессияси иштирокчиларига қарата сўзлаган нутқида, СССР ва ғарб шериклари билан битимга эришишга ўтиш шароитида мазкур битимларни амалга ошириш тўғрисида таъкидлаган эди. Бу вақтга келиб Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муносабатларнинг дарз кетиши сабабчиси бўлган, навбатдаги Хельсинки жараёнлари давлат-иштирокчиларининг Вена учрашуви ниҳоясига етганди⁹¹. Шунинг учун совет бошлиғи Страсбургда бўлиб ўтган Европа кенгаши парламент ассамблеясини “вена кун тартиби” доирасида аниқ совет таклифини баён қилиш учун ижтимоий фаолиятини амалга оширишда минбар сифатида фойдаланди. Бундан ташқари, 1989 йилга келиб “умумЕвропа уйи” совет лойиҳасига Ғарбнинг етарлича аниқ реакцияси намоён бўла бошлади. Шунинг учун М.С. Горбачев мазкур лойиҳанинг кейинги амалга ошиши хусусида, совет мақсадлари тўғрисидаги ғарбнинг қатор саволларига жавоб бера олмади.

⁹⁰ Внешнеполитическая и дипломатическая деятельность СССР (апрель 1985 г. – октябрь 1989 г.). Обзор МИД СССР // Международная жизнь. – 1989. – № 12. – С. 80.

⁹¹ 1986-1989 йилларда бўлиб ўтган Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгаш иштирокчи-давлатларининг Вена учрашучи тўғрисида батафсил мазкур бобнинг кейинги бўлимида келтирилган. Бу ерда шуни қайд этиш лозимки, бу учрашувда аввал бошиданок 1989-1992 йилларга мўлжалланган “вена кун тартиби” деб номланган мажмуада Шарқ ва Ғарб ўртасида кенг қўламда ҳавфсизлик муаммолари бўйича, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик тўғрисида, музокараларнинг бошланиши тўғрисида муҳим битимлар келишиб олинган эди.

“Вена кун тартиби” доирасида совет таклифининг умумий ғоялари Европада “Атлантикадан то Ўролгача” умумий бир нечта катта кенгликлар яратишдан иборат эди. Бу катта кенгликлар тагида Европада “Атлантикадан то Ўролгача” давлатлар ўртасида аниқ бир соҳа ҳамкорлиги ривожланишига йўналтирилган, бир томонлама ва кўп томонлама алоқалар тизимини ўрнатиш ҳисобга олинганди⁹².

Совет Иттифоқи учун Европада умумий хавфсизлик тизимини яратиш бўйича чора-тадбирлар мажмуи сифатида тушунилувчи, анъанавий равишда хавфсизлик майдон биринчи ўринда турди. Мазкур соҳада СССРнинг асосий мақсади – “тўхтатиш доктринасидан вазминлик доктринасига” ўтиш бўлди. Совет давлати ва бошқа ВШТ иштирокчи-давлатлари қарама-қарши турувчи икки блокларнинг ҳарбий даражасини камайтириш бўйича аниқ таклифларини ўртага ташлади. Хусусан, Европада “Атлантикадан то Ўролгача” одатий қуролли кучларни камайтириш бўйича музокаралар ташаббуси билан чиқдилар. НАТО ва ВШТ ўртасида иккала иттифокни бир вақтнинг ўзида тарқатиб юбориш энг сўнгги мақсадини сақлаб қолган ҳолда, қарама-қарши бўлмаган муносабатлар моделини топишга асосий эътибор қаратилди. Европа иқтисодий кенг сатҳ майдони - бу бир томондан СИЎЁ, иккинчи томондан ЕХ ва ЕАСТ ўртасида барқарор ҳамкорлик муносабатларни ўрнатиш йўли билан Европада Шарқ ва Ғарб ўртасида иқтисодий ўзаро таъсир моделларини топиш. Ҳамкорликдаги гуманитар кенг сатҳ майдон кенг кўламда инсон ҳуқуқлари ва у билан боғлиқ бошқа масалалар муаммосига Шарқ ва Ғарб муносабатини мувофиқлаштириш имкониятларини топишга мўлжалланганди. Ҳуқуқий ҳамкорлик умумЕвропа ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосида умумий ёндашувларни топишдан бошланиши лозим эди. Бир мунча узоққа боровчи режалар инсон ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчиликни яқинлаштириш истиқболларига тегишли бўлди. Шунинг учун совет бошлиғи ёки махсус ишчи гуруҳини ёки “гуманитар ҳуқуққа таққосланган Европа институтини” тузиш таклифини ўртага ташлади⁹³.

⁹² Кашлев Ю. Б. Общеввропейский процесс вчера, сегодня завтра. – М., 1990. – С. 139.

⁹³ Княжинский В. Б., Купцова И. В., Софийский Н. В., Фокеев Г. В., Юрьева Т. В. Новое политическое мышление и проблемы безопасности и сотрудничества в Европе. – М., 1991. – С. 299.

“УмумЕвропа уйи” совет лойиҳасига Ғарбнинг реакцияси илк вақтларда сергак бўлди. Совет лойиҳасининг концептуал асоси билан шу қадар, амалий чулғаб олиши ҳам энг кўп диққат-эътиборни чақирди. Ғарб давлатларида “Шарк таъсирларини” камайтиришнинг муҳим шарти тезиси кенг қўламда тарқалди. Бу эса социалистик мамлакатларда ички либераллаштишни назарда тутар эди. Ғарбда Европага мувофиқ равишда биринчи даражада қуйидаги масалалар ўртага ташланди:

- социалистик мамлакатларда сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг ортқа қайтмаслик қўлами;

- Европада америка харбий иштирокининг сақланишига СССРнинг муносабати;

- Европада қуролсизлантириш муаммолари мажмуига СССРнинг муносабати.

1989 йилга келиб “умумЕвропа уйи” совет лойиҳасига Ғарб реакциясининг позитив равишда ўзгариши намоён бўла бошлади. СССР томонидан мазкур лойиҳа доирасида қатъиятлик билан баён қилинган тамойиллари, Европада халқаро муносабатлар урушидан кейинги тарихида иккита кескин ўзгариш ясаган воқеаларга бу биринчидан, 1989-1990 йилларда Марказий ва Шарқий Европа социалистик мамлакатларида сиёсий тартиботларнинг ўзгаришига ва иккинчидан, мазкур даврда Германиянинг бирлашиши жараёнининг ички ва ташқи жиҳатлари мажмуига совет бошлиқлари муносабатининг яққол гувоҳи бўлди. Мазкур аниқ вазиятларда совет раҳбарлари орасида мутаассиб оппозиция қаршиликларига қарамасдан, Совет Иттифоқининг “сэйлов эркинлиги” тамойилига амал қилиши, Европада “совуқ урушнинг” тугаши учун дастлабки шарт-шароитларни яратди⁹⁴.

Ғарбда олиб бораётган совет ташқи сиёсатида, СССР ўзининг бошқа ташқи сиёсати йўналишини фаол амалга ошираётган жараёнда ҳам американизмга қарши бир неча маротаба гумонлар пайдо бўлди. Мазкур вазиятларга мувофиқ, Европада 1980-йилларнинг иккинчи ярмида бу гумонлар биринчи галда асослардан маҳрум қилинмаган эди. Бироқ 1989 йилга келиб совет бошлиғи бу масала юзасидан

⁹⁴ Новик Ф.И. СССР и проблемы безопасности и сотрудничества в Европе // Советская внешняя политика в годы холодной войны. 1945-1995 гг. – М., 1995. – С. 43.

Ўзининг позициясини аниқ уқдирди: Европа геосиёсат майдонига тегишли АҚШни (Канада сингари) шубҳа остига қўймадилар. Бундан ташқари, Ғарбий Европада американинг ҳарбий иштироки бўйича Совет Иттифоқининг фикри Европа майдони хавфсизлигининг дахлсиз чегаралари сифатида, Европада оддий курулди кучлар тўғрисида Битим – ЕОҚКБ (қуйида батафсилроқ қаранг) ишлаб чиқишга ва 1990 йил ноябр ойида имзолашга ёрдам берди. Мазкур ҳужжат НАТО ва ВШТнинг бир вақтда мавжуд бўлиши шароитида ҳарбий қарама-қаршилик даражасининг муҳим даражада камайишини назарда тутди ва ҳарбий ҳаракатлар Европа майдонида ҳар иккала томондан қўққисдан амалга ошириладиган кенг қўламдаги ҳужум имкониятини истисно қилди⁹⁵.

“УмумЕвропа уйи” совет лойиҳасининг концептуал ва амалий қисмлари тўла маънода 1980-йилларнинг иккинчи ярмида шакл-шубҳасиз, Европада “совуқ урушга” барҳам беришга ёрдам берди. Ва унинг позитив роли ҳам шундан иборат эди. Бироқ мазкур лойиҳанинг турли ижтимоий тизим давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг кооперацион моделини қуриш каби марказий ғоялари тарихий маҳкумлиқка учради. Шунчаки оддийгина қилиб айтганда, икки тизимдан бири ўзининг ички қарама-қарши кучлари туфайли барҳам топди.

“УмумЕвропа уйи” лойиҳаси Совет Иттифоқи миллий манфаатлари доирасида совет сиёсатида қанчалар мос келиши тўғрисидаги масала, ҳозирги кунгача ҳам тарихчиларининг баҳс-мунозараси муҳитида қолмоқда. М.С. Горбачевнинг тақризчилари, совет раҳбари Ғарбга асоссиз бир томонлама ён берганлигини тасдиқлайдилар. Бу баҳсда баъзан битта асос бўладиган масала назарга олинмайди: ўша вақтларда СССРнинг миллий манфаатлари нималарни ўз ичига олган эди? СССР миллий манфаатлари мазмун-моҳияти бўйича биринчи расмий позиция фақатгина совет Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тайёрланган СССР ташқи сиёсат фаолиятининг иккинчи қисқача умумлаштирилган маълумотида⁹⁶, 1991 йилнинг март ойида эълон қилинганди. Бироқ бу вақтга келиб Совет Иттифоқи

⁹⁵ Договор об обычных вооруженных силах в Европе. Париж, 19 ноября 1990 г. // От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. В 3-х тт. – М., 1996. – Т. 2. – С. 138-147.

⁹⁶ Қаранг: Внешнеполитическая и дипломатическая деятельность СССР (ноябрь 1989 г. – декабрь 1990 г.). Обзор МИД СССР // Международная жизнь. – 1991. – № 3.

учун қабул қилиниши керак бўлган қарорларнинг катта қисми қабул қилиниб бўлган эди.

2.2. 1984-1989 йилларда Хельсинки жараёнлари

Шарқ ва Ғарб ўртасида глобал рақобатчиликнинг кескин кучайиши натижасида юзага келган, Хельсинки (умумЕвропа) жараёнларининг ривожланишида 1980-йилларнинг ўрталарида турғунлик белгилари сезилди. Эслатиб ўтамизки, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгаш Хулоса акти имзолангандан кейин биринчи ўн йиллик, хельсинки жараёнлари ривожланишида иккита энг муҳим кураш белгиси остида ўтди. Европа хавфсизлиги сиёсий ва ҳарбий жиҳатларининг мажмуи бўлган “биринчи сават” СССР учун биринчи даражали муҳимлиликни ўзида ифодалар эди. Ўзининг ички либерализация рағбатлантиришлари интилишлари туфайли Ғарб социалистик мамлакатларида “учинчи саватга” – инсон ҳуқуқлари ва эркинлик асослари масалаларига афзаллигини билдирди.

1980-йилларнинг иккинчи ярмида бу масалаларни ечиш Европа хавфсизлиги “умумЕвропа уйи” совет лойиҳаси доирасида биринчи навбатда СССРнинг янги ёндашувларига ёрдам берди. Шу тарзда, 1980-йилларнинг иккинчи ярмида Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг ривожланишида янги сифатли ўзгариш бошланди. 1980 йилларнинг иккинчи ярмида умумЕвропа жараёнларининг янги сифатининг моҳияти шундан иборатки, ЕХХҚнинг иккала қарама-қарши курашувчи томонлари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилиш механизмларидан бири Ғарб ва Шарққа бўлинувчи, умумий қадриятлар асосида ишлаб чиқилган умумЕвропа ҳамкорлиги универсал механизмига айланиши бошланди.

Бундай ўзгаришларнинг илк белгилари 1984 йил 17 январидан то 1986 йилнинг 19 сентябригача бўлиб ўтган ЕХХҚ Мадрид мандатига мувофиқ, Европада қуролсизланиш ва хавфсизликни ишончли мустаҳкамлаш чора-тадбирлари бўйича олиб борилган Стокгольм конференциясидаёқ намоён бўлган эди⁹⁷. Конференцияда

⁹⁷ См.: Внешнеполитическая и дипломатическая деятельность СССР (апрель 1985 г. – октябрь 1989 г.). Обзор МИД СССР // Международная жизнь. – 1989. – № 12. – С. 80.

Европада ишонч чора-тадбирларининг иккинчи авлодини ишлаб чиқишга муваффақ бўлди⁹⁸. Хусусан, ҳарбий фаолият арафасини маълум қилиш муҳим даражада камайтирилди. Томонлар ҳарбий ҳаракатларни 42 кун олдин маълум қилиш тўғрисида ёки ҳеч бўлмаганда 13 минг киши иштироки билан (1975 йилдаги актга мувофиқ, 25 минг иштирокчи билан 21 кунда) ҳарбий фаолият тўғрисида шартлашдилар. Ҳарбий фаолиятни маълум қилиш бўйича маълумотлар алмашинуви тўғрисида ва тегишли режалар билан мазкур келишувлар ишонч тадбирлари соҳасидаги янгиликлардан бўлди. Барча иштирокчилар томонидан ишонч чора-тадбирларида келишилган текширув методлари спектрини кенгайтиришни бажариш ва амал қилиш Стокгольм конференциясининг эришган муҳим ютуқларидан бўлди. Қуролсизланиш жараёни тарихида илк бор совет бошлиғи – шахсан М.С. Горбачевнинг аралашуви билан – жойларда текширув тамойилларини қабул қилинишига ўтди⁹⁹.

1985-1986 йилларда Стокгольм конференциясига қарши ўлароқ, бошқа махсус ЕХХК иштирокчи-давлатлари учрашувида улар томонидан муҳокама қилинган масалалар бўйича ўзаро маъқул келишувларга эришилмади. 1985 йил 7 май-17 июнда Оттавада бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича экспертлар кенгаши, 1985 йил 15 октябр – 25 ноябрда Будапештда бўлиб ўтган “Маданий форум”, 1986 йил 15 апрел – 26 майда Бернеда ўтказилган Инсонлар ўртасидаги муносабат бўйича экспертлар кенгаши мазкур даврларда мутлақо самарасиз бўлиб ўтди¹⁰⁰.

УмумЕвропа жараёнининг янги сифат босиқичида ҳақиқий портлаш, 1986 йил 4 ноябрида бошланган ва 1989 йил 19 январида ўз ишини якунлаган ЕХХК иштирокчи-давлатларининг Вена учрашувида содир бўлди. ЕХХК тарихида илк бор Хельсинки жараёнларининг учала “саватлари” бўйича яъни ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларида бир вақтнинг ўзида юксалишга эришишга

⁹⁸ Эслатиб ўтамик, ишонч чора-тадбирларининг биринчи авлоди 1975 йилда имзоланган Хельсинки Хулоса актида камраб олинганди.

⁹⁹ 1986 йилгача СССР бошлиғи жойларда текширув тамойилларини мамлакат ички ишларига аралашуви сифатида баҳолаб, миллий техник воситалар асосида текширув тамойилларини қаттиқ туриб маъқуллади. СССРнинг жойларда текширув тамойилларига розилиги, кейинчалик қуролсизланиш бўйича бошқа музокараларга ва битимни имзолашга эришишга ёрдам берди. Хусусан, мазкур текширув тамойили 1987 йилда ўрта ва кам узоқликда учувчи ракеталар тўғрисида икки томонлама совет-америка Битимида ва 1990 йилда имзоланган Европада одатий қуролли кучлар тўғрисидаги кўп томонлама Битимда қайд қилинди.

¹⁰⁰ Загорский А. В. Хельсинкский процесс. Переговоры в рамках Совещания по безопасности и сотрудничеству в Европе 1972–1991 гг. – М., 2005. – С. 239.

муваффақ бўлинди. Стокгольм конференциясидан кейин Вена учрашувининг якунлари иккинчи “умумЕвропа уйи” лойиҳаси соҳасида Европа хавфсизлиги бўйича янги совет ёндашувларида амалий гавдаланишлардан бири бўлди¹⁰¹.

Учала “саватлардан” ҳар бири бўйича юксалиш чоралари турлича бўлиб, Вена учрашуви якунлари тўла маънода ўзаро келишув хусусиятларини ўзида акс эттирди. Бироқ ўзаро келишувнинг кўлами ҳақиқатан ҳам катта таассуротга эга бўлди. Агар шуни эътиборга оладиган бўлсак, 1986 йилнинг ноябр ойида учрашув бошларида яхши натижаларга эришиш хусусида кам башорат қилинган эди. Икки томонлама совет-америка муносабатларида кескинликни юмшатишни вужудга келтириш қийинчиликлари, ўша вақтларда қарама-қаршилик инерциясининг тарқалиши хавфига ва кўп томонлама Хельсинки жараёнларига асос бўлди. Бундан ташқари, Вена учрашуви ишлари жараёнида Шарқ ҳарбий-сиёсий, Ғарб эса гуманитар мавзунини каттиқ туриб маъқуллаган пайтда, олдинги учрашувларнинг боришида ўзини тутиб турган Шарқ ва Ғарб ўртасида “арқон ипни тортиш” амалиёти таъкидланди. Вена учрашуви ишларининг якунида мазкур қарама-қарши амалиётларга барҳам беришга эришилди. 1987 йилнинг декабр ойида ўрта ва кам узоқликка учувчи ракеталарни тугатиш тўғрисида совет-америка Битимининг имзоланиши бутун дунёда ва хусусан, Европада янги мўътадил шароитлар яратилишига замин ҳозирлади¹⁰². 1988 йилнинг бошида СССРда олиб борилган сиёсий ислохатлар, Вена учрашуви муваффақиятларининг анча аҳамиятга эга бўлган бошқа омилларидан бўлди. Польша ва Венгрияда ҳам бу давр қайта қуриш жараёнлари билан ўтди. Бу эса Шарқ ва Ғарб ўртасида ЕХХК “учинчи сават” бўйича анъанавий кескин қарама-қаршиликни бартараф қилишга ёрдам берди.

Шу тарзда Венада нималар тўғрисида келишишга муваффақ бўлинди? Ва “Европа учун вена кун тартиби” нимани ўзида акс эттиради? Мазкур саволларга жавоб бериш учун ЕХХКнинг ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва гуманитар учала “саватлари” бўйича эришилган келишув битимларини кўриб чиқиш зарур.

¹⁰¹ Итоговый документ Венской встречи 1986 года представителей государств-участников СБСЕ. Вена, 15 января 1989 г. // От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. В 3 т. – М., 1996. – Т. 1. – С. 277.

¹⁰² Корниенко Г. М. Холодная война. Свидетельство ее участника. – М., 1994. – С. 189.

Европа хавфсизлиги ҳарбий-сиёсий масалалар - “биринчи сават” бўйича – Венада мураккаб баҳс-мунозаралар ва ўзаро ён беришлар натижасида ягона келишувга эришишга муваффақ бўлинди. Унинг мазмун моҳияти шундан иборат эдики, бир вақтнинг ўзида ўзаро бир-бирига боғлиқ иккита мавзулар бўйича: 1) ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида; 2) Европада оддий қуролларни камайтириш тўғрисида музокаралар олиб бориш. Ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари бўйича биринчи музокаранинг юзага келиши ва давом этиши тартиби ЕХХК иштирокчи-давлатларининг Мадрид учрашувидаёқ келишилган, мадрид мандатига мувофиқ ишлаши зарур эди. ЕХХКнинг 35 та иштирокчи-давлатларининг барчаси бу музокараларни олиб бориши лозим эди. Шу сабабдан бу музокаралар “ўттиз бешта музокаралар” номини олди. Европада оддий қуролли кучларни камайтириш бўйича олиб борилган иккинчи музокара механизми – янги вена мандатига мувофиқ, Вена учрашувида юзага келган эди. Мазкур мандатларга мос равишда Европада оддий қуролли кучларни камайтириш бўйича музокаралар ЕХХКнинг 35 та иштирокчи-давлатларининг барчаси эмас, фақатгина 23 та иштирокчи-давлатлари яъни НАТОнинг 16 та мамлакати ва ВШТнинг 7 мамлакати олиб бориши даркор эди. Шунинг учун мазкур музокаралар “йигирма учта музокаралар” номини олди. “Йигирма учта музокараларда” содир бўлган ишларни, ЕХХК иштирокчи-давлатларининг барчасини хабардор қилиш учун махсус механизм олдиндан назарда тутилган эди¹⁰³.

Европада оддий қуролли кучларни камайтириш бўйича Вена мандати музокаралари Венада юзага келган, аммо бир мунча вақт олдинроқ яъни 1973 йилда бошқа музокара механизмларидан мутлоқа фарқ қиларди¹⁰⁴. У пайтда Марказий Европа чекланган субрегиони тўғрисида ва музокаралар иштирокчиларини чеклаш тўғрисида суҳбатлар олиб борилганди. Энг муҳими, ўша Вена музокаралари ЕХХК доирасидан ташқарида олиб борилди. Оддий қуролли кучлар бўйича олиб

¹⁰³ Загорский А.В. Хельсинкский процесс: Переговоры в рамках Совещания по безопасности и сотрудничеству в Европе 1972–1991 гг. – М., 2005. – С. 241.

¹⁰⁴ 1973 йил 30 октябрда бошланган ва 1989 йилнинг март ойида якунланган Марказий Европада қуролланиш ва қуролли кучларни ўзаро камайтириш тўғрисида келишув муваффақиятсиз натижаларидан қатъий назар янги вена мандатининг ишлаб чиқиш билан боғлиқ Вена музокаралари назарда тутилмоқда.

бориладиган бу галги музокаралар эса, ЕХХК назорати остида ўтиши даркор эди. Қисқартириш ҳудудига - “Атлантикадан то Ўролгача” бўлган барча Европа минтақаси кирди. Музокара иштирокчилари эса –бир-бирига қарама-қарши турувчи ҳарбий-сиёсий иттифоқ - НАТО ва ВШТ таркибига кирувчи барча давлатлар иштирок этдилар. Музокараларнинг мақсади – иккала блокларда энг паст даражада оддий қуролли кучларни барқарор ва ҳавфсиз балансига эришиш. Шу билан бирга иккала блоклар ўртасидаги муносабатларда қўққисдан кенг қўламдаги ҳужумни амалга оширувчи имкониятларга барҳам беришни совуқ урушнинг мақсади этиб маълум қилинди¹⁰⁵.

Вена мандатининг бу энг муҳими асосан иккала блоклар ўртасида ҳужум қилмаслик тўғрисида битимни тайёрлашга бошқача талабномани билдирди. Гап айнан талабнома тўғрисида олиб бориляпти. НАТО ва ВШТ ўртасидаги музокаралардан олдин бўлган барча зиддиятлар аслини олганда Вена учрашувида барҳам беришга муваффақ бўлинди. Шундай қилиб, ВШТ давлат-иштирокчилари оддий қурол-аслаҳалар билан бирга яна 1987 йилда ўрта ва кам узоқликка учувчи ракетаалар бўйича имзоланган битимда назарда тутилмай қолган тактик ядро қуролларини (ТЯК) ҳам музокара мавзусига қўшишни таклиф қилдилар. НАТО давлатлари бу мавзу бўйича музокара олиб боришга розилик бермадилар. Ўзаро муросага келиш сифатида музокаралар мавзуси натижаси ўлароқ, икки томонлама мақсад воситалари қўшилди¹⁰⁶. Шу билан бирга вена мандати музокаралар мавзусига айнан ядро қуролларини киритишни назарда тутмади. Ҳарбий-денгиз кучлари ва кимёвий қуроллар Вена мандатига киритилмаганди. Бундай бир-бирига ўзаро ён беришларсиз битимга эришиш эҳтимолдан анча узоқда эди¹⁰⁷.

Вена мандати бўйича музокараларнинг якуний натижасида “ҳалқаро куч мажбуриятига” эга бўлувчи ҳужжатнинг ишлаши керак эди. Бу ҳам ўз навбатида катта аҳамиятга эга бўлган портлашлардан эди. Аммо ҳанузгача ЕХХК доирасида

¹⁰⁵ Новик Ф.И. СССР и проблемы безопасности и сотрудничества в Европе // Советская внешняя политика в годы холодной войны. 1945-1995 гг. – М., 1995. – С. 44.

¹⁰⁶ Икки томонлама мақсад воситалари – оддий қурол ва ядро зарядлари (артиллерия, тактик зарба авиация) сифатида фойдаланиш мумкин бўлган қурол-аслаҳалар кўринишлари.

¹⁰⁷ Кашлев Ю. Вена. Главная работа – впереди // Международная жизнь. – 1989. – № 4. – С. 90.

имзоланган битимларнинг барчаси юридик хусусият касб этмасдан, балки сиёсий кучга эга бўлиб қолди.

Иқтисодий ҳамкорлик – иккинчи “сават” бўйича – 1990 йилда Боннда Европада иқтисодий ҳамкорлик бўйича махсус конференциянинг ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Европада иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш муаммолари Вена учрашуви якуний ҳужжати умумий режасига киритилди. “Миллий иқтисодий ўсишни жадаллаштиришга мослаштириш структурасини ва ривожланишга имкон берувчи халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасини яратишни рағбатлантиришга” муҳим йўналишлар қайд этилди¹⁰⁸.

1989 йилнинг бошларида Европанинг социалистик мамлакатларида иқтисодий ислохатларнинг истиқболлари ҳали аниқ эмас эди. Шунинг учун Ғарбда ўша вақтларда Европада “Атлантикадан то Ўролгача” умумий иқтисодий майдонни яратиш совет ғоясига ўта шубҳа билан қарадилар. Қай тарзда Ғарбий Европа бозор иқтисодиётини Шарқий Европа иқтисодий режаси билан бирга олиб бориш мумкинлиги тушунарсиз ҳол эди. Бошқа томондан эса, социалистик мамлакатларда “социалистик ҳамкорлик” мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларни “ғоялаштириш” каби ўзларининг ғарбий амалиётига тегишли бўлган мазкур соҳада, Ғарбга нисбатан ўзларининг даъволари бор эди¹⁰⁹. Шунга қарамай иқтисодий масалалар бўйича махсус конференцияни ўтказиш тўғрисидаги келишувнинг ўзи мазкур соҳада бир-бирига мослаштиришга ҳаракатни билдирар эди. Гуманитар ҳамкорлик – “учинчи сават” бўйича – юксалиш айниқса катта аҳамият касб этди.

Вена учрашуви ишларининг бошларидаёқ Совет Иттифоқи Ташқи ишлари вазири Э. А. Шеварнадзе, гуманитар муаммолар мажмуи бўйича ЕХХК махсус конференциясини Москвада ўтказиш фикрини ўртага ташлади. Ўша пайтда ғарб давлатлари бу фикрни катта таажжуб ва шубҳа билан қабул қилдилар. Ғарчи СССР ғарб сиёсатчилари нигоҳида “ёвуз империя” бўлишдан тўхтаган бўлсада, бироқ Ғарб фикри бўйича “инсон ҳуқуқлари пойтахти”га айланишига ҳали анча вақт бор

¹⁰⁸ Итоговый документ Венской встречи 1986 года представителей государств-участников СБСЕ. Вена, 15 января 1989 г. // От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. В 3 т. – М., 1996. – Т. 1. – С. 278.

¹⁰⁹ Гап энг аввало кўкларга кўтарилиб мақталган КОКОМ доирасида капиталистик мамлакатлардан социалистик мамлакатларга қатор товарлар экспортини чеклаш тўғрисида кетяпти.

эди. Дипломатик хизмат соҳасида кўп йиллар фаолият олиб борган элчи Ю.Б. Кашлев бу билан боғлиқ шундай хотираларни ёдга олади: “кўпгина ковоқбошлардан ташкил топган айрим ғарб делегатлари биз билан норасмий равишда “бу бизнинг ҳаётимизда бўлмайди” деб баҳс бойлайдилар”¹¹⁰. Шунга карамай, 1989 йилнинг январ ойида Вена учрашуви ишларининг якунида вазият шу қадар ўзгардики, Вена учрашуви Якуний ҳужжатида “ЕХХК инсоний ўлчовлар” деб номланган бўлим пайдо бўлди¹¹¹. “Кун тартиби, жадвал ва ЕХХК инсоний ўлчовлари бўйича Конференция йиғилишида олиб борилган бошқа ташкилий шартлар” “Европа учун вена кун тартиби” таркибий қисми бўлди. Конференция учта босқичли поғонама-поғона сифатида олиб борилиши назарда тутилган эди. Унинг биринчи босқичи, 1989 йилда Парижда, иккинчиси – 1990 йил Копенгагенда, ва учинчи поғонаси 1991 йил Москвада ўтиши олдинда ўйлаб қўйилган эди.

“ЕХХК инсоний ўлчовлари” концепцияси бўйича келишув “учинчи сават” бўйича “вена ўпирилиши”нинг асосий таркибий қисми бўлди. Хельсинки жараёнлари тарихида илк бор Европанинг капиталистик ва социалистик мамлакатлари инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги масалалар юзасидан бир-бирига мувофиқ позицияга келдилар. Дастлаб Ғарб инсон ҳуқуқлари барча муаммолар мажмуини шахсий ва жамоавий сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларига эътибор қаратдилар. Шарқ мазкур соҳада иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни ишлаб чиқиш билан чегараланди. Вена якуний ҳужжати матнига мувофиқ “инсоннинг барча ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш, инсонлар ўртасида муносабат ва булар билан боғлиқ бошқа гуманитар хусусият касб этган масалалар тўғрисида” ЕХХК иштирокчи – давлатларнинг мажбуриятлари сафатида ЕХХК “инсоний ўлчовлар” концепциясини аниқлади¹¹².

Хельсинки жараёнларининг барча давлат-иштирокчиларинг халқаро ҳуқуқ устунлиги тамойилига амал қилиш мажбуриятлари ЕХХК “инсоний ўлчовлар” концепциясини мовофиқлаштиришда катта аҳамият касб этди. Тўғриси, Вена

¹¹⁰ Кашлев Ю. Б. Общевропейский процесс вчера, сегодня завтра. – М., 1990. – С. 280.

¹¹¹ Итоговый документ Венской встречи 1986 года представителей государств-участников СБСЕ. Вена, 15 января 1989 г. // От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. В 3 т. – М., 1996. – Т. 1. – С. 279.

¹¹² Загорский А. В. Хельсинкский процесс: Переговоры в рамках Совещания по безопасности и сотрудничеству в Европе 1972–1991 гг. – М., 2005. – С. 243.

учрашуви якуний хужжатида “халқаро ҳуқуқ устунлиги” атамаси ишлатилмайди, бироқ ЕХХК доирасида халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятлари билан миллий қонунчилик қоидаларини уйғунлаштириш мажбурияти қайд этилган¹¹³. Бу тарздаги аниқ ифода қилинишлар келажакда ҳам мазкур соҳада суҳбатларнинг давом этиши имкониятини берди. Ишнинг моҳияти шундан иборатки, ўша пайтларда халқаро ҳуқуқ устунлиги тамойили қисман социалистик мамлакатлар томонидан тўла тан олинмади. Бундан ташқари, ўзининг фикр-мулоҳазалари бўйича АҚШ, гуманитар муаммолар бўйича халқаро-ҳуқуқий актларнинг ярмига қўшилмади.

“Европа учун вена кун тартиби” бутунлигича ўзаро фойда асосида турли соҳаларда умумЕвропа ҳамкорлигини фаоллаштириш, битта умумий ғояга бирлашган 10 банддан таркиб топди¹¹⁴. Ва Хельсинки жараёнлари тарихида илк бора бу ғоя – қуруқ сафсата эмас, балки Европада халқаро муносабатларнинг кооперацион моделини қуриш аниқ сиёсати доирасида мажбуриятлардан бири бўлишига умид учқунлари пайдо бўлди.

2 боб бўйича хулоса

- ҳарбий соҳада сиёсий кескинликни юмшатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар “социалистик ҳамкорлик” учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлди.

- ҳарбий-сиёсий соҳада 1976-1983 йиллардаги “евроракета инқирози” Европада блок қарама-қаршилиги кучайишининг тимсоли бўлиб қолди.

- “Евроракет инқирози” Европада ядровий қарама-қаршилик даражасининг сифатли ошиши билан яқунланди. Инқирознинг бундай яқунланиши ғарбий Европада урушга қарши қаратилган ҳаракатнинг оғир мағлубиятига олиб келди.

¹¹³ Итоговый документ Венской встречи 1986 года представителей государств-участников СБСЕ. Вена, 15 января 1989 г. // От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. В 3 т. – М., 1996. – Т. 1. – С. 280.

¹¹⁴ Европада одатий қуролли кучларни камайтириш тўғрисида музокаралар ва ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари бўйича музокаралар, иқтисодий ҳамкорлик бўйича Конференция ва инсоний ўлчовлар бўйича учбосқичли Конференциялардан ташқари қуйидаги чора-тадбирлар режалаштирилган эди: баҳс-мунозараларни тинчлик йўли билан тартибга солиш экспертлар кенгаши (1991 йил 15 январдан то 8 февралгача Валетта); атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича йиғилиш (1989 йил 16 октябрдан то 3 ноябргача, София); Ўрта ер денгизи бўйича йиғилиш (1990 йил 24 сентябрдан то 19 октябргача Пальма-де Майорка); Маълумот форуми (1989 йил 18 апрелдан то 12 майгача); маданий мерос бўйича симпозиум (1991 йил 28 майдан то 7 июнгача). 1992 йилнинг март ойида очилиши режалаштирилган Венада ЕХХКнинг навбатдаги учрашуви “вена кун тартиби” барчаси бўйича юксалишни баҳолаши зарур эди.

- 1970 йилларнинг иккинчи ярми ва 1980 йилларнинг биринчи ярмида содир бўлган Хельсинки жараёнлари Европада халқаро муносабатларнинг доимий омиллари сифатида батамом тасдиқланди. Европа минтақаси учун ягона блоксиз хусусият касб этган бу музокара механизми, инқироз ривожланиши шароитида Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муносабатларда ўзини сақлашга имкон берди.

- ЕХХКнинг блокдан ташқари хусусияти шу билан изоҳланадики, Хельсинки жараёнларида иштирок этган ҳар бир давлат у ёки бу блокнинг аъзоси сифатида эмас, балки мустақил музокарачи бирлик сифатида қатнашди.

- Европада капиталистик ва социалистик субрегионал қисмларга бўлиниши туфайли интеграцион жараёнлар фақатгина субрегионал асосидагина ривожланиши мумкин.

- Шарқий Европада интеграцион жараёнлар “социалистик ҳамдўстлик”нинг мустаҳкамланиши талаблари остида ривожланди.

- “Социалистик ҳамдўстлик” мамлакатларининг расмий ва норасмий сиёсий механизмларини ўзаро мувофиқлаштиришнинг тўла бирикуви, унга Ғарб муносабатида доимий “ягона фронт” бўлиб киришишга имкон берди.

- 1970-йилларнинг иккинчи ярми – 1980 йилларнинг биринчи ярмида Европа иттифоқига ҳаракат фаолият кўринишада эмас, балки асосан ғоялар асосида юз берди. 1972 йилдаёқ ЕИ нинг сиёсий луғатида киритилган “Европа иттифоқи” тўғрисидаги тушунча, мазкур даврда аниқ қиёфани ташкил этмади.

- Европа парламентида сайлов тўғрисида тўғридан-тўғри умумий овоз бериш қарори сиёсий интеграциянинг ҳақиқий ютуғи бўлди.

3 БОБ. ЕВРОПА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ ГЕОСИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР

3.1. 1980-йиллар ва 1990-йиллар оралиғида Европада сиёсий ўзгаришлар

1980-йиллар ва 1990-йиллар оралиғида Европада содир бўлган ўзгаришлар, мазкур минтақада геосиёсий, геостратегик, ва геоиктисодий хусусиятларни тубдан ўзгартирди. Бу “минтақавий инқилобда” учта жараён ҳал қилувчи рол ўйнади:

- 1980-йиллар ва 1990-йиллар оралиғида Марказий, Шарқий ва Жанубий-Шарқий Европа мамлакатларида сиёсий тартиботларнинг ўзгариши;

- 1949 йилда қабул қилинган ФРГ Конституцияси асосида 1990 йилда Германиянинг бирлашиши;

- Европа уюшмасининг сифатли янги роли учун дастлабки шарт-шароитларни юзага келтириш йўлида, Европанинг барча минтақаси учун халқаро муносабатлар тизимида 1980 йилларнинг иккинчи ярмида бошланган Ғарбий Европа интеграция жараёнларининг янги босқичи.

- 1980-1990-йилларда Марказий, Шарқий ва Жанубий-Шарқий Европа мамлакатларида сиёсий тартиботларнинг ўзгариши, мазкур жараёнларнинг асосий кўпчилик воқеалари қон тўқилмасдан – қуролли кучлардан фойдаланмасдан ўтганлиги боис баъзида “ёқимли инқилоб” даври деб номланади. 1989 йилнинг биринчи ярмида социализмдан ғарбий моделга ўтиш ҳаракатларининг ривожланиши дастлаб Польша ва Венгрияда бошланди. Кейинчалик, 1989 йилнинг иккинчи ярмида бу ўзгаришлар Чехословакияни, ГДР, Болгария ва Руминияни чулғаб олди. Европанинг шарқида сиёсий тартиботларнинг ўзгариши тарихида ўша пайтларда Югославия Социалистик Федератив Республикасини (ЮСФР) алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. 1990-1992 йилларда коммунистик бўлмаган кучларнинг ҳокимият тепасига келиши, олтита югославия республикаларидан учтасида қонли фуқаролик урушларига тортилиб, Федерациянинг қулаши даври билан мос келади.

1989 йилнинг апрел ойида “Бирдамлик” оппозицион ҳаракатининг расмийлаштирилиши Польшада сиёсий ўзгаришларнинг илк белгиларидан бўлди.

Ўша йилнинг ёзида бўлиб ўтган парламент сайловларининг натижалари кўра Сенатда 100 ўриндан 99 тасини ва Сеймда 460 ўриндан 162 тасига эга бўлган “Бирдамликнинг” тўла ғалабаси билан яқунланди. Натижада оппозиция раҳнамоларидан бири Т. Мазовецкий бош вазир этиб тайинланди. Унинг ҳукумати тез орада мамлакатда бозор ислохотларини олиб боришга киришди, бироқ ВШТ таркибида Польшанинг аъзолиги масаласи ҳозирча ечилиши зарур бўлган масалалар қаторига киритилмади. 1990 йилда В. Ярузельский муддатидан олдин Польша президентлиги лавозимидан кетганидан кейин, унинг ўрнига “Бирдамлик” раҳнамоси Л. Валенса сайланди¹¹⁵.

1970 йилларнинг бошида Венгрия социалистик ишчи партияси ҳукумати давридаёқ Венгрияда иқтисодий ислохотларга киришилди. Бироқ ўша пайтда улар ислохотни хўжаликни бошқаришни социалистик тизими доирасида олиб бордилар ва иқтисодий вазиятларнинг яхшиланиши бўйича муҳим натижаларни бермади. Венгрияда 1989 йилдан бошлаб, эндиликда “аксилинқилобий ғалаён” сафатида эмас, балки Сталин томонидан ўрнатилган тизимга қарши “халқ кўзғолони” сифатида талқин қилинаётган, 1956 йилда бўлиб ўтган воқеаларни қайтадан баҳолаш ҳаракатлари бошланди. Ягона ҳукмрон партия тартиботларига қарши норозилик оммавий намойиши вазиятида, 1990 йил март-апрел ойларида бўлиб ўтган сайловлар оппозиция иштирокчилари билан бирга кўп партиялилик асосида ўтказилди. Венгрия демократик форуми ва Эркин демократлар иттифоқи яширин ички партиялари етакчи ролни ўйнаган коммунистик кучлар ғалабани кўлга киритдилар. Ҳокиямитга келган правоцентрист оппозицияси раҳнамоларидан бири Й. Анталл мамлакатнинг янги ҳукуматини бошқарди. Польша оппозициясидан фарқли ўлароқ, венгрия оппозициясининг айрим арбоблари 1989 йилнинг ёзидаёқ мамлакатнинг ВШТ таркибидан чиқиши тўғрисидаги масалани ўртага ташладилар.

ГДРдан ГФРга эркин чиқиш муаммоси ГДРда оммавий ҳукуматга қарши чиқишларнинг бошланиши учун сабаб бўлиб хизмат қилди. 1989 йилнинг сентябр ойига келиб ГДР фуқароларининг ГФРга қочиши оммавий хусусият касб этди. ГДР

¹¹⁵ Краткая история Польши. С древнейших времен до наших дней. Ответственный редактор доктор исторических наук В. А. Дьяков – М.: Наука, 1993. – С. 405-408.

рахбари Э. Хонеккернинг мазкур масалаларга давлат сиёсатини қайтадан қўриб чиқишдан бош тортиши, охир-оқибат унинг истеъфога чиқишига сабаб бўлди. Партия ва давлатнинг янги рахбари айрим иккиланишлардан ва совет бошлиғи томонидан қўллаб-қувватланиши тўғрисидаги ваъдасини олганидан кейин, 1989 йил 9 ноябрда ГДР ва ГФР ўртасида чегараларнинг очилганлиги тўғрисида эълон берди. Натижада ўша куннинг ўзида ҳар иккала томондан Берлиндан ажратиб қўйилган хурсанд бўлган халқ Берлин деворларини бузишга киришдилар. Кўп партиялилик асосида 1990 йилнинг март ойида бўлиб ўтган парламент сайловларида 1949 йил ГФР Конституцияси асосида ГФР таркибига ГДРга кирувчи тарафдорлар - ўнг партия ғалабани қўлга киритдилар. 1990 йил баҳорига келиб Германиянинг бирлашиши учун ички дастлабки шарт-шароитларнинг ўзи етарлича аниқ маъно касб этди.

1989 йилнинг 17 ноябрида қайта қуришни қўллаб-қувватлаш шиори остида чиққан талабаларнинг намоёйиши полиция томонидан тарқатиб юборилиши, Чехословакияда сиёсий ўзгаришларнинг бошланишига турки бўлди. “Хартия-77” машҳур ҳуқуқни ҳимоя қилиш гуруҳлари таянчида “Фуқаролик форуми” бир мунча кенг оппозиция уюшмаси пайдо бўлди. 1989 йил декабрида мамлакат президенти этиб сайланган машҳур чех муртади В. Гавел оппозиция бошлиғи бўлди. Бу пайтда илгариги Чехославакия бошлиғи Г. Гусак истеъфога кетди. 1990 йил июн ойида бўлиб ўтган парламент сайловларида бутун мамлакат бўйича “Фуқаролик форуми” тарафдарлари ғалабага эришди. 1968 йил “Прага баҳори” тимсоли бўлган ва сиёсат майдонига қайтган А. Дубчек парламент раиси лавозимини эгаллади.

Болгарияда ички сиёсий тартиботларнинг ўзгариши янги ҳукмрон намоёндаларнинг шу қадар кескин сиёсий тус ўзгаришига дастлаб ташқи хусусият касб этмади. 1989 йилнинг ноябр ойида халқ норозилиги намоёйиши тўлқинида Болгария компартияси бошлиғи Т. Живков истеъфога кетди. Бироқ 1990 йилнинг ёзига қадар илгаригидек коммунистлар ҳокимият тепасида қолдилар. 1990 йил июлида оммавий халқ чиқишлари ва иш ташлашлари натижасида оппозицион Демократик кучлар иттифоқи Болгария ҳокимиятини қўлга киритдилар, унинг бошлиғи Ж. Желев эса мамлакат президенти бўлди.

Руминияда - мамлакатда ягона Европа “социалистик ҳамкорлиги” 1989 йилнинг охирларида Н. Чаушески тартиботи тарафдорлари ва душманлари ўртасида қуролли тўқнашув ҳокимият ўзгариши характерини олди. Аслини олганда Руминия диктаторининг қўлида қурол билан фақатгина уни шахсий армияси ва махсус хавфсизлик полицияси ҳимоя қилди холос. Мунтазам армия эса кўзғолончилар тарафига ўтди. Н. Чаушески ва унинг хотини Елена муваффақиятсиз қочиш уринишидан кейин қўлга тушди ва қамоққа олинди. Шошилинич равишда ва расман амалга оширилган суд иш тартибларидан кейин Марказий ва Шарқий Европада мисли кўрилмаган даражада сиёсий тартиботларнинг ўзгариши воқеаси билан отишга ҳукм қилинди. Н. Чаушеску ички руминия компартиясининг энг муҳим муҳолифларидан бўлган И. Илиеску бошчилигидаги Миллий қутқариш фронти мамлакат ҳокимияти тепасига келди. Мамлакатнинг янги бошлиғи ҳукумат ваколатини расмийлаштириш бир мунча кечроқ, 1990 йил май ойида бўлиб ўтди. Президент сайловларида у ишончли ғалабани қўлга киритди.

Югославия Федерациясининг тузилишини касб этган Югославия коммунистлар иттифоқи парчалангандан кейини 1990 йилнинг ёзида Югославия Социалистик Федератив Республикасида (ЮСФР) сиёсий ўзгаришлар жараёни бошланди. Бир йилдан кейин 1991 йилнинг ёзида Словения ва Хорватия ўз мустақиллигини эълон қилдилар, ўша йилнинг кузида келажакда Босния ва Герцеговинанинг Югославия Федерацияси таркибидан чиқиши белгилари пайдо бўлди. 1991 йилнинг ёзидаёқ Словения ва Хорватияда мунтазам югославия армиясининг бир қисми ва маҳаллий республика милицияси ўртасида қуролли тўқнашувлар бошланди.

Сиёсий ўзгаришларда плюралистик демократиянинг ўрнатилишини асосий шиор қилиб олган ва “битта-ягона ҳукмрон партия” тартиботларидан воз кечиш бўлган Марказий Шарқий Европа давлатларидан фарқли равишда, Югославияда миллатчилик ва сепаратизм шиорлари биринчи даражали аҳамиятга эга деб қаралди. Барча Югославия республикаларида аралашган аҳолининг этник таркиби – “тарқоқ ер” ўзининг этник уруғи –Югославия Федерациясида миллатни белгилаб олиш мураккаб жараёнлигини олдиндан аниқлаб олди. Ҳеч ким республика

таркибида миллат титули деб номланувчи номни қабул қилувчи “миллий озчиликка” айланишни ҳохламади. Бунинг натижасида фақатгина олти югославия республикаси иттифоқи “суверенитетлар намоиши” эмас, айрим иттифок республикалари ҳудудида вужудга келган “ўз-ўзидан эълон қилинган республика намоиши” эди. Шунга ўхшаш воқеа Хорватия ҳудудида бўлиб ўтди. Серблар истиқомат қилувчи Хорватия ҳудудида ўзларининг қўшниси бўлган Сербия таркибига киришни ҳохлаган Сербска Крайна Республикаси давлат тузилишини барпо қилдилар.

Югославия “социалистик ҳамкорлик”дан ташқарида бўлгани учун ўша пайтда “ҳеч кимнинг” таъсир зонасида эмас эди. Европада халқаро муносабатларнинг биполяр тизимида талашувчи иккита қутблардан биронтасида ҳам ўз вақтида эътиборга жалб қилинмади. 1991 йилнинг охирига қадар ЮСФР расман ягона давлат деб ҳисобланган ва суверен давлатнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилига мувофиқ ҳаракат олиб борганлар. 1991 йилнинг декабрида Европа уюшмаси СССР қулаганидан кейин тез орада Словения ва Хорватияни мустақил давлатлар сифатида тан олиш тўғрисида қарор қабул қилади. Ички давлат қарама-қаршилиги шу тарзда бир талай далайларида зиддиятларга айланди. Биполяр тизимидан кейинги биринчи ўн йиллик бу зиддиятларни бартараф қилишга кетди. Бироқ бу энди бошқа тарих.

Албания ҳаммадан кейин ўзгаришлар жаарёнига кирди. 1968 йил ВШТ таркибидан чиққанидан кейин, бу мамлакат 1990 йилларнинг бошларига қадар халқаро вазиятда ўзи яққаланиб қолган эди. 1980-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Албанияда ички инқироз кучайди. 1985 йилда вафот этган ўзгармас албан лидери Э. Хожининг вориси Р. Алия 1991 йилда умумий ялпи овоз бериш йўли билан сайлов ўтказишга аҳд қилди. Бироқ сайловнинг амалга оширилиши ҳам мамлакатда ички вазиятни барқарорлаштиришнинг муҳим омили бўла олмади. Аксинча биринчи биполяр тартиботидан кейинги ўн йиллик охирларига қадар Албанияда кучли ички инқироз даври давом этди. Шунга қарамасдан, айнан 1991 йилда мазкур мамлакатда халқаро яққаланиш даври тугади. 1991 йил 19 июндан Албания Хельсинки жараёнларининг расмий иштирокчисига айланди.

1980-йиллар ва 1990 – йиллар вақт чегарасида Марказий, Шарқий ва Жанубий-Шарқий Европа давлатларида содир бўлган барча ўзгаришлардан, “социалистик ҳамкорлик” давлатларида сиёсий тартиботларининг ўзгариши Европада халқаро муносабатларга катта таъсир кўрсатди. Тўрт йилдан кўпроқ вақтда ўзгариш босқичига кирган Совет Иттифоқидан сал кейин Европа социалистик мамлакатлари чуқурроқ қайта ўзгаришни олдиндан бошлаб юбордилар. 1990 йилнинг ёзига келиб қарийиб ҳамма жойда СССРдагидек “социализмни ислоҳ қилиш” тўғрисида эмас, балки плюралистик демократия ва бозор иқтисодиёти каби ғарб қадриятларини эргаштириб “Европага қайтиш” тўғрисида гап борди. Бу вақтда Марказий Европа давлатларининг ўзига хос умумий цивилизация ғоялари бўлган “Ораликдаги ёки Ўрта Европа” деб номланган ғоя иккинчи туғилиш хусусиятини касб этди.

СССРдан ўзларини аниқ олиб қочиши Марказий ва Шарқий Европа давлатлари ўзини-ўзи тенглаштириш мураккаб жараёнларининг иккинчи томони бўлди. Мазкур давлатларда коммунистик бўлмаган кучларнинг ҳокимият тепасига келишига қарамасдан, бир қатор вазиятларда антикоммунистик кучлар ҳам, совет бошлиқлари тўла маънода “янги сиёсий фикрлар” доирасида баён қилинган эркин сайлов тамойилларига амал қилдилар ва мазкур давлатлар ички ишларига аралашмадилар. Бундан ташқари, айнан 1989 йилнинг декабр ойида совет бошлиқлари аслини олганда “Брежнев таълимоти”ни инкор қилганлигини расман эълон қилдилар. Бу ишларнинг барчаси ВШТ таркибига кирган бешта мамлакатларга ва 1968 йил август ойида Чехословакияга қўшинларининг хато киртилганлигини тан олиш шакли сифатида амалга оширилди¹¹⁶.

Шу аснода, 1990 йилнинг ўрталарида “социалистик ҳамкорлик”нинг қулаши учун дастлабки шарт-шароитлар юзага келди. 1991 йил январ ойида Вильнюс ва Ригада бўлиб ўтган воқеалар қулаш жараёнларини тезлаштирди. Бу иккала болтиқ пойтахтларида амалга оширилган оппозиция чиқишларини бостириш учун мунтазам совет қўшинидан фойдаланилди¹¹⁷. Айна ўша вақтда, 1991 йил январида Венгриянинг Вишеград шаҳрида тўпланган Венгрия, Польша ва Чехословакия

¹¹⁶ Горбачев М. С. Как это было. – М.: ВАГРИУС, Агентство «ПЕТРО-НБИОС», 1999. – С. 179.

¹¹⁷ Верт Н. История Советского государства. 190-1991. – М.: ИНФРА-М, Издательство «Весь мир», 1998. – С. 522

бошлиқлари илк маротаба расман ВШТни тарқатиб юбориш тўғрисидаги масалани ўртага ташладилар (ВШТнинг тарқатиб юборилиши тўғрисида батафсил қуйида келтирилган). Шундай қилиб, 1991 йилнинг декабр ойида Совет Иттифоқининг кулаши билан ниҳоясига етказилган, биполяр тизимида ички емирилиш бошланди.

Германияни бирлаштириш жараёнлари бир йилдан камроқ вақтни ўз ичига олади. Бу жараёнларнинг бошланишини ГДР ҳукумати бошлиғи иккала герман давлати ўртасидаги чегарани очган кун - 1989 йилнинг 9 ноябрдан деб ҳисоблаш мумкин. ГДР ҳудудида ташкил топган бешта федератив ерлари билан, 1949 йил 23 майида ФРГ Конституциясининг 23 моддасига асосан ФРГ таркибига кирган 1990 йилнинг 3 октябр санаси бирлаштиришнинг сўнгги босқичи ҳисобланади¹¹⁸. Ўша вақтдан эътиборан 3 октябр санаси Германия бирдамлиги куни сифатида тарихга кирди.

Германиянинг бирлашиши жараёнида унинг ички ва халқаро (ташқи) жиҳатларини аниқ ажратиш керак. Иккита ҳужжат бирлашишининг юридик асоси бўлиб хизмат қилди. Биринчидан, (хронологик) – Германия ҳамжиҳатлигини ўрнатиш тўғрисида 1990 йил 31 августда ГДР ва ГФРлар ўртасида имзоланган икки томонлама Битим¹¹⁹. Иккинчидан, 1990 йил 12 сентябрда иккала герман давлатлари – ГДР ва ГФР ва Иккинчи жаҳон урушида ғолиб бўлган тўртта давлатлар Буюк Британия, Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари ва Франциялар томонидан имзоланган, Германия муносабатида батамом тарибга солиш тўғрисида кўп томонлама Битим¹²⁰.

Иккала герман давлатларининг ичида шаклланган дастлабки шарт-шароитлар ва омиллар Германиянинг бирлашишида ички жиҳатларга тегишли бўлди. Парламент сайловларида ГФРга кирган ГДР тарафдорлари ғалабани қўлган

¹¹⁸ Германияни бирлаштирилиши ГФРда амал қилган Конституцияга асосида ГДРнинг ГФРга қўшилиши шаклида содир бўлди. айрим рус тарихчилари “ ГФРга ГДР аншлюс” атамасини ишлатиш мумкин деб ҳисоблайдилар. (қаранг: Ахтамзян А.А. Объединение, или аншлюс ГДР к ФРГ. Части I, II. – М.: МГИМО, 1994). Бошқа тарихчилар бирлашув аншлюс учун характерли бўлган ҳарбий-қуч йўли билан эмас, икки томонлама ихтиёрий равишда содир бўлганлигини эътиборга олиб мазкур атаманинг бу вазиятта мослаб ишлатилишини нотўғри деб ҳисоблайдилар. (Қаранг: Павлов Н.В. Объединение или рассказ о решении германского вопроса с комментариями и отступлениями. – М.: ИПО”Полигран”, 1992. – С. 211).

¹¹⁹ Внешнеполитическая и дипломатическая деятельность СССР (ноябрь 1989 г. – декабрь 1990 г.). Обзор МИД СССР // Международная жизнь. 1991. – № 3. – С. 81.

¹²⁰ Договор об окончательном урегулировании в отношении Германии от 12 сентября 1990 г. // Вестник МИД СССР. – № 19. – 15 октября 1990 г. – С. 15-18.

киритган 1989 йил ноябр ойида бошланган ва 1990 йил март ойида охирига етказилган сиёсий тартиботларнинг ўзгариши, бирлашиш жараёнларининг энг муҳим ички турткиларининг бошланишига олиб келди. ГФР томонидан ГФР канцлери Г. Коль герман бирдамлигига эришишда ўзининг ката ҳиссасини қўшди. 1989 йилнинг ноябр ойидаёқ “Г. Колнинг ўнта банди” сифатида машҳур бўлган ўзининг бирлашиш дастурини эълон қилди¹²¹. Кейинчалик 1990 йил мартдан то августига қадар, ГДР ва ГФР давлат бошлиқлари даражасида бирлашишининг “ички герман” юридик асосини ўз ичига олувчи икки томонлама ҳужжат тайёрланди ва имзоланди. Юқорида таъкидлаб ўтилган ва 1990 йил 31 августда қабул қилинган Германия бирдамлигини ўрнатиш тўғрисидаги икки томонлама Битим якуний расмий ҳужжат бўлди¹²².

Герман бирлашувининг халқаро (ташқи) жиҳатлари Иккинчи жаҳон уруши тугугандан кейин герман масаласи ҳал қилиб бўлмас муаммолардан деб эътироф этилганди. 1989 йилгача Германия билан тинчлик сулҳ шартномаси имзоланмаган эди. Шунинг учун ғолиб бўлган тўртта давлатлар Германия муносабатида ўзларининг ҳуқуқларини ва масъулиятларини сақлаб қолдилар. Бундан ташқари, келажакда бирлашадиган Германиянинг чегараси тўғрисидаги масала қўшни давлатлар Польша ва Чехославакиянинг манфаатларига бевосита ўз таъсирини кўрсатди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, биринчи кезларда, 1989 йил ноябр ойида Германияни қайтадан бирлаштириш ғоясининг энг ашаддий ишқивозларидан бўлган Г. Коль ҳам, мазкур ғоя шу қадар жуда қисқа муддат ичида амалга ошишга муваффақ бўлишини ўйламаган эди. Ғолиб-давлатлар ҳам Германияни бирлаштириш жараёнларини тезлаштиришга унчалик мойил эмас эдилар. Бироқ 1990 йилнинг бошида “бирдамликка интилиш” ички герман майлларининг шиддат билан тобора кучайиши, кўп томонлама герман бирлашуви халқаро жиҳатларини

¹²¹ “Г. Колнинг ўнта бандлари” – 1989 йил ноябр ойида ГФР канцлери Г. Коль томонидан ишлаб чиқилган, Германияни бирлаштириш дастури. Дастур ГФР либерал-демократик моделларига аста-секинлик билан мослашиши мақсадида ГДРда қатор ислохатларни амалга оширишни ва эволюцион йўл билан икала герман давлатларининг бирлашмасини шакллантиришни назарда тутди. Дастурнинг моҳияти шундан иборат эдики, Германияни бирлаштириш жараёнлари Европада парчаланишни бартараф қилиш жараёни билан мувофиқ тарзда бўлиши зарур эди. Кейинчалик 1990 йилда герман Конфедерацияси ғояларидан воз кечилди: ГФРда 1949 йилда қабул қилинган ва амалда бўлган Конституция 1990 йил 3 октябрда Германияни битта федератив давлатга бирлаштиришга асос бўлиб хизмат қилди.

¹²² Последний год ГДР. Игорь Максимычев. Крушение. Реквием по ГДР. Ханс Модров. Взлет и падение. – М., 1993.

мувофиқлаштириш жараёнларини тезлаштирди. Келажакда Германиянинг бирлашиши жараёнлари халқаро назорат остидан чиқиши, ғолиб-давлатларнинг биронтасини ҳам қониқтирмади.

Герман бирлашувининг халқаро жиҳатларини муҳокама қилиш учун 1990 йил феврал ойида, музокаралар тўртта ғолиб-давлатлар билан иккита герман давлатлари билан олиб борилиши зарур бўлган, “4+2” формуласи бўйича музокара механизмлари яратилди. Айни ўша пайтда мазкур формуланинг кўриниши “2+4” сифатида ўзгарди. Таркибий қисм “жойларининг алмашишидан” ГФР ва ГДРлар фойда кўрди. Шу тарзда уларнинг вакиллари аста-секинлик билан музокараларга маълум йўналиш бера бошладилар¹²³.

Герман бирлашуви курилишининг ташқи жиҳатлари муҳокамаси бўйича музокаралар 1990 йилнинг март ойида бошланди¹²⁴. ГФР, ГДР, Франция, СССР, Буюк Британия ва АҚШ вазирлари 1990 йил 12 сентябрда Москвада имзолаган, Германия муносабатида қатъий тартибга солиш тўғрисидаги Битим бу музокараларнинг якуни бўлди¹²⁵. Мазкур ҳужжатлар остида айнан мана шу тартиб асосида имзолар қўйилди. Герман томонининг қаттиқ туриб талаб қилиши бўйича унинг номи пайдо бўлди ва анъанавий шартномалар учун ғолиблар ва мағлублар ўртасида қабул қилишни ҳохламаган “тинчлик сулҳи” деб аниқ ифода этилди. Шунга қарамасдан, Битим Европада Иккинчи жаҳон урушининг якунлари натижасининг юридик расмийлаштирилишининг ниҳоясига етганлигини билдирарди.

1990 йилнинг октябр-ноябр ойларида икки томонлама совет-герман ҳужжатлари имзоланди¹²⁶, булардан 1990 йил 9 ноябрда СССР ва ГФР ўртасида яхши қўшничилик, шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим энг муҳимларидан

¹²³ Павлов Н. В. Объединение или рассказ о решении германского вопроса с комментариями и отступлениями. – М., 1992. – С. 156.

¹²⁴ Олтига давлат-иштирокчиларининг ташқи ишлар вазирлари 1990 йилнинг ичида музокара жараёнига 5 майда Боннда, 22 июнда Берлинда, 17 июлда Польша ташқи ишлари вазирининг иштироки билан Парижда ва ниҳоят, 12 сентябрда Москвада.

¹²⁵ Договор об окончательном урегулировании в отношении Германии от 12 сентября 1990 г. // Вестник МИД СССР. – № 19. – 15 октября 1990 г. – С. 15-18.

¹²⁶ Икки томонлама совет-герман асосида 1990 йил октябр-ноябр ойларида қуйидаги ҳужжатлар имзоланди: Яхши қўшничилик, шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим; фан ва техника, саноат, иқтисодий соҳаларда кенг қўламда ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартнома; Германия ҳудудидан совет қўшинларини режавий олиб чиқиш ва у ерда бўлиш шартлари тўғрисидаги шартнома; СССР ва ГФР ҳукуматлари ўртасида айрим ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида келишув.

бўлди¹²⁷. Мазкур ҳужжатни Совет Иттифоқи бирлашган Германия билан имзолаганди.

Германлар бирлашувининг ташқи жаҳатларига қуйидаги масалалар асосий аҳамиятга эга эди:

- бирлашган Германиянинг чегаралари;
- Бирлашган Германия томонидан агрессиянинг қайтадан бошланмаслигига кафолатлар;
- бирлашган Германиянинг ҳарбий-сиёсий статуси;
- бирлашган Германия ҳудудида ҳориж қўшинларининг бўлиши шартлари.

1990 йил 12 сентябрда қабул қилинган кўп томонлама Битимда (қуйида Битим) мазкур масалалар қуйидагича ҳал қилинди.

1. Бирлашган Германиянинг чегаралари уларнинг бирлашувига қадар мавжуд бўлган ГДР ва ГФР ташқи чегаралари, Битимнинг 1 моддасида мустаҳкамлаб қўйилди. Ғарбий Берлин – Шарқий томони билан бирга бирлашган Германия таркибига кирди. Битимнинг 4 банд 1 моддаси энг муҳим асосий қоида бўлиб ҳисобланадики, “преамбулада (ҳалқаро битимларнинг кириш қисми) Германия Федератив Республикасининг Асосий қонунининг 23 модда иккинчи жумласи ва 146 моддасида” чегарага тегишли Битим қоидаларига қарама-қарши қоидаларни ўз ичига олмаган¹²⁸.

2. Бирлашган Германия томонидан агрессиянинг қайтадан бошланмаслигига кафолатлар шундан иборат бўлдики, бирлашган Германия ҳарбий-сиёсий соҳада ўзига қатор мажбуриятларни олди: ядровий, биологик ва кимёвий қуролларни ишлаб чиқариш, эга бўлиш ва ундан фойдаланишдан воз кечиш; қўшинларининг умумий сонини 3-4 йил ичида 370 минг нафаргача (аниқроғи қарийиб икки бараваргача) қисқартириш. Бу аниқ мажбуриятлар Битимнинг 2 моддасининг

¹²⁷ Внешнеполитическая и дипломатическая деятельность СССР (ноябрь 1989 г. – декабрь 1990 г.). Обзор МИД СССР // Международная жизнь. – 1991. – № 3. – С. 83.

¹²⁸ 1949 йил 23 майда қабул қилинган ГФР Конституцияда ёзиб қўйилган қоидаларда, герман халқининг ҳуқуқларининг амалга ошиши истикболлари тўғрисида, мазкур ҳуқуқлар қайси географик ҳудудда амалга ошиши масаласини аниқланмаган ҳолда “Германиянинг бирдамлиги ва эркинлиги” тўғрисида гап боради. Бу қоидаларнинг изоҳи Иккинчи жаҳон уруши тугагунига қадар унинг ҳудудига кирган Германияга тегишли ёки 1945 йилгача унга бирлаштирилган (СССР, Чехославакия, Польша), бирлашган Германиянинг кейинги ҳудудларига даъво қилиш учун асос бўлиши мумкин.

умумий кўрсатмасида “немис ерида фақат тинчлик бўлади” деб мустаҳкамлаб қўйилди.

3. Бирлашган Германиянинг ҳарбий-сиёсий статуси тўғрисида масаланинг ҳал этилиши Битимнинг 6 моддасига мувофиқ, бирлашган Германиянинг ихтиёрига берилди. Аслида эса бу бирлашган Германиянинг НАТО аъзолигини сақлаб қолганлигини билдирарди.

4. Бирлашган Германия ҳудудида ҳориж қўшинларининг бўлиши шартлари тўғрисида. ГДР ҳудудида қароргоҳларга жойлаштирилган Совет ўз қўшинларини 1994 йилнинг охирида у ерлардан олиб чиқиб кетиши зарур эди¹²⁹. Ғарбий Берлинда ва ГФР ҳудудида жойлаштирилган НАТО давлат-аъзолари қўшинлари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, унда Битимга мувофиқ, бу қўшинлар ГДРдан совет қўшинларини олиб чиқиб кетгунга қадар Ғарбий Берлинда бўлиши мумкин. ГДРнинг илгариги ҳудудидан совет қўшинларини олиб чиқиб кетиш ниҳоясига етганидан кейин, у ерга фақат немис қуролли кучларини жойлаштиришга рухсат берилди. ГДРнинг илгариги ҳудудига ядро қуролларини ва ҳориж қўшинларини жойлаштириш мутлоқ ман қилинди¹³⁰.

Умуман айтганда, 1990 йил 12 сентябрда имзоланган Битим бўйича бирлашган Германия тўла суверенитетга эга бўлди. Германия муносабатида ғолиб-давлатларнинг ҳуқуқлари ва масъулиятларига барҳам берилди. Битим имзо қўйган барча давлатлар томонидан ратификация қилингандан кейин кучга кирди¹³¹.

Германиянинг бирлаштирилиши Европа минтақасида вазиятни муҳим даражада ўзгартириб юборди. ГФР бозор иқтисодиётини ГДР хўжалик тузилишига мослаштириш жараёни ниҳоясига етказилиши билан, келажакда бирлашган Германиянинг иқтисодий нуфузининг ортишига ва бирлашган Германияни тўла маънода Европада иқтисодий гегемон давлатга айланишига имкон берди. Тарихий ёдномалар, XX асрда Европада иккита жаҳон уруши ҳам Германиянинг ташаббуси билан бошланганлигини қайд этади. “Энди эса бирлашган Германияни тийиб

¹²⁹ 1990 йил 12 октябрда имзоланган Германия ҳудудидан совет қўшинларини режавий олиб чиқиш ва у ерда бўлиш шартлари тўғрисидаги совет-герман Битимида бу қоида мазмунни аниқ ифода этилган.

¹³⁰ Ахтамзян А. А. Объединение Германии, или аншлюс ГДР к ФРГ. – М., 1994. – Ч. II. – С. 189-191.

¹³¹ Павлов Н. В. Объединение или рассказ о решении германского вопроса с комментариями и отступлениями. – М., 1992.

туриш” бўйича махфий амалий натижа берадиган кафолатни излаб топишга мажбур қилди. Шу сабаблар бўйича Германияни бирлаштиришнинг халқаро жиҳатлари Германия муносабатида қатъий тартибга солиш Битимини тайёрлашнинг барча даврида давом этган кескин дипломатик курашларнинг асосий омилига айланди.

Бу кескин курашлар бирлашган Германиянинг ҳарбий-сиёсий статуси тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш бўйича айниқса авжига чиқди.

Музокараларнинг дастлабки пайтлариданоқ Ғарбий давлатлар бирлашган Германияни НАТО нинг аъзоси бўлиб қолишини қаттиқ туриб маъқулладилар. Ғарбда Германия қуролли кучларининг Альянс бирлаштирилган ҳарбий тузилишига қўшилишини, бирлашган Германияни ядро қуролига эга бўлмасликка ва герман милитаризмининг туғилишига йўл қўймаслик айниқса амалий усуллардан деб тахмин қилдилар. Бундан ташқари, АҚШ бирлашган Германиянинг НАТОдан чиқиши билан, Европада америка ҳарбий иштирокини сақлаб қолишнинг энг муҳим механизми бўлиб хизмат қилувчи барча блокларнинг барбод бўлишига олиб келишидан хавфсирарди. Америкаликлар эса Европадан кетишни хаёлига ҳам келтирмасдилар. 1990 йил апрел ойида Дублинда ўтказилган Европа кенгаши йиғилишида Европа уюшмаси давлат-аъзоларининг Германияни бирлаштириш бўйича умумий позицияси мувофиқлаштирилди¹³².

Бирлашган Германиянинг ҳарбий-сиёсий статуси бўйича совет бошлиқларининг позицияси 1989 йил ноябр ойи то 1990 йилнинг июлигача ривожланиш чўққисига эришди. Дастлабки пайтларда СССР бирлашган Германиянинг нейтрал статусини қаттиқ туриб маъқуллади, кейин эса бир вақтининг ўзида НАТО ва ВШТ аъзоси бўлиши тўғрисида фикр пайдо бўлди ва охир-оқибат, бирлашган Германияни НАТОга аъзо бўлиб киришига аниқ розилигини билдирди¹³³. М.С. Горбачевнинг бу қарори қатор рус матбуотида

¹³² Дашинев В. От тоталитарной к демократической политике в германском вопросе//Россия и Германия после войны и мира (1946-1995). – М., 1995. – С. 79-80.

¹³³ 1990 йил май ойида “бирлашган Германиянинг ҳарбий-сиёсий статусини эркин сайлаш тўғрисидаги” формула АҚШ президенти Ж. Буш (катта) билан М.С. Горбачевнинг учрашувида келишилган. Бу келишув М.С. Горбачевнинг ГФР канцлери Г. Коль билан 1990 йил июл ойида Архизда (СССР) бўлган учрашувида тасдиқланди.

ханузгача танкидга учрайди, унда муаллифлар СССРнинг миллий манфаатларига мос келмаслигини таъкидлайдилар¹³⁴.

Германиянинг ҳарбий-сиёсий статуси тўғрисидаги масалада қатъий қайсарлик қилиш, ўша пайтда СССРни халқаро майдонда тўла яққалаб қўйишга олиб келиши мумкин эди. Ҳаттоки, ВШТ бўйича унинг иттифоқчилари бирлашган Германияни НАТОга аъзо бўлиш эҳтимолини тахмин қилганди. Чунки ўша пайтларда ВШТ ўзининг ҳаётини яшаб бўлганди. Ўша пайтда Совет бошлиқлари, бирлашган Германиянинг НАТОга кириши билан боғлиқ Европада баланс кучларининг ўзгариши СССР учун номувофиқ зарарини камайтиришни бошқа тарзда амалга оширса бўлади деб ҳисобладилар: иккита бошқача ўзаро бир-бирига боғлиқ жараёнлар билан Германияни бирлаштиришни бир-бирига мослаш орқали: биринчидан, ЕХХКни Европада жамоавий хавфсизликнинг янги тизимини ўзида акс эттирган тузилмага айланиши жараёни билан; иккинчидан, НАТО ва ВШТни кўпинча сиёсий вазифалар билан шуғулланувчи ташкилотга айлантириш жараёни билан. Бу мақсадларга эришиш учун ўша вақтда учта совет ташаббуси ўртага ташланди: Хельсинки жараёнларини институтлаштириш тўғрисида, унинг доирасида оддий қуролли кучларни кенг қўламда камайтириш бўйича битимларни зудлик билан ишлаб чиқиш ва имзолаш тўғрисида ва 1990 йилнинг кузида ЕХХКнинг навбатдан ташқари саммитини ўтказиш тўғрисида¹³⁵.

Бу совет ташаббуслари ғарб давлатлари томонидан ижобий қабул қилинди: ЕХХК навбатдан ташқари саммити 1990 йил ноябр ойида бўлиб ўтди ва оддий қуролли кучларни кенг қўламда камайтириш тўғрисидаги битим ҳам имзоланди¹³⁶. Шу билан бирга Ғарбнинг ишончи шундан иборат эдики, НАТО “бир дюйм ҳам” шарққа кириб бормади, 1989-1990 йилларда бўлиб ўтган СССР билан бўлган музокаралар жараёнида ҳам унинг олий даражадаги вакилларида шу ишонч

¹³⁴ Ахтамзян А. А. Объединение Германии, или аншлюс ГДР к ФРГ. – М., 1994. – Ч. II. – С. 279.

¹³⁵ Загорский А. В. Хельсинкский процесс. Переговоры в рамках Совещания по безопасности и сотрудничеству в Европе 1972–1991 гг. – М., 2005. – С. 284.

¹³⁶ Договор об обычных вооруженных силах в Европе. Париж, 19 ноября 1990 г. // От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. В 3-х тт. – М., 1996. – Т. 2. – С. 148-153; Парижская хартия для новой Европы. Париж, 21 ноября 1990 г. // От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. В 3-х тт. – М., 1996. – Т. 2. – С. 154-158.

сақланиб қолди. Уч йилдан кўпроқ вақт ўтганидан кейин – 1994 йилнинг январ ойида НАТО нинг шарққа кенгайиши тўғрисидаги қарор қабул қилинди¹³⁷.

1980 йилларнинг иккинчи ярмида Ғарбий Европа интеграцияси тарихида икки босқичли ходиса содир бўлди. Биринчидан, учала Европа уюшмаларини ўзгартириш учун интеграцион гуруҳлаштиришда янги тип - Европа иттифоқининг ҳуқуқий асоси яратилди. Иккинчидан, Ғарбий Европада сиёсий қўлланишида расман “мудофаа соҳасида Европа бир хиллиги” тушунчаси киритилди. Бу Ғарбий Европа давлатларининг евроатлантика ҳамкорлиги доирасида мудофаа ва хавфсизлик соҳасида махсус манфаатларнинг намоён бўлишини билдирар эди.

3.2. “Совуқ урушнинг” тугаши ва Европа халқаро муносабатлар тизимида биполяр тартиботининг поёнига етиши

Илмий адабиётларда “совуқ урушнинг” тугатилиши жараёнларининг ўзаро муносабатлари ва Европа халқаро муносабатлар тизимида, фақатгина Европадагина эмас, биполяр (карама-қарши кутб) тартибининг инқирозга юз тутиши тўғрисидаги масала ҳанузгача мунозарага сабаб бўлмоқда. “Совуқ уруш”дан ташқари икки карама-қарши кутблилиқнинг имкони бўлиши мумкинми? Европада шундай феноменга эга бўлиб, тўғриси бу тушунча унча узоқ давом этмади. Худди ўз вақтида, 1988-1991 йиллар оралиғида Европа регионида бир вақтнинг ўзида икки жараён ривожланди. Биринчи жараён – Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муносабатлар тизимида конфронтация яъни карама-қаршилиқ моделидан кооперацияга оид моделга ўтиш – Европада 1988-1990 йилларга тўғри келади. Айнан ўша даврларда икки хил ижтимоий тузум давлатлар ўртасида кооперацион муносабатлар тизими яратилган эди. Иккинчи жараён – 1989-1991 йилларга мувофиқ келадиган “социалистик ҳамкорлик”нинг парчаланиши. Бу жараён иккала карама-қарши курашувчи кутбдан бирининг барҳам топишини, натижада эса, икки карама-қарши кутблилиқнинг йўқолишини олдиндан белгилади. 1989-1990 йиллар оралиғидаги бир жараёндан иккинчисига ўтишдаги хронологик “қатлам” маъно моҳиятни

¹³⁷ Ялтинско-Потсдамская система международных отношений. Холодная война. 1945-1995 г. Дистанционный курс. – М.: Московский общественный научный фонд, 2001. – С. 309.

ўзгартирмайди; “совуқ уруш” тугатилганидан бир йил кейин Европада икки қарама-қарши қутбнинг поёнига етиши юз берди.

Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муносабатлар тизимида қарама-қаршилик моделидан кооперацияга оид моделга ўтиш жараёни Европада кўп томонлама асос сингари, икки томонлама асос сифатида 1988-1990 йилларда содир бўлди. 1988 йилдаёқ иқтисодий жабҳада ҳамкорликдаги кескин ўзгаришлар бошланди. Сиёсий соҳадаги ўзгаришлар бир оз кейинроқ, Хельсинки жараёнлари доирасида бўлиб ўтган Вена учрашувидан кейин яъни 1989 йилда бошланди¹³⁸.

Иқтисодий соҳада 1988 йилнинг июн ойида имзоланган Иқтисодий ўзаро ёрдам кенгаши (ИЎЁК) ва Европа иқтисодий уюшмаси ўртасида расмий муносабатларнинг ўрнатилиши тўғрисида Ҳамкорликдаги декларация Европада ижобий томонга ўзгаришнинг илк намуналаридан бўлди. 1988 йилнинг августида эса СССР ва Европа иттифоқи ўртасида расмий муносабатлар ўрнатилди¹³⁹. Мазкур ҳужжатларнинг имзоланиши Европа иттифоқи ва Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши ўртасидаги муносабатларда “совуқ уруш”нинг поёнига етишининг рамзий ишораси бўлди. Таъкидлаш жоизки, ўзаро ғоявий кўнгилсизликлар туфайли узоқ йиллар давомида иккала иқтисодий иттифок ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш учун тўсиқ бўлди. 1970 йилларнинг ўрталарига келиб, Совет иттифоқи Европа уюшмасинг кейинги фаолияти учун ҳуқуқларини тан олди ва ҳамкорликка тайёр эканлигини маълум қилди. Европа уюшмаси “давлат савдоси билан” мамлакатлари томонидан ҳамкорликдаги ноҳуш ғояларни баҳона қилиб розилик бермадилар. Энди бу ғоявий қарама-қаршиликларга барҳам берилди.

Бир томондан СССР ва иккинчи томондан Европа иқтисодий уюшмаси (ЕИУ) ва Евратом ўртасида икки томонлама савдо, тижорат ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим 1989 йилнинг декабр ойида имзоланган ва 1990 йилнинг 1 апрелида кучга кирди. Шунинг учун Совет иттифоқи ва Европа уюшмаси битими

¹³⁸ Новик Ф.И. СССР и проблемы безопасности и сотрудничества в Европе//Советская внешняя политика в годы холодной войны. 1945-1995 гг. – М., 1995. – С. 82.

¹³⁹ Внешнеполитическая и дипломатическая деятельность СССР (апрель 1985 г. – октябрь 1989 г.). Обзор МИД СССР // Международная жизнь. – 1989. – № 12. – С. 82.

бир-бирига савдода мумкин қадар имконият берди. Бундан ташқари, ҳар томонлама иқтисодий ўзаро таъсирнинг кейинги ривожланишига замин яратди¹⁴⁰.

1989 йил охиридан социалистик давлатларда Марказий Шарқий Европа (МШЕ) сиёсий тартиботнинг ўзгариши муносабати билан, Европа уюшмаси Европанинг мазкур субрегионига алоҳида диққат эътибор қаратдилар. Илк пайтларда – 1989 йилнинг декабр ойида ФАРЕ¹⁴¹ Польша ва Венгрия – иккита давлат, кейинчалик бошқа “социалистик ҳамдўстликда” ислоҳат йўли билан жадаллаштирилган давлатлар ЕУ махсус дастури бўйича ёрдамни қабул қилдилар. Кейинчалик мазкур дастур бўйича ҳаракатлар МШЕнинг бошқа мамлакатларига ҳам тарқалди. 1989 йилнинг декабр ойида Франциянинг ташаббуси билан “социалистик ҳамдўстлик” Европа мамлакатларига ёрдам кўрсатиш нуқтаи назари билан ислоҳатлар олиб бориш – Европа тараққиёт ва тикланиш банкини (ЕТТБ) тузиш тўғрисида яна бир муҳим қарор қабул қилинди. Бир йилдан кейин Парижда тегишли битим имзоланди. 1991 йил апрел ойида эса Лондонда банкнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Ва ниҳоят 1990 йилнинг охирида Европа уюшмаси ЦВЕ мамлакатларига савдода мумкин қадар имкониятлар тақдим қилди¹⁴².

ИЎЁК ва ЕУ асосий иккита иқтисодий иттифоқ ўртасида тўғридан-тўғри алоқанинг ўрнатилишига қарамасдан, 1980 йилнинг охиридан Европада субрегионал асосда ўзаро таъсирнинг янги шакли пайдо бўлади. 1990 йилнинг ёзида турли ижтимоий тизимга тегишли бўлган давлатлар яъни Австрия, Венгрия, Италия, Чехословакия Югославия таркибига кирган “беш томонлама ташаббус” ёки Пентагоналия деб номланган ҳаракат бундай ҳамкорликнинг мисоли сифатида кўрсатиш мумкин. Музокаралар жараёнида Руминия ва Болгария вакиллари қузатувчи давлат сифатида иштирок этдилар. Ташкилотнинг мақсади – сиёсий,

¹⁴⁰ Соглашение между СССР и Европейским экономическим сообществом и Европейским сообществом по атомной энергии о торговле и торговом и коммерческом и экономическом сотрудничестве. 1989 г. // Европейский союз. Прошлое. Настоящее. Будущее. Документы, касающиеся сотрудничества между Европейским союзом и Россией. – М., 1994. – С. 139-145.

¹⁴¹ ФАРЕ – PHARE инглиз сўзининг қисқартмаси бўлиб Poland — Hungary: Assistance for the Reconstruction of the Economy сифатида тушунилади.

¹⁴² Борко Ю. А., Загорский А. В., Караганов С. А. Общий европейский дом: что мы о нем думаем? – М., 1991. – С. 307-308.

ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда субрегионал ҳамкорликнинг янги механизмини яратиш бўлди¹⁴³.

Варшава ташкилоти шартномаси (ВШТ) ва НАТО ўртасидаги муносабатларнинг янги типи тўғрисида сиёсий суҳбат расман 1989 йилнинг декабр ойида, СССР ташқи ишлар вазири Э. А. Шеварднадзе НАТО штаб қароргоҳи жойлашган Брюсселга ташриф буюргандан кейин бошланди. Бу “совуқ уруш” тарихида совет вазирининг НАТО штаб-қароргоҳига илк бор ташрифи бўлди. Бундан кейин 1990 йилнинг биринчи ярмида Альянс штаб-қароргоҳига бир қатор Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларининг юқори амалдорлари ташриф буюрдилар. 1990 йилнинг июл ойида Э. А. Шеварднадзе ва НАТО Бош қотиби М. Вернерлар Москвада НАТО ва ВШТ ўртасидаги муносабатлар тўғрисида музокаралар олиб бордилар¹⁴⁴.

ВШТ ва НАТО ўртасидиги алоқалар доирасида ўша даврда иккала иттифокни ўзгартириш ғоялари аниқроғи уларнинг фаолияти алоҳида урғу берилган ҳарбий-сиёсий акцентдан асосан сиёсий соҳаларга ўтказиш муҳокама қилинди.

Бу хилдаги ўзгаришга катта тайёргарлик иккита “турли хил йўналтирилган” сабаблар бўйича ВШТда намоён бўлди. МШЕ давлатларининг кўпчилиги 1990 йилнинг ёзига келиб, Ғарб билан ташқи сиёсат соҳасида ўз йўналишларининг ўзгариши жараёнларига киришди. Бунинг натижасида ВШТ фаолиятини биринчи навбатда унинг ҳарбий ташкилотини қисқартиришни тезлаштириш ҳаракатлари олиб борилди. Совет давлати бошлиқлари ВШТ ва НАТОни бир вақтнинг ўзида тарқатиб юбориш тўғрисида эски совет ғоясини амалга ошириш мумкин бўлган шароитда, Европада жамоа хавфсизлиги тизими янги тузилишини бош ижро этувчи ЕХХКни ўзгартириш жараёнини тезлаштиришга ўзларининг эътиборларини қаратдилар. Бунинг натижасида 1990 йилнинг июн ойида ВШТ йиғилишида қабул қилинган, ВШТ фаолияти ва вазифаларни қайта кўриб чиқиш ўзаро келишув қарори иши бошланди.

¹⁴³ Кашлев Ю. Б. Общевропейский процесс вчера, сегодня завтра. – М., 1990. – С. 287-288.

¹⁴⁴ Внешнеполитическая и дипломатическая деятельность СССР (ноябрь 1989 г. – декабрь 1990 г.). Обзор МИД СССР // Международная жизнь. – 1991. – № 3. – С. 84.

Тез орада бўладиган энг муҳим ўзгаришларнинг умиди ўша пайтда ғарбий Европа сиёсатчиларининг айрим ташаббусларига боғлиқ бўлди. Франция президенти Ф. Миттераннинг Европада “Атлантикадан Ўролгача” Европа конфедерациясини тузиш тўғрисидаги ташаббуси энг катта таъсир кучига эга бўлди. Бу келажакда Европада хавфсизлик тизими бўйича француз қараши эди¹⁴⁵.

Ўз навбатида НАТО, ўзининг ҳарбий тузилишини қайтариш муносабатида ўта вазмин ҳолатда турди. 1990 йил июл ойида НАТО саммитида қабул қилинган “Шимолий атлантика иттифоқини ўзгартириш тўғрисидаги Лондон декларацияси” ҳам блок фаолиятининг сиёсий таркибий қисмини кучайтириш тўғрисидаги ҳолатни ўз ичига олди. Альянс мазкур йўналиш доирасида “Европада барча халқлар билан янги ҳамкорликни” ўрнатиш мақсади тўғрисида эълон қилди. “Совуқ уруш” йилларида НАТОнинг собиқ рақиблари Шарқий Европа мамлакатларига Альянс “дўстлик қўлини” чўзди. Шунга қарамай Декларациянинг мазмуни НАТОнинг ҳарбий тузилиши истикболи тўғрисида эмас, балки бир мунча оддий, яъни Европада хавфсизлик муҳитининг ўзгариши муносабати билан Альянснинг ҳарбий кучини қисқартириш вазифасини ҳал этиш тўғрисида эди. Янги Европа амалийлигига НАТОнинг мослашиши бўйича ташкил этилган қарор бир оз кечроқ, ВШТ тарқатиб юборилганидан кейин қабул қилинди¹⁴⁶.

Ўша даврда НАТО ва ВШТ ўртасидаги муносабатларда оддий қуролларни қисқартириш тўғрисидаги масала марказий ўринни эгаллади. Мазкур масалаларнинг муҳокамаси 1989 йил 6 мартда ЕХХК вена мандати билан боғлиқ равишда бошланган “23-музокаралар” доирасида олиб борилди. Уларнинг натижаларига кўра ҳал қилиш даражаси иккала блок ўртасида муносабатларнинг кейинги хусусиятига боғлиқ бўлди.

М.С. Горбачевнинг ғарбий Европага ўта муваффақиятли бир неча марта қилган ташрифларини ўз ичига олган 1989 йилнинг икинчи ярмидан, СССР ва ғарбий Европа давлатлари ўртасида икки томонлама муносабатнинг янги шакли шакллана бошланди. Мазкур вақтда иккала блок ўртасидаги муносабатларда “вена

¹⁴⁵ Дубинин Ю.В. Дипломатическая быль. Записки посла во Франции. – М., 1997. – С. 325.

¹⁴⁶ Новик Ф.И. СССР и проблемы безопасности и сотрудничества в Европе // Советская внешняя политика в годы холодной войны. 1945-1995 гг. – М., 1995. – С. 50.

шиддатини” кенгайтириш ҳаракатига СССР нинг шубҳалилиги ҳисобидан Ғарбда сезиларли равишда ўзгариш содир бўлди¹⁴⁷. М. С. Горбачевнинг шахсий машҳурлиги ўсди. Унинг шарафига Ғарбий Европа пойтахтларида баъзида “Горбимания” деб номланувчи ҳодиса яъни тантанали қабул маросими уюштирилди.

ГФР, Италия ва Франция билан иккки томонлама муносабатлар асоси тўғрисида кенг кўламдаги шартномаларнинг имзоланишига эришилиши, 1990 йилда қарама-қаршиликни аста-секинлик билан бартараф этишга имкон берди¹⁴⁸. Мазкур шартномаларнинг янгилиги шундан иборат эдики, улар қарама-қаршилик асосида эмас иккки томонлама муносабатни ривожлантириш учун сиёсий пойдевор яратди. У ёки бу чора-тадбирларда совет руҳидаги “умумЕвропа уйи” лойиҳасида Европада янги тизим хавфсизлигини қуриш ғояси ўз аксини топди. Шу тарзда, Иккинчи жаҳон уруши давридаёқ Буюк Британия ва Франция билан имзоланган иккки томонлама шартномалар, 1955 йилда Совет Иттифоқи томонидан бекор қилингандан кейин СССР ва Ғарбий Европа ўртасидаги муносабатларда юзага келган носоғлом вазият муҳим даражада яхшиланди. Тўғриси, 1989-1990 йилларда Буюк Британия билан иккки томонлама муносабат асосида кенг кўламдаги шартномаларни имзолашга муваффақ бўлинмади. Шунга қарамасдан, М.С. Горбачев ва британ бош вазири М. Тэтчер ўртасида олиб борилган қатор учрашувлар, иккала мамлакат ўртасида янги ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш йўллари муҳим даражада жадаллаштиришга имкон берди¹⁴⁹.

1990 йилнинг 20-21 ноябрида Парижда бўлиб ўтган ЕХХКнинг иштирокчи-давлатларининг олий даражадаги навбатдан ташқари учрашуви, Европада совуқ урушни бартараф қилиш бўйича кескин ўзгариш босқичи бўлди. Айнан мана шу

¹⁴⁷ Горбачев М. С. Размышления о прошлом и будущем. Изд. 2-е. – СПб.: Санкт-Петербургское отделение Горбачев-Фонда, 2002. – С. 186.

¹⁴⁸ 1990 йилнинг ноябр ойида ФРГ билан дўстона қўшничилик муносабатлари, шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома, фан ва техника, саноат, иқтисодий соҳада ҳамкорликнинг кенг кўламини ривожлантириш тўғрисидаги шартнома ва ижтимоий-меҳнат соҳасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. 1990 йилнинг ноябр ойида Франция билан ҳамкорлик ва иттифоқлик тўғрисида шартнома имзоланди. 1990 йилнинг октябр ойида СССР ва Испания ўртасида мазкур шартнома бўйича киёсий ўхшаш қайта ишлаб чиқиш тўғрисида эълон қилинди.

¹⁴⁹ 1990 йилнинг июн ойида М. Тэтчернинг СССРга қилган расмий ташрифи вақтида қуйидаги иккки томонлама ҳужжатлар имзоланди: 1991-2000 йиллар даврига СССР ва Буюк Британия ҳукуматлари ўртасида иқтисодий ва саноат ҳамкорлигини ривожлантириш дастури, СССР ва Буюк Британия маданий марказларини тузиш ва унинг фаолияти тўғрисида ҳукуматлараро битим ва иқтисодиётни бошқариш соҳасида кадрларни тайёрлашда ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича ҳукуматлараро дастур.

учрашув ҳақли равишда “совуқ уруш” тарихида энг сўнгги давр ҳисобланади. Мазкур учрашувда қабул қилинган янги Европа учун Париж хартияси, Йигирма иккита давлатнинг қўшма декларацияси, Европада оддий қуроли кучлар тўғрисидаги шартномалар – келажакда ЕХХҚни Европада жамоавий хавфсизликнинг трансрегионал тузилмасига айланиши учун дастлабки ғоявий, сиёсий, ташкилий ва ҳарбий шарт-шароитларни юзага келтирди¹⁵⁰. Европада “Шарқ” ва “Ғарб” тушунчалари энг олдин пайдо бўлган жўғрофий маъноларга эга бўла бошлади.

Йигирма иккита давлатларнинг қўшма декларациясида¹⁵¹ - НАТО ва ОВДга мувофиқ – мазкур давлатлар “бошқа рақиб бўлиб ҳисобланмайдилар” ва “ҳамкорликнинг янги муносабатларини қурадилар ва бир-бирларига дўстлик қўлини чўзадилар” деб қайд қилинганди.

Ҳамкорликнинг янги муносабатлари тамойиллари фақатгина НАТО ва ВШТ таркибида бўлган “совуқ уруш” бўйича илгариги рақиблар ўртасидагина эмас, ЕХХҚ барча 34 та давлат-иштирокчилари ўртасида ҳам бошқа ҳужжатда яъни Париж учрашуви – Янги Европа учун Париж хартиясида қайд қилинди.

Янги Европа учун Париж хартиясида “Европада қарама-қаршилик ва келишмовчилик даври тугади” дея аниқ таъкидланади. Мазкур ҳужжатда “совуқ уруш” тугаганидан кейин Европада келажакда янги ҳамкорликнинг ўзига хос ғоявий жиҳатини ўзида мужассамлаштирган янги умумЕвропа қадриятлари тантанали суратда эълон қилинди: “инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари асосида қурилган мустақкам демократияга содиқлик; ижтимоий адолат ва барча учун тенг хавфсизлик ҳамда иқтисодий эркинлик орқали тараққий этиш”. Ҳужжатда қайд қилинган бу барча умумий Европа қадриятлари шарҳининг мазмун моҳияти, 1940 йилларнинг охирларидаёқ қайд қилинган ғарбнинг бир талай кўп томонлама имзоланган ҳужжатларида ғарбий либерал демократиянинг анъанавий

¹⁵⁰ Договор об обычных вооруженных силах в Европе. Париж, 19 ноября 1990 г. // От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. В 3-х тт. – М., 1996. – Т. 2. – С. 148-153; Парижская хартия для новой Европы. Париж, 21 ноября 1990 г. // От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. В 3-х тт. – М., 1996. – Т. 2. – С. 154-158.

¹⁵¹ ЕХХҚнинг Париж учрашуви ўтказилишига қадар Германия бирлаштирилган эди, шунинг учун “23 та музокаралар”нинг охириги босқичлари “22 та музокаралар”га айланди, ЕХХҚнинг давлат-иштирокчилари сонининг барчаси 35 тани ташкил қиларди ўша пайтда эса 34 тани ташкил қилди.

кадриятларига айнан ўхшаш. Фақат шу нарса, СССРда социалистик қурилишни сақлаб қолиш учун совет бошлиқларининг тутган йўлида бу кадриятларга қай тарзда амал қилиш мажбурияти тўла тушунарсиз бўлиб қолди.

Янги Европа учун Париж хартияси 1975 йилда Хельсинки Якуний актига кирган Европа хавфсизлига тамойилларини тасдиқлади ва Европада хавфсизлик тизимини қуришда янги йўналишни белгилаб берди. Қитъада воқеларнинг кейинги босқичи учун ЕХХКни институтлаштириш жараёнларига бағишланган хартиянинг бўлимлари энг катта аҳамиятга эга бўлди. Бу атама ЕХХК доирасида институтни ташкил қилишни аниқроғи, доимий асосда ёки юқори даражадаги учрашувлар орасидаги муддатларда фаолият олиб боровчи ишчи органларни билдирар эди. ЕХХКнинг қуйидаги институтлари ташкил қилинди:

- ЕХХК доирасида Хельсинки жараёнларининг барча иштирокчиларига сиёсий маслаҳатлар бериш учун Ташқи ишлар вазирлар кенгаши;

- Ташқи ишлар вазирлар кенгашига тайёргарлик кўриш ва унинг қарорларининг кейинги бажарилишини назорат қилиш учун Катта лавозимли шахслар қўмитаси;

- Прагада ўзининг қароргоҳи билан Котибият;

- Венада ўзининг қароргоҳи билан можароларни олдиндан бартараф қилиш бўйича Маслаҳат маркази;

- Варшавада ўзининг қароргоҳи билан эркин сайлаш бўйича Бюро¹⁵².

ЕХХКни институтлаштиришдан мақсад – Хельсинки жараёнлари доирасида кўп томонлама маслаҳат аҳамиятини ошириш, ЕХХКга Европа хавфсизлиги чақирувларига тез суратларда жавоб қайтириш имкониятини бериш. Доимий фаолият олиб боровчи органлар Европада хавфсизликнинг келажакдаги тизими учун ташкилий асосни юзага келтирдилар.

1990 йилнинг 19 ноябрида Парижда Европада оддий қуролли кучлар тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши натижасида, Европада янги қарама-қаршиликдан кейинги хавфсизлик тизимининг ҳарбий-сиёсий асоси яратилди. 1989

¹⁵² Парижская хартия для новой Европы. Париж, 21 ноября 1990 г. // От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. В 3-х тт. – М., 1996. – Т. 2. – С. 154-158.

йилнинг март ойида Венада бошланган ЕХХКнинг вена мандати бўйича музокараларнинг илк натижаси ўлароқ, мазкур ҳужжат ишлаб чиқилди¹⁵³. Шартномада назарда тутилган Европада оддий қуроли кучларни камайтиришнинг моҳияти шундай қайд қилинади:

1. НАТО ва ВШТ ўртасида оддий қуролланишнинг энг паст даражасида қарийиб тенгликни ўрнатиш;

2. Европада оддий қуролланишнинг ҳужумкорлик потенциалини чеклаш ва тўсатдан ҳужум хавфини минималлаштириш. Оддий қуролланиш даражасига қисқартиришнинг беш тоифасига ҳужум потенциалини асосини ўз ичига олган – танклар, брон машиналар, артиллерия, жанговор самолётлар ва зарбдор вертолётлар тегишли бўлди.

3. Шартномани имзолаган мамлакат-иштирокчиларининг ҳар бири учун қуролланишнинг етарли даражасини ўрнатиш. Бу даража Европада НАТО ва ВШТнинг жами ҳарбий имкониятларнинг 1/3 қисмидан ошиб кетмаслиги зарур эди.

4. Тўсатдан ҳужумни амалга ошириш учун қўшиннинг жойлашиши имкониятларига йўл қўймаслик. Шу муносабат билан қисқартиришнинг барча районлари тўртта регионал зонага тақсимланди. Бундан ташқари, НАТО ва ВШТга алоқадор ҳудудий районларда яна ён томон зонаси жорий қилинди. Бу зоналарнинг ҳар бири учун ўзига хос чеклашлар назарда тутилди.

5. Шартноманинг бажарилиши устидан жойларда инспекция тамоийилларини ўз ичига олувчи назоратнинг амалий тизимини барпо қилиш.

Шартнома муддатсиз ва барча имзолаган давлатлар томонидан ратификация қилиниши лозим эди. Шартноманинг XIX моддаси кейинги шарномаларни тўлдириш имкониятини назарда тутарди. Бу муҳим қоида, шартномага киритилмаган қуроли кучлар шахсий таркибининг умумий сони ва ҳарбий-денгиз

¹⁵³ ЕХХКнинг янги вена мандати бўйича «23 та музокаралар»нинг бошланиши натижасида, 1973 йилда бошланган Марказий Европада қуролланишни ва қуроли кучларни ўзаро камайтириш тўғрисида бошқа вена музокаралари тўхтатилди.

кучлари, оддий куrolли кучлар кўринишлари бўйича музокараларни давом эттириш имкониятини юзага келтирди¹⁵⁴.

1990 йил 17 ноябрда Европада оддий куrolли кучлар тўғрисидаги шартноманинг имзоланишидан икки кун олдин, “35 та музокаралар” доирасида ишлаб чиқилган ишонч чора-тадбирларининг учинчи авлоди бўлган, ишончни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Вена ҳужжати имзоланди. Улар жумласига курукликдаги ва ҳаво-ҳарбий кучлари тўғрисида маълумотлар алмашиш, куrolланиш ва техниканинг асосий тизимини ривожлантириш режалари тўғрисида, ҳарбий бюджет тўғрисидаги ҳужжатлар кирди. Бундан ташқари, ҳарбий хусусият касб этган ҳавфли можаролар муносабатида ҳамкорлиkning янги механизми ва қатор бошқа чора-тадбирлар жорий қилинди¹⁵⁵.

Европада оддий куrolли кучлар тўғрисидаги шартнома ва ишончни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Вена ҳужжати, бу иккала ҳужжатлар шакл-шубҳасиз, Европада ишончининг янги иқлимини вужудга келтирди. Муаммо шунда қайд қилинадики, Европада блок ривожланиши даври поёнига етаётган эди. ВШТ ўзини-ўзи тарқатиб юбориши ва кейинчалик 1991 йилда СССРнинг кулаши, Европада янги ҳарбий-сиёсий вазиятни юзага келтирди. Европада оддий куrolли кучлар тўғрисидаги шартнома СССРнинг ҳуқуқий вориси сифатида Россиянинг ҳавфсизлик манфаатларига тўла маънода жавоб бермади.

ЕХХК доирасида юқори даражадаги Париж учрашувидан кейин назарий жиҳатдан Европада дўстлик асосида иккала тизим давлатлари бирга мавжуд бўлиш имконияти пайдо бўлди. Бироқ 1989 йилнинг кузига келиб, бу ерда охир-оқибат, мазкур минтақада халқаро муносабатларда биполяр тартибининг кулашини олдиндан белгилаб берган “социалистик ҳамдўстлиkning” инқирозга юз тутиши жараёни аста-секинлик билан куч тўплай бошлади.

Европа “социалистик ҳамдўстлиги” емирилишининг илк белгилари Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида сиёсий тартибларнинг ўзгариши натижасида,

¹⁵⁴ Договор об обычных вооруженных силах в Европе. Париж, 19 ноября 1990 г. // От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. В 3-х тт. – М., 1996. – Т. 2. – С. 148-153.

¹⁵⁵ Ялтинско-Потсдамская система международных отношений. Холодная война. 1945-1995 г. Дистанционный курс. – М.: Московский общественный научный фонд, 2001. – С. 332.

1989/90 йилларнинг қиш фаслидаёқ пайдо бўлган эди. Марказий ва Шарқий Европа давлатларининг СССРдан масофани сақлаб туриш бўйича тутган йўли, қачонки Чехославакиянинг янги президенти В. Гавелнинг ташаббусига кўра Вышеград гуруҳи расмийлаштирилганидан кейин 1990 йилда сезиларли даражада кўриниш ола бошлади. “Европага қайтиш” умумий мақсади атрофида бирлашган Венгрия Польша ва Чехославакия учала давлатлари мазкур гуруҳни ташкил қилдилар. ИЎЁК ва ВШТда бу учала мамлакатларга мос позицияни ишлаб чиқиш шунингдек, Европа уюшмасига ва НАТО билан яқинлашиш бўйича ўзаро мос кучайиш гуруҳининг асосий вазифасига кирди¹⁵⁶.

Вышеград гуруҳи давлатларининг позицияси 1990 йил 7 июнда Москвада бўлиб ўтган ВШТ Сиёсий маслаҳат қўмитаси йиғилишида қабул қилинган ВШТни ислоҳ қилиш тўғрисидаги қарорни тайёрлашда катта роль ўйнади. Венгрия мазкур йиғилишдаёқ 1991 йилнинг охирларида бутунлай ВШТда ўзининг аъзолигини тўхтатишни мўлжаллангани учун Варшава шартномаси ҳарбий ташкилотларини ихчамлаштириш тўғрисидаги масалани қўйган эди. ВШТ ҳарбий ташкилотларини ихчамлаштириш тўғрисидаги масалада Польша ва Чехославакия Венгрияни қўллаб-қувватладилар. Натижада ВШТнинг фаолияти ва вазифалари хусусиятини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифларни тайёрлаш учун Вақтинчалик ҳукуматлар ваколати комиссияси ташкил қилинди.

ВШТ ҳарбий тузилишини қисмларга ажратишни тезлаштириш жараёнлари, 1991 йилнинг январ ойида Вильнюс ва Ригада бўлиб ўтган воқеаларнинг таъсири остида содир бўлди. Бу иккала оппозицион қарши ҳаракатларни бостиришда мунтазам совет қўшинларининг иштироки ўша пайтда совет шаҳарларида шок ҳолатига олиб келди. Марказий ва Шарқий Европа давлатлари Вильнюс ва Ригада бўлиб ўтган воқеаларни СССР тажовузкорлигига барҳам берилмаганлигининг гувоҳи сифатида ва ғарбий иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий тузилишига яқинлашиш учун муҳим асос сифатида баҳо бердилар. СССР Вильнюс ва Ригада бўлиб ўтган воқеалардан икки ой олдин Янги Европа учун Париж хартиясига имзо қўйган эди. Шу тарзда янги умумЕвропа қадриятларини ҳурмат қилиш мажбуриятини ўзига

¹⁵⁶ Корниенко Г. М. Холодная война. Свидетельство ее участника. – М., 1994. – С. 307.

олган СССР, “совет империализмининг” туғилишига қарши етарлича кафолатни ҳисобга олмади. Марказий ва Шарқий Европа давлатлари ўзларининг ҳудудида советларнинг ҳарбий иштирокига барҳам бериш ва ОВДни қисмларга ажратиш бўйича тутган йўли такрорланмас хусусият касб этди. Айнан Вильнюс ва Ригада оппозицион қарши ҳаракатларни қурол йўли билан бостирилгандан кейин тез орада унинг кетидан Вышеград гуруҳлари давлатлари ВТШни тарқатиб юбориш тўғрисидаги талаблари эргашди¹⁵⁷.

1991 йил 25 февралда Будапештда бўлиб ўтган ВШТ мудофааси ва ташқи ишлар вазирлигининг йиғилишида ВШТ ҳарбий ташкилотларини тарқатиб юбориш тўғрисидаги расмий қарор қабул қилинди. 1991 йилнинг 1 июлида Прагада бўлиб ўтган ВШТ Сиёсий маслаҳат қўмитасининг йиғилишида Варшава шартномаси ташкилотини бутунлай тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бир неча кун олдин яъни 1991 йил 28 июнида ИЎЁК ўзини тарқатиб юборганлиги тўғрисида эълон қилди. Бундан ташқари, 1990 йилнинг баҳоридан бошлаб, Марказий ва Шарқий Европа ҳудудларидан ВШТ ҳарбий ташкилотлари доирасида ўша жойларда қароргоҳларга жойлаштирилган совет қўшинларини олиб чиқиб кетиш тўғрисида СССР ва қатор Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари ўртасида музокаралар бошланди. 1991 йилда Венгрия ва Чехославакия ҳудудидан совет қўшинлари олиб чиқилди, Польшадан эса СССР қулагандан кейин, 1993 йилда олиб чиқилди. Шунини эслатиб ўтамизки, илгариги ГДР ҳудудидан совет қўшинларини олиб чиқиш Германия муносабатида батамом тартибга солиш билан боғлиқ кўп томонлама ва икки томонлама совет-герман ҳужжатларида олдиндан назарда тутилган эди¹⁵⁸.

Европада биполяр тартиботи қулашининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бир-бирига қарама-қарши курашувчи иккала қутбдан бирининг йўқ бўлиши, ўзидан кейин иккинчи қутбнинг барҳам берилишига сабаб бўлмади. Аксинча, 1991 йилнинг охирларига келиб, Европада хавфсизликнинг марказий

¹⁵⁷ Новик Ф.И. СССР и проблемы безопасности и сотрудничества в Европе // Советская внешняя политика в годы холодной войны. 1945-1995 гг. – М., 1995. – С. 342.

¹⁵⁸ Дашинев В. От тоталитарной к демократической политике в германском вопросе // Россия и Германия после войны и мира (1946-1995). – М., 1995. – С. 82.

тузилишига айланишида НАТОнинг тутган йўли яъни “натомарказлашув”нинг илк белгилари пайдо бўлди. 1991 йилнинг ноябр ойида Римда бўлиб ўтган НАТО саммитида қабул қилинган “Тинчлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги декларация”да, Альянс “Европада янги мустаҳкам тинчлик тузилиши қурилишида яъни Европада ҳамкорлик ва тараққий этишда” асосий роль ўйнайди деган мазмун пайдо бўлди. Ўша пайтда НАТОнинг янги роли қиёфаси умумий тарзда таърифланган эди. Шунга қарамайдан, 1991 йилнинг охирида НАТО деб расмийлаштирилиши Европа иттифоқида коммунистикдан кейинги маконда демократия ва бозор ислохотларини қўллаб-қувватлаш асосий Европа сиёсатларидан бўлди¹⁵⁹.

Ҳанузгача тадқиқот адабиётларида СССР бошлиқларининг Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида совет таъсирининг анъанавий шаклидан шу қадар енгил воз кечишининг сабаблари тўғрисидаги масалалар мунозара қилинади. Қачонки тарихчиларга ҳозирча ёпиқ архивларда ишлаш имконияти пайдо бўлганидан кейингина, мазкур масалалар бўйича ҳаққоний ва узил-кесил муҳокамаларни ечиш имконияти пайдо бўлади. Бугунги кун ҳолати бўйича Бу феномен бўйича ҳақиқий далилларга яқин шу нарса ифодаланадики, ЕХХК асосида жамоавий хавфсизликнинг умумЕвропа тизимини шакллантириш билан боғлиқ. Бундай тизим шароитида, совет бошлиғининг фикри бўйича мутлоқо бошқача мантиқ жорий қилиниши зарур эди: кучлар тенглиги умидидан манфаатлар баланси ҳисобига ва хавфсизлик таъминотининг ҳарбийлашмаган методларига ўтиши зарур эди. Воқеаларнинг кейинги ривожланиши эса кутилган натижаларни бермади.

Европада биполяр тартиботининг қулаши мазкур минтақанинг ғарб томонига геосиёсий ва геоиқтисодий соҳаларида кучли “оғирлик маркази” аралашувига олиб келди. Бошқача қилиб айтганда, Европа шарқ геосиёсат йўналишида ҳарбий-сиёсий таркибий қисмларга ажратиш ва иқтисодий тузилиши шароитида ҳамда СЭВ ва ВШТнинг қулаши муҳитида, Европа уюшмаси қурилиши ва НАТО жипслашуви фаоллашишида, Европа ғарб геосиёсатида жипслашиш содир бўлди.

¹⁵⁹ Ялтинско-Потсдамская система международных отношений. Холодная война. 1945-1995 г. Дистанционный курс. – М.: Московский общественный научный фонд, 2001. – С. 326.

3 боб бўйича хулоса

- 1980 йилларнинг ўрталарига келиб ғоя ва тажрибаларнинг тўла тўпланиши Ғарбий Европада ўн йил ўтгандан кейин сифатли сакрашни амалга оширишга имкон берди. 1993 йилда кучга кирган Европа иттифоқини тузиш тўғрисидаги шартнома, Европада замонавий интеграцион жараёнларнинг бош омили ва ўша йилларда кучайишнинг энг муҳим натижаси ҳисобланди.

- 1980 йилларнинг иккинчи ярмидан СССРда иқтисодий ресурсларнинг камайиши, мамлакатни жаҳон иқтисодиётига тез суръатда интеграциялашувини талаб қилишга ундади. Бу учун айниқса энг маъқул йўл Европа бўлди. Ва ниҳоят, иқтисодий фикр-мулоҳазалар совет бошлиқларини қуролланишни камайтириш жараёнини тезлаштиришга мажбур қилди.

- “Вена кун тартиби” доирасида совет таклифининг умумий ғоялари Европада “Атлантикадан то Ўролгача” умумий бир нечта катта кенгликлар яратишдан иборат эди.

- “УмумЕвропа уйи” совет лойиҳасининг концептуал ва амалий қисмлари тўла маънода 1980-йилларнинг иккинчи ярмида шакл-шубҳасиз, Европада “совуқ урушга” барҳам беришга ёрдам берди.

- Шарқ ва Ғарб ўртасида глобал рақобатчиликнинг кескин кучайиши натижасида юзага келган, Хельсинки (умумЕвропа) жараёнларининг ривожланишида 1980-йилларнинг ўрталарида турғунлик белгилари сезилди.

- 1980-йиллар ва 1990-йиллар оралиғида Европада содир бўлган ўзгаришлар, мазкур минтақада геосиёсий, геостратегик, ва геоиқтисодий хусусиятларни тубдан ўзгартирди. 1980-1990-йилларда Марказий, Шарқий ва Жанубий-Шарқий Европа мамлакатларида сиёсий тартиботларнинг ўзгариши, мазкур жараёнларнинг асосий кўпчилик воқеалари қон тўқилмасдан – қуролли кучлардан фойдаланмасдан ўтганлиги боис баъзида “ёқимли инқилоб” даври деб номланади.

- 1980-йиллар ва 1990 - йиллар вақт чегарасида Марказий, Шарқий ва Жанубий-Шарқий Европа давлатларида содир бўлган барча ўзгаришлардан,

“социалистик ҳамкорлик” давлатларида сиёсий тартиботларининг ўзгариши Европада халқаро муносабатларга катта таъсир кўрсатди.

- 1990 йилнинг ўрталарида “социалистик ҳамкорлик”нинг қулаши учун дастлабки шарт-шароитлар юзага келди. Европа иқтисодий уюшмаси ўртасида расмий муносабатларнинг ўрнатилиши тўғрисида Ҳамкорликдаги декларация Европада ижобий томонга ўзгаришнинг илк намуналаридан бўлди. 1988 йилнинг августида эса СССР ва Европа иттифоқи ўртасида расмий муносабатлар ўрнатилди. Мазкур ҳужжатларнинг имзоланиши Европа иттифоқи ва Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши ўртасидаги муносабатларда “совуқ уруш”нинг поёнига етишининг рамзий ишораси бўлди.

- 1990 йилнинг 20-21 ноябрида Парижда бўлиб ўтган ЕХХҚнинг иштирокчи-давлатларининг олий даражадаги навбатдан ташқари учрашуви, Европада совуқ урушни бартараф қилиш бўйича кескин ўзгариш босқичи бўлди.

- Европада биполяр тартиботи қулашининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бир-бирига қарама-қарши қурашувчи иккала қутбдан бирининг йўқ бўлиши, ўзидан кейин иккинчи қутбнинг барҳам берилишига сабаб бўлмади.

- Европада биполяр тартиботининг қулаши мазкур минтақанинг ғарб томонига геосиёсий ва геоиқтисодий соҳаларида кучли “оғирлик маркази” аралашувига олиб келди.

ХУЛОСА

- Европадаги 1970 йилларнинг ўрталаридан бошланган энергетика, иқтисодий ва технологик талаблар, Европанинг бўлинган иккала қисмида ҳам энергетик, иқтисодий ва технологик омилларга ўзининг таъсир даражасининг ўсишида намоён қила бошлади.

- Шарқий Европа давлатлари билан иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланиши, Ғарбий Европа иқтисодий муаммоларини ҳал қилишнинг муҳим воситаларидан бири бўлди.

- 1970 йилларнинг иккинчи ярми ва 1980 йилларнинг биринчи ярми мобайнида Европанинг социалистик мамлакатлари ўзларининг иқтисодий ва ижтимоий ички тизим муаммоларининг кучайишини намоён қилди.

- 1970 ва 1980 йиллар оралиғида том маънода энергетик, технологик ва иқтисодий омиллар Европанинг бўлинган Шарқ ва Ғарб иқтисодий прагматик алоқаларининг аҳамияти учун чуқур шароит яратди.

- Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка оид йиғилиш асосида шакллланган, ўзининг йўналиши бўйича ягона кўп томонлама музокара механизми бўлган Хельсинки (умумЕвропа) жараёни, Европада кескинликни юмшатишга қарши жиддий қарама-қарши бўлди.

- Хельсинки жараёни доирасида бетараф ва қўшилмаган давлатларнинг (“Н+Н” гуруҳи деб аталган) сиёсий ролининг ўсди. Бу давлатларга блокларнинг кучли қарама-қаршилиги пайтида барча муросаларни қаноатлантирувчи таклифлар беришга муваффақ бўлдилар.

- Европанинг икки қисмга бўлиниши шароитида иккала қарши курашувчи томонлар блок ички вазият ривожланишига йўналтирилган ички рақобатлашаётган блокда ўзлари учун фойдали томонга кучайишини тўхтатмадилар.

- 1970 йилларнинг ўрталарида ўз томонида Совет ҳукумати, Европа капиталистик мамлакатларида “антимонополистик фронт бирлиги” деб номланувчи ҳаракат муваффақиятларига маълум умидларини боғлади.

- 1970-1980 йилларда ҳарбий соҳада Европада икки буюк давлат рақобатчилиги Европада минтақавий ҳарбий-стратегик мувозанат ва СССР ва АҚШ глобал ядро тенглиги ўзаро муносабати тўғрисидаги масала бир мунча мураккаб аҳволда қолди.

- 1970 йилларнинг ўрталарида АҚШ ва Япония билан бир қаторда Ғарбий Европанинг учта жаҳон марказий кучларидан бирига айланишининг ниҳоясига етиши, Евроатлантика ҳамжамиятида асосан янги омиллардан бири бўлди.

- 1980 йилларнинг боши АҚШ ва унинг Ғарбий Европа иттифоқчилари ўртасида Европа мудофаасини таъминлашнинг аниқ услубий жиҳатлари тўғрисидаги ихтилоф аломатлари остида ўтди.

- Шарқ муносабатларида Ғарбнинг умумий манфаатлари “атлантика бирдамлиги”ни мустаҳкамлашнинг ҳал қилув даражасига имкон берди. 1967 йилдаёқ НАТОда қабул қилинган Армелянинг икки вазифадан иборат дастурий маърузаси – социалистик мамлакатларнинг ҳарбий тўхтатилиши ва улар билан олиб бориладиган сиёсий музокаралар тўла маънода ўзининг аҳамиятини сақлаб қолди.

- бутун дунёда ва хусусан, Европада социалистик тизим позицияси марказдан қочиш тенденциясининг турли усуллари заифлаштиришда давом этди.

- ҳарбий соҳада сиёсий кескинликни юмшатиш бўйича қўшимча чоратadbирлар “социалистик ҳамкорлик” учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлди.

- ҳарбий-сиёсий соҳада 1976-1983 йиллардаги “евроракета инқирози” Европада блок қарама-қаршилиги кучайишининг тимсоли бўлиб қолди.

- “Евроракет инқирози” Европада ядровий қарама-қаршилик даражасининг сифатли ошиши билан якунланди. Инқирознинг бундай якунланиши ғарбий Европада урушга қарши қаратилган ҳаракатнинг оғир мағлубиятига олиб келди.

- 1970 йилларнинг иккинчи ярми ва 1980 йилларнинг биринчи ярмида содир бўлган Хельсинки жараёнлари Европада халқаро муносабатларнинг доимий омиллари сифатида батамом тасдиқланди. Европа минтақаси учун ягона блоксиз хусусият касб этган бу музокара механизми, инқироз ривожланиши шароитида Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муносабатларда ўзини сақлашга имкон берди.

- ЕХХКнинг блокдан ташқари хусусияти шу билан изоҳланадики, Хельсинки жараёнларида иштирок этган ҳар бир давлат у ёки бу блокнинг аъзоси сифатида эмас, балки мустақил музокарачи бирлик сифатида қатнашди.

- Европада капиталистик ва социалистик субрегионал қисмларга бўлиниши туфайли интеграцион жараёнлар фақатгина субрегионал асосидагина ривожланиши мумкин.

- Шарқий Европада интеграцион жараёнлар “социалистик ҳамдўстлик”нинг мустақамланиши талаблари остида ривожланди.

- “Социалистик ҳамдўстлик” мамлакатларининг расмий ва норасмий сиёсий механизмларини ўзаро мувофиқлаштиришнинг тўла бирикуви, унга Ғарб муносабатида доимий “ягона фронт” бўлиб киришишга имкон берди.

- 1970-йилларнинг иккинчи ярми – 1980 йилларнинг биринчи ярмида Европа иттифоқига ҳаракат фаолият кўринишада эмас, балки асосан ғоялар асосида юз берди. 1972 йилдаёқ ЕИ нинг сиёсий луғатида киритилган “Европа иттифоқи” тўғрисидаги тушунча, мазкур даврда аниқ қиёфани ташкил этмади.

- Европа парламентида сайлов тўғрисида тўғридан-тўғри умумий овоз бериш қарори сиёсий интеграциянинг ҳақиқий ютуғи бўлди.

- 1980 йилларнинг ўрталарига келиб ғоя ва тажрибаларнинг тўла тўпланиши Ғарбий Европада ўн йил ўтгандан кейин сифатли сакрашни амалга оширишга имкон берди. 1993 йилда кучга кирган Европа иттифоқини тузиш тўғрисидаги шартнома, Европада замонавий интеграцион жараёнларнинг бош омили ва ўша йилларда кучайишнинг энг муҳим натижаси ҳисобланди.

- 1980 йилларнинг иккинчи ярмидан СССРда иқтисодий ресурсларнинг камайиши, мамлакатни жаҳон иқтисодиётига тез суръатда интеграциялашувини талаб қилишга ундади. Бу учун айниқса энг маъқул йўл Европа бўлди. Ва ниҳоят, иқтисодий фикр-мулоҳазалар совет бошлиқларини қуролланишни камайтириш жараёнини тезлаштиришга мажбур қилди.

- “Вена кун тартиби” доирасида совет таклифининг умумий ғоялари Европада “Атлантикадан то Ўролгача” умумий бир нечта катта кенгликлар яратишдан иборат эди.

- “УмумЕвропа уйи” совет лойиҳасининг концептуал ва амалий қисмлари тўла маънода 1980-йилларнинг иккинчи ярмида шакл-шубҳасиз, Европада “совук урушга” барҳам беришга ёрдам берди.

- Шарқ ва Ғарб ўртасида глобал рақобатчиликнинг кескин кучайиши натижасида юзага келган, Хельсинки (умумЕвропа) жараёнларининг ривожланишида 1980-йилларнинг ўрталарида турғунлик белгилари сезилди.

- 1980-йиллар ва 1990-йиллар оралиғида Европада содир бўлган ўзгаришлар, мазкур минтақада геосиёсий, геостратегик, ва геоиқтисодий хусусиятларни тубдан ўзгартирди.

- 1980-1990-йилларда Марказий, Шарқий ва Жанубий-Шарқий Европа мамлакатларида сиёсий тартиботларнинг ўзгариши, мазкур жараёнларнинг асосий кўпчилик воқеалари қон тўқилмасдан – қуроли кучлардан фойдаланмасдан ўтганлиги боис баъзида “ёқимли инқилоб” даври деб номланади.

- 1980-йиллар ва 1990 - йиллар вақт чегарасида Марказий, Шарқий ва Жанубий-Шарқий Европа давлатларида содир бўлган барча ўзгаришлардан, “социалистик ҳамкорлик” давлатларида сиёсий тартиботларининг ўзгариши Европада халқаро муносабатларга катта таъсир кўрсатди.

- 1990 йилнинг ўрталарида “социалистик ҳамкорлик”нинг қулаши учун дастлабки шарт-шароитлар юзага келди.

- Европа иқтисодий уюшмаси ўртасида расмий муносабатларнинг ўрнатилиши тўғрисида Ҳамкорликдаги декларация Европада ижобий томонга ўзгаришнинг илк намуналаридан бўлди. 1988 йилнинг августида эса СССР ва Европа иттифоқи ўртасида расмий муносабатлар ўрнатилди. Мазкур ҳужжатларнинг имзоланиши Европа иттифоқи ва Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши ўртасидаги муносабатларда “совук уруш”нинг поёнига етишининг рамзий ишораси бўлди.

- 1990 йилнинг 20-21 ноябрида Парижда бўлиб ўтган ЕХХҚнинг иштирокчи-давлатларининг олий даражадаги навбатдан ташқари учрашуви, Европада совук урушни бартараф қилиш бўйича кескин ўзгариш босқичи бўлди.

- Европада биполяр тартиботи кулашининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бир-бирига қарама-қарши курашувчи иккала қутбдан бирининг йўқ бўлиши, ўзидан кейин иккинчи қутбнинг барҳам берилишига сабаб бўлмади.

- Европада биполяр тартиботининг кулаши мазкур минтақанинг ғарб томонига геосиёсий ва геоиқтисодий соҳаларида кучли “оғирлик маркази” аралашувига олиб келди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарлари

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Каримов И. А. Асарлар. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Т. VII.

Манбалар

2. Внешнеполитическая и дипломатическая деятельность СССР (апрель 1985 г. – октябрь 1989 г.). Обзор МИД СССР // Международная жизнь. 1989. № 12.
3. Внешнеполитическая и дипломатическая деятельность СССР (ноябрь 1989 г. – декабрь 1990 г.). Обзор МИД СССР // Международная жизнь. 1991. № 3.
4. Горбачев М. С. Перестройка и новое мышление для нашей страны и для всего мира. – М., 1988.
5. Горбачев М. С. Как это было. – М.: ВАГРИУС, Агентство «ПЕТРО-НБЮС», 1999.
6. Горбачев М. С. Размышления о прошлом и будущем. Изд. 2-е. СПб.: Санкт-Петербургское отделение Горбачев-Фонда, 2002.
7. Договор между Союзом Советских Социалистических Республик и Соединенными Штатами Америки о ликвидации их ракет средней дальности и меньшей дальности. 8 декабря 1987 г. // Действующее международное право. – М., 1997. – Т. 2.
8. Договор между Союзом Советских Социалистических Республик и Соединенными Штатами Америки о сокращении и ограничении стратегических наступательных вооружений. 31 июля 1991 г. // Действующее международное право. – М., 1997. – Т. 2.
9. Договор об окончательном урегулировании в отношении Германии от 12 сентября 1990 г. // Вестник МИД СССР. № 19. 15 октября 1990 г. С. 15-18.
10. Договор о добрососедстве, партнерстве и сотрудничестве между СССР и ФРГ от 9 ноября 1990 г. // Вестник МИД СССР. № 23. 15 декабря 1990 г. С. 11-15.
11. Договор об обычных вооруженных силах в Европе. Париж, 19 ноября 1990 г. //

- От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. В 3-х тт. Т. 2. – М., 1996.
12. Документ Копенгагенского Совещания Конференции по человеческому измерению СБСЕ. Копенгаген, 29 июня 1990 г. // От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. В 3-х тт. Т. 2. – М., 1996.
 13. Документ Московского Совещания Конференции по человеческому измерению СБСЕ. Москва, 4 октября 1990 г. // От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. В 3-х тт. Т. 2. – М., 1996.
 14. Единый европейский акт // Европейский союз. Прошлое. Настоящее. Будущее. Единый европейский акт. Договор о Европейском союзе. – М., 1994.
 15. Заключительный акт Совещания по безопасности и сотрудничеству в Европе//От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. В 3 т. – М., 1996.
 16. Итоговый документ Венской встречи 1986 года представителей государств-участников СБСЕ. Вена, 15 января 1989 г. // От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. В 3 т. Т. 1. – М., 1996.
 17. Итоговый документ Мадридской встречи 1980 года, представленный государствами-участниками СБСЕ. – Мадрид, 6 сентября 1983 г. // От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. – Т. 1. – М., 1996.
 18. Парижская хартия для новой Европы. Париж, 21 ноября 1990 г. // От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в документах. 1973-1994. В 3-х тт. Т. 2. – М., 1996.
 19. Рейган Р. Жизнь по-американски. – М., 1992.
 20. Совместное заявление о принципах и основных направлениях последующих переговоров об ограничении стратегических вооружений. 18 июня 1979 г. // Борьба СССР против ядерной опасности, гонки вооружений, за разоружение». Документы и материалы. – М., 1987.
 21. Соглашение между СССР и Европейским экономическим сообществом и Европейским сообществом по атомной энергии о торговле и торговом и

- коммерческом и экономическом сотрудничестве. 1989 г. // Европейский союз. Прошлое. Настоящее. Будущее. Документы, касающиеся сотрудничества между Европейским союзом и Россией. – М., 1994.
22. Съезд КПСС. Документы и материалы. – М., 1976.
23. Съезд КПСС. Документы и материалы. – М., 1981
24. Шеварднадзе Э. А. Мой выбор. – М., 1992.

Литература

25. Адамишин В. Л. Мадридская встреча // Мир и разоружение. Научные исследования. – М., 1984.
26. Ахтамзян А. А. Объединение Германии, или аншлюс ГДР к ФРГ. Ч. II. М., 1994.
27. Бароновский В. Г. Западная Европа: военно-политическая интеграция. – М., 1988.
28. Борко Ю. А., Загорский А. В., Караганов С. А. Общий европейский дом: что мы о нем думаем? – М., 1991.
29. Верт Н. История Советского государства. 190-1991. – М.: ИНФРА-М, Издательство «Весь мир», 1998.
30. Дашинев В. От тоталитарной к демократической политике в германском вопросе//Россия и Германия после войны и мира (1946-1995). – М., 1995.
31. Добрынин А. Сугубо доверительно. Посол в Вашингтоне при шести президентах США (1962-1986 гг.). – М., 1996.
32. Дубинин Ю.В. Дипломатическая быль. Записки посла во Франции. – М., 1997.
33. Загорский А. В. Хельсинкский процесс. Переговоры в рамках Совещания по безопасности и сотрудничеству в Европе 1972–1991 гг. – М., 2005.
34. История международных отношений и внешней политики СССР. 1970-1987 гг. – М., 1987. – Т. 3.
35. Кашлев Ю. Вена. Главная работа – впереди // Международная жизнь, 1989. № 4.
36. Кашлев Ю. Б. Общеевропейский процесс вчера, сегодня завтра. – М., 1990.
37. Княжинский В. Б., Купцова И. В., Софийский Н. В., Фокеев Г. В., Юрьева Т. В. Новое политическое мышление и проблемы безопасности и сотрудничества в

- Европе. Учебное пособие. – М., 1991.
38. Корниенко Г. М. Холодная война. Свидетельство ее участника. – М., 1994.
39. Краткая история Польши. С древнейших времен до наших дней. Ответственный редактор доктор исторических наук В. А. Дьяков – М.: Наука, 1993.
40. Монбриаль Тьерри де. Память настоящего времени. – М., 1997.
41. Новик Ф. И. СССР и проблемы безопасности и сотрудничества в Европе // Советская внешняя политика в годы холодной войны. 1945-1995 гг. – М., 1995
42. Павлов Н. В. Объединение или рассказ о решении германского вопроса с комментариями и отступлениями. М., 1992.
43. Последний год ГДР. Игорь Максимычев. Крушение. Реквием по ГДР. Ханс Модров. Взлет и падение. М., 1993.
44. Шмыгин А. И. СОИ глазами русского полковника. – М.: Мегатрон, 2000.
45. Ялтинско-Потсдамская система международных отношений. Холодная война. 1945-1995 гг. Дистанционный курс. М.: Московский общественный научный фонд, 2001. Интернет адрес: <http://www.mpsf.org/dlw/>.